

БПК

БОЗОР, ПУЛ ва КРЕДИТ

РЫНОК, ДЕНЬГИ и КРЕДИТ

Ежемесячный экономический научно-практический журнал

ISSN 2010-6580




Рост кредитования и макроэкономическая стабильность в Республике Узбекистан: выводы на основе BVAR моделей



- Ёшлар ва хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш камрови кенгаймоқда
- Человеческий капитал как стратегическое направление в борьбе с бедностью в Узбекистане
- Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида рақамли технологиялар





**O'zbekiston Respublikasi
Konstitutsiyasi kuni
bilan tabriklaymiz!**



AGROBANK

MIB

MADAD INVEST BANK

UKSAK TARAQIYOT SARI 16:04



“MADAD INVEST BANK”

МИЖОЗЛАР ХИЗМАТИДА

“Madad Invest Bank” акциядорлик тижорат банки 2016 йил ноябрь ойидан ўз фаолиятини бошлаган.

Банкда ҳозирги кунда 83 нафар ходим ишлаб келмоқда. Банкнинг амалиёт бошқармаси таркибида 4 та мини-банк (Тошкент шаҳрида ва Фарғона вилоятининг Бешариқ, Бувайда туманлари ва Қувасой шаҳри ҳудудида) ҳамда Фарғона шаҳрида банк хизматлари маркази мавжуд.

Банк эришаётган ютуқларда унинг таркибидаги 4 та мини-банк ходимларининг муносиб ҳиссаси бор. Тошкент шаҳри, Фарғона вилоятининг Бешариқ ва Бувайда туманлари, Қувасой шаҳрида жойлашган мини-банклар юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқда. Кичик жамоа миқдорда кўнглига йўл топа олаётгани, натижада юридик ва жисмоний шахсларнинг банкка нисбатан ишончи ортиб бораётгани бежиз эмас. Бу – соҳа ходимлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни вақтида бажараётгани, миқдорларга бўлган эътибор ва, асосийси, “Madad Invest bank” хизматлари замонавий, қулай, ҳаммабон ва талаб даражасида эканлиги, бу ҳақдаги маълумотлар жамоатчиликка етказиб берилаётганлиги натижаси.

Банк томонидан ҳисобот даврида 958 та юридик, 10037 нафар жисмоний шахс, 267 нафар яқин тартибдаги тадбиркор, 481 фермер хўжалиги – жами 11109 та хўжалик юритувчи субъектларга замонавий банк хизматлари кўрсатилади.

Банк томонидан жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кредит ва лизинг амалиётлари қолдиғи 145 851,7 млн. сўмни ташкил этган (шу жумладан, миллий валютада 122 953,0 млн. сўм миқдоридан, хорижий валютада 22 898,6 млн. сўмлик кредитлар ажратилган). Жисмоний шахсларга ўз фаолиятларини ривожлантириш учун ажратилган кредитлар миқдори 15 060,3 млн. сўмни ташкил этган. Юридик шахсларга ажратилган кредит ва лизинглар миқдори 130 791,4 млн. сўмдан иборат.

Хизмат кўрсатиш кўлами ортиб бормоқда. Жорий йилда 291 нафар жисмоний шахс билан “Интернет-банкнинг”, 89 та миқдор билан “Мобиль-банкнинг” каби интерфаол замонавий банк хизматлари кўрсатиш учун шартномалар тузилиб, банк хизматлари тақдим этилди.

Банк ўз олдида қўйган бизнес-режа кўрсаткичлари ва фойда режасини ойма-ой бажариб келмоқда. Республикада фаолият кўрсатиб келаётган бошқа тижорат банклари орасида “Madad Invest Bank” АТБнинг ўрни юксалиб бормоқда. Яратилган шарт-шароитлар, бир хил стандартда кийинган хушмуомала ходимлар, миқдорларнинг тенглигини таъминлайдиган электрон навбат қурилмалари, ресепшн хизмати, 24/7 тартибида ишловчи ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шохобчалари ва банкоматларда нақд пулларнинг доимий бўлиши таъминланиши банк ишчи-хизматчиларини руҳлантириб, янги ютуқларни забт этиш сари қорлайди.

Ҳамдам АМИНОВ



Contents

October №10 (281), 2020 year

BANKING ACTIVITIES

- 1** *Kh. Aminov*
«Madad Invest Bank» serves clients

MACROECONOMY

- 4** *Kh. Ibadullaev, A. Aliev*
Lending growth and macroeconomic stability in the Republic of Uzbekistan: conclusions based on BVAR models

BANKING ACTIVITIES

- 12** *O. Butaev*
Youth and women's entrepreneurship support expands
- 18** *M. Qurbonov*
Ways of introducing KPI methodology in assessing the effectiveness of branch network in commercial banks

MONETARY POLICY

- 22** *A. Abdullaev*
The impact of monetary policy instruments on bank liquidity regulation

SOCIAL POLICY

- 30** *U. Narzullaeva*
Human capital as a strategic direction in the fight against poverty in Uzbekistan

LABOR RELATIONS

- 36** *B. Begmatov, J. Mirzakhmedov*
Attestation of workplaces on working conditions as a guarantee of labor safety and social protection
- 40** *M. Bekbaev*
Digital technologies in the sphere of labor protection

MICROECONOMY

- 42** *G. Shadieva*
The socio-economic content of "Family economy", and conceptual directions of its development and well-being

DIGITAL ECONOMY

- 52** *D. Narzullaeva*
Improvement of the state governance system and digitalization of the economy of Uzbekistan

ECONOMIC REFORMS

- 56** *B. Turaev*
Analysis and importance of structural reform indicators for the economy of Uzbekistan

AUDIT ACTIVITIES

- 60** *A. Turaev, Kh. Abdullaev*
Experience of conducting internal audit in international practice and its application in our country

WORLD ECONOMY

- 68** *A. Rustamov*
How has the "Trade war" between the US and China affected world trade and the global economy?

МУАССИС ВА ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки,
Агробанк, Асакабанк, Алоқабанк,
Капиталбанк, Микрокредитбанк,
Савдогарбанк, ТИФ Миллий банки,
Туронбанк, Трастбанк, Халқ банки,
Ўзсаноатқурилишбанк, Қишлоқ қурилиш банк,
Ипотекабанк, Ипак йўли банки

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

М.Б. НУРМУРАТОВ

(кенгаш раиси),

Б.Э. ЗАХИДОВ,

О.А. БУТАЕВ,

Р.О. ОХУНОВ

(кенгаш котиби),

С.С. АННАКЛИЧЕВ,

К.Н. ИРИСБЕКОВА,

А.Қ. МИРСОАТОВ,

Ч.С. МИРЗАЕВ,

С.Р. НОРМУХАМЕДОВ

ТАҲРИРИЯТ:

Директор:

Г.Н. БЕЗГИН

Бош муҳаррир:

В.С. УМИРОВ

Масъул котиб:

Ф.Т. ИЗЗАТУЛЛАЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати:

Тел.: (+998)71-234-91-13;

(+998)94-677-78-04

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ» МЧЖ,
Тошкент ш., Чингиз Айтматов кўч., 1А-уй.
<http://www.bpk.uz/>
e-mail: info@bpbk.uz

Материаллар кўчириб босилаётганда журналдан олинган кўрсатилиши шарт. Юборилган қўлёзмаларни тақриз қилиш ва қайтариб юборишни таҳририят ўз зиммасига олмайди.

Журналнинг обуна индекси: 853

ISSN 2010-6580

Журнал ЎЗР Мағбуот ва ахборот агентлигида 2014 йил 2 июлда рўйхатдан ўтган.

Гувоҳнома рақами: 0058

Теришга берилди: 25.11.2020 й.

Босишга рухсат этилди: 04.12.2020 й.

Бичими: 60x90/8.

Офсет босма усулида чоп этилди.

Шартли босма табоғи: 9,0.

Буюртма № 54. Адади: 1265.

«SILVER STAR PRINT» МЧЖда чоп этилди

(Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,

22-даха, 17-уй).

Баҳоси шартнома асосида.

Ушбу нашр «Afrosiyob» тезюар поездларида тарқатилди.

МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Бозор, пул ва кредит» журналида мақолангизни чоп этмоқчи бўлсангиз, уни фақатгина электрон кўринишда куйидаги манзилга юборинг: info@bpbk.uz
Таҳририят томонидан қабул қилиналган мақолаларга талаблар билан журнализмнинг www.bpk.uz сайти орқали танишишингиз мумкин.

Эслатма: муаллифлар кўрсатилган электрон манзилга мақола юборишда исми, фамилияси, лавозими, илмий даражаси, иш жойи ва боғлиқ телефонларини аниқ кўрсатишлари ва мақоланинг инглиз тилидаги аннотациясини юборишлари шарт.

БУ СОНДА В НОМЕРЕ

БАНК ФАОЛИЯТИ

1 *Ҳ. Аминов*
«Madad Invest Bank» мижозлар хизматида

МАКРОЭКОНОМИКА

4 *Ҳ. Ибадуллаев, А. Алиев*
Рост кредитования и макроэкономическая
стабильность в Республике Узбекистан: выводы на
основе BVAR моделей

БАНК ФАОЛИЯТИ

12 *О. Бутаев*
Ёшлар ва хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-
қувватлаш қамрови кенгаймоқда

18 *М. Қурбонов*
Тижорат банкларида филиаллар тармоғи самарадорлигини
баҳолашда КРП услугиётини жорий этиш йўллари

МОНЕТАР СИЁСАТ

22 *А. Абдуллаев*
Пул-кредит сиёсати инструментларининг банк
ликвидлигини тартибга солишга таъсири

СОЦИАЛЬНАЯ ПОЛИТИКА

30 *У. Нарзуллаева*
Человеческий капитал как стратегическое
направление в борьбе с бедностью в Узбекистане

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

36 *Б. Бегматов, Ж. Мирзахмедов*
Меҳнат шароитлари бўйича иш ўринлари аттестацияси
– меҳнат хавфсизлиги ва ижтимоий ҳимоя гарови

40 *М. Бекбаев*
Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида рақамли
технологиялар

МИКРОИҚТИСОДИЁТ

42 *Г. Шадиева*
«Оила хўжалиги»нинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни,
уни ривожлантириш ва фаровонлигини оширишнинг
концептуал йўналишлари

ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА

52 *Д. Нарзуллаева*
Совершенствование системы государственного
управления и цифровизация экономики Узбекистана

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР

56 *Б. Тўраев*
Ўзбекистон иқтисодиёти учун таркибий ислоҳот
кўрсаткичларининг таҳлили ва аҳамияти

АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ

60 *А. Тўраев, Х. Абдуллаев*
Халқаро амалиётда ички аудиторлик текширувлари

WORLD ECONOMY

68 *А. Рустамов*
Как повлияла «Торговая война» между США и Китаем
на мировую торговлю и глобальную экономику?





РОСТ КРЕДИТОВАНИЯ И МАКРОЭКОНОМИЧЕСКАЯ СТАБИЛЬНОСТЬ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ВЫВОДЫ НА ОСНОВЕ VVAR МОДЕЛЕЙ

*Хабибулло Ибадуллаев, начальник отдела, Центральный банк Республики Узбекистан
Арсен Алиев, главный экономист*

Рост кредитования и инвестиционной активности является одним из основных условий развития экономики. В связи с этим необходимо обеспечить оптимальный уровень кредитования экономики с целью предотвращения негативных последствий, связанных с возможностью «кредитного бума», макроэкономической и финансовой нестабильности. В таких условиях большое значение приобретает грамотное макроэкономическое управление, а также обеспечение эффективности и целевого использования инвестиционных ресурсов.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ЗАВИСИМОСТИ МЕЖДУ УРОВНЕМ КРЕДИТОВАНИЯ И МАКРОЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТЬЮ

Трансмиссионный механизм денежно-кредитной политики состоит из множества каналов (Схема).

Наиболее значимую роль в принятии решений по денежно-кредитной политике играет процентный канал. Принципиальная схема функционирования данного канала представлена на Диаграмме 1.

ДЕКОМПОЗИЦИЯ ВЛИЯНИЯ ОСНОВНОЙ СТАВКИ НА РЫНОЧНУЮ СТАВКУ

Сущность работы данного канала состоит в том, что изменение основной ставки передается на ставки меж-

банковского денежного рынка, а затем на банковские и прочие ставки финансового рынка. Ставки финансового рынка в свою очередь оказывают влияние на уровень кредитования экономики и, соответственно, на совокупный спрос.

Уровень процентных ставок также во многом определяет относительную привлекательность сбережений и финансовых инструментов в национальной и иностранной валютах и таким образом влияет на валютный курс (валютный канал).

Изменение процентных ставок через финансовый рынок влияет на доходность и, соответственно, на стоимость финансовых и нефинансовых активов, а также на инвестиционные и потребительские решения (балансовый канал).


МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ

Проблеме оценки влияния кредитования на стабильность в экономике уделяется достаточно большое внимание со стороны международных финансовых институтов, а также научного сообщества, в результате чего был выработан ряд методологических подходов (Таблица 1).


Согласно выводам большинства проведенных исследований, повышение уровня кредитования экономики оказывает значимое влияние на рост инфляции. В этой связи с учетом последних тенденций в экономике возрастает необходимость оценить количественные взаимосвязи между уровнем кредитования и базовой инфляции в Республике Узбекистан, в том числе по различным валютам.

Схема.

Схема работы трансмиссионного механизма



Источник: составлена авторами.



Источник: составлена авторами.

Примечание:

1. Ожидаемый эффект ($\Delta i_{T1}^1 = i_{T1-1} - i_{T0+1}$) – это изменение рыночной ставки между периодом до фактического объявления ($T_1 - 1$) и после объявления ($T_0 + 1$). Таким образом, данный эффект включает в себя пересмотр ожиданий последующих действий денежно-кредитной политики, связанных с их непредсказуемостью в период времени T_0 или с изменением условий, включающих новые данные о состоянии экономики, и затем рыночные процентные ставки изменяются до фактического объявления денежно-кредитной политики.
2. Изменения, происходящие в день объявления ($\Delta i_{T1}^2 = i_{T1} - i_{T1-1}$), заключаются в изменении рыночной ставки между периодом до объявления ($T_1 - 1$) и в день объявления (T_1).
3. Непосредственный эффект ($\Delta i_{T1}^3 = i_{T1+1} - i_{T1}$) – изменение рыночной ставки между днем объявления (T_1) и последующим периодом ($T_1 + 1$).
4. Таким образом, общий эффект ($\Delta i_{T1}^{Total} = i_{T1+1} - i_{T0+1}$) – это общее изменение рыночной ставки ($T_0 + 1$) и ($T_1 + 1$), которое является производной трех предыдущих эффектов.

Основываясь на предлагаемых методологических подходах, далее будут проанализированы тенденции кредитования в Республике Узбекистан за последние годы.

ДЕКОМПОЗИЦИЯ РОСТА КРЕДИТОВАНИЯ

На первоначальном этапе исследования для изучения роста различных компонентов кредитного портфеля была выполнена декомпозиция прироста кредитных вложений.

Результаты декомпозиции роста кредитования по видам кредитов показывают, что наибольший вклад в рост совокупного кредитного портфеля вносят долгосрочные кредиты в национальной валюте (Диаграмма 2).

За последние годы наблюдался устойчивый ускоренный рост кредитования экономики. Данная тенденция была обусловлена недостаточным уровнем инвестиций в основной капитал в предыдущие годы, предпринимаемыми активными мерами по созданию новых производств, расширению и модернизации существующих производственных мощностей.

В результате в 2017–2019 гг. возрос вклад долгосрочных кредитов в иностранной валюте, в основном за счет выделения кредитных ресурсов ФРРУ и более свободного доступа банков к иностранному капиталу.

Наиболее значительный

вклад в рост кредитного портфеля после либерализации курса национальной валюты вносила переоценка кредитов. Однако в III квартале 2018 г. эффект переоценки был исчерпан, и основными компонентами роста кредитования стали долгосрочные кредиты.

АНАЛИЗ ИНФЛЯЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ И ПРОЦЕНТНЫХ СТАВОК В ЭКОНОМИКЕ

Главным инструментом Центрального банка при реализации денежно-кредитной политики является основная ставка, которая рассматривается на заседаниях Прав-

Таблица 1.


Эмпирические исследования взаимосвязей кредитования с инфляцией в зарубежных странах

Автор	Тема	Страна	Результаты
Alan S. Blinder	Оптимизация кредитов и провалы эффективного предложения	США	С помощью двух макроэкономических моделей найдена взаимосвязь между ценами и темпами кредитования
Nathan S. Balke	Кредитная и экономическая активность: Кредитные режимы и нелинейное распределение шоков	США	С использованием TVAR моделей выявлено, что в режиме ограниченного кредитования изменение его объемов сильнее влияет на инфляцию
Alessandro Calza & Joao Sousa	Импульсные отклики выпуска и инфляции на кредитные шоки	Евросоюз	Колебания инфляции зависят от условий кредитования в экономике. Причем изменения объемов кредитования оказывают большее влияние на инфляцию (0,4), когда кредитная политика находится в ограниченном режиме
Karim Eslamloueyan & Ali Darvishi	Кредитная экспансия и инфляция в Иране: Модель VECM	Иран	Авторы приходят к выводу об отсутствии взаимосвязи между объемами выданных кредитов и уровнем цен в краткосрочном периоде. Однако на долгосрочном горизонте авторам удалось выявить прямую зависимость двух переменных. Более того, авторам удалось выяснить, что однопроцентное увеличение банковских кредитов приводит к увеличению инфляции на 0,5 п.п.
Anna Rose Bordon & Anke Weber (IMF)	Трансмиссионный механизм в Армении: новые выводы на основе векторных авторегрессионных моделей	Армения	Процентный и денежный шоки имеют устойчивый эффект на выпуск и низкое незначительное влияние на инфляцию
Neelam Timsina Dhungana & Radhe Shyam Pradhan	Эффект банковского кредитования на инфляцию в Непале	Непал	Эмпирические результаты показывают, что банковское кредитование усиливает уровень инфляции в Непале. В связи с этим авторы рекомендуют Центральным банкам, стремящимся сдерживать уровень инфляции, ограничить чрезмерное кредитование неэффективных и спекулятивных секторов
Suleiman Daood Al-Oshaibat Hmood H. Banikhalid	Влияние банковского кредитования на инфляцию в Иордании при помощи VAR модели: Исследование примера Иордании за период с 1968-2017	Иордания	Результаты показали взаимный эффект между инфляцией и кредитованием. Вместе с тем, наблюдается позитивный эффект кредитования на уровень инфляции в Иордании
Байкулаков Шалкар Ержан Ислам	Оценка воздействия кредитования экономики на инфляционные процессы в Казахстане	Казахстан	Результаты оценки VECM модели показали наличие долгосрочной зависимости инфляции от кредитов, в частности, сильнее всего в долгосрочной перспективе на инфляцию оказывают влияние кредиты (0,1 п.п.), выданные юридическим лицам. Тогда как оценка VAR модели показала умеренную зависимость потребительских цен от кредитов в краткосрочной перспективе

Источник: составлена авторами.

Диаграмма 2.

Декомпозиция роста кредитования и уровень инфляции по ИПЦ



Источник: расчеты авторов.

ления. С помощью этого инструмента Центральный банк оказывает влияние на ставки межбанковского денежного рынка. Операционная цель состоит в том, чтобы сблизить ставки денежного рынка с основной ставкой. Для достижения операционной цели используется набор инструментов денежно-кредитной политики, позволяющий управлять ликвидностью в банковской системе. Данный набор включает обязательные резервные требования, двухнедельные депозитные аукционы, РЕПО и своп, односторонние (овернайт) депозитные операции, РЕПО и своп постоянного действия.

С помощью данных инструментов Центральный банк приближает ставки денежного рынка к основной ставке и ограничивает их колебания в пределах процентного коридора, управляя ликвидностью в банковской системе. Далее

изменения в ставках межбанковского денежного рынка отражаются в ставках по банковским депозитам и кредитам.

Анализ динамики процентных ставок по инструментам межбанковского денежного рынка показывает, что с начала года в результате принимаемых мер и использования денежно-кредитных инструментов усилилось влияние рыночных факторов на формирование «кривой доходности» и она постепенно отражает зависимость между сроками и уровнями процентных ставок, исходя из условий рынка.

Ставки по однодневным операциям постоянно сближались с основной ставкой и достигли уровня 14,9% в марте, что было на 0,1 п.п. ниже границы процентного коридора. Затем в мае процентные ставки межбанковского рынка отреагировали на апрельское снижение основной ставки до 15% и, снизившись до 14,3%,

находились в границах процентного коридора.

Принимаемые меры по повышению эффективности регулирования ликвидности банковской системы способствовали повышению эффективности работы трансмиссионного механизма и формированию «кривой доходности».

В то же время, на решения банков об уровне ставок по депозитам и кредитам, в том числе на отдельных сегментах, влияют также инфляционные ожидания как самих банков, так и их клиентов – населения и бизнеса.

В частности, текущая инфляция и инфляционные ожидания населения ограничивают уровень депозитных ставок снизу, ввиду снижения привлекательности депозитов при ставках ниже уровня инфляции, и дальнейшее снижение депозитных ставок становится неоправданным для банков.

Решения по изменению ос-

новой ставки (до 2020 г. ставки рефинансирования) в Узбекистане с 2017 года принимаются с учетом структурных изменений и внешних шоков. Оценка уровня нейтральной процентной ставки может служить руководством, а также указывать на то, является ли монетарная политика экспансионистской, нейтральной или ограничительной. Для оценки денежно-кредитной политики и принятия решений по основной ставке Центральный банк Республики Узбекистан использует модифицированное правило Тейлора как часть модели QPM.

Процентная ставка выше нейтральной ставки предполагает жесткую позицию денежно-кредитной политики. В отличие от этого, процентная ставка ниже нейтральной ставки предполагает экспансионистскую позицию денежно-кредитной политики, и в этом случае экономика будет расти быстрее, но при этом будет на-

блюдаться ускорение инфляции. В таблице 2 представлены оценки нейтральной ставки для различных стран мира.

Задачей Центрального банка является управление этим процессом и установление правильного баланса. Центральный банк дважды повышал ставку рефинансирования – с 9 до 14 процентов в июле 2017 года и до 16 процентов в октябре 2018 года, основываясь на оценке результатов моделей. Эти повышения учетной ставки также соответствовали более высоким инфляционным ожиданиям (Диаграмма 3).

В то же время с 2016 года инфляционные ожидания домашних хозяйств и предприятий тесно связаны с фактической инфляцией, а не с целевым показателем инфляции. Это говорит о том, что у субъектов экономики имеются ретроспективные ожидания и обменный курс играл достаточно заметную роль в формировании ожиданий.

КРАТКИЙ ОБЗОР РЕЗУЛЬТАТОВ BVAR МОДЕЛИРОВАНИЯ

Для количественной оценки взаимосвязей между уровнем кредитования и базовой инфляции использовались эконометрические подходы (**BVAR модели**).

Для этой цели мы использовали процедуры, разработанные Литтерманом (1986), и ввели Приоры в стиле Миннесоты.

$$Y_t^n = X_t^n \alpha + Z_t^n \beta + \epsilon_t, n \in \overline{1,3} \quad (1.1),$$

где Y_t^n – вектор эндогенных переменных, X_t^n является матрицей изолированных значений эндогенных переменных для группы n и Z_t^n – вектор экзогенных переменных.

Для оценки модели были использованы **месячные данные по базовой инфляции, кредитам в экономике, кредитам в национальной валюте, кредитам в иностранной валюте с января 2006**


Таблица 2.

Оценки уровня нейтральной реальной процентной ставки в развивающихся странах с переходной экономикой

Guli, Lepushynskiy & Nikolaychuk (2018)	Украина	2 – 2,5
Hledik & Vlcek (2018)	Чехия	1,0
Fuentes & Gredig (2007)	Чили	2,8
Carrillo et al. (2018)	Мексика	2,5
Kreptsev et al. (2016)	Россия	2,5-3 с высокой неопределенностью в оценках
Magud & Tsounta (2012)	Бразилия	5,1 (4,5 – 5,7)
	Перу	2,0 (1,3 – 5)
	Колумбия	2,3 (1,6 – 4,4)
	Коста Рика	3,5 (2,6 – 4,1)
	Доминиканская Республика	3,2 (1,7 – 4,2)
	Гватемала	2,8 (2,0 – 3,7)
	Парагвай	2,2 (1 – 3,8)
IMF Article IV Consultation (2018)	Грузия	2
IMF Article IV Consultation (2018)	Казахстан	4

Диаграмма 3.

Инфляция и инфляционные ожидания населения



Источник: Госкомстат РУ, Центральный банк РУ.

Примечание: *Базовая инфляция* – инфляция, рассчитанная без учета изменения цен на отдельные товары и услуги, подверженные влиянию факторов, которые носят сезонный и административный характер (плодоовощная продукция, топливо, отдельные услуги пассажирского транспорта, услуги связи, жилищно-коммунальные услуги и др.). *Усеченная инфляция* – средний показатель инфляции, получаемый путем отсекаемых определенных товаров как с наибольшим, так и с наименьшим изменением цен.

года до мая 2020 года. Все переменные берутся в логарифмической форме. Кроме того, для корректировки сезонности во временных рядах мы используем алгоритм X-12 ARIMA.

Полученные на основе описанной методологии импульсные отклики моделей BVAR приведены на диаграмме 4.

Результаты моделирования показывают наличие устойчивой долгосрочной связи между уровнем кредитования и базовой инфляцией. Период полного переноса влияния роста кредитов на базовую инфляцию реализуется, начиная с 6-го месяца. При этом рост кредитования на 1% приводит к дополнительному ускорению

уровня базовой инфляции на 0,1 п.п.

Эластичность влияния кредитования на базовые цены характеризуется неоднозначными результатами в зависимости от вида валюты кредитования.

В моделях, где оценивалось влияние кредитов в национальной и иностранной валюте на инфляцию в долгосрочном периоде, были получены различные результаты (Диаграмма 5).

Более детальный анализ показывает, что наиболее сильно базовая инфляция реагирует на рост кредитования в национальной валюте. Полный эффект от роста кредитования проявляется через 7–8 меся-

цев. Результаты количественной оценки показывают, что рост кредитов в национальной валюте на 1% приводит к ускорению базовой инфляции на 0,17 п.п.

Рост кредитования в иностранной валюте оказывает менее значимый долгосрочный эффект на ускорение базовой инфляции. Полный эффект от роста кредитов на базовую инфляцию проявляется через 4–5 месяцев. Рост кредитования в иностранной валюте на 1% приводит к ускорению базовой инфляции в долгосрочной перспективе на 0,08 п.п. Также, влияние кредитов в иностранной валюте в определенной степени сопряжено с эффектом

переноса девальвации национальной валюты.

Таким образом, основываясь на полученных результатах моделирования можно сделать заключение о том, что рост кредитования оказывает умеренное устойчивое влияние на рост базовой инфляции в Республике Узбекистан с определенным лагом в 6–8 месяцев.

Таким образом, в настоящее время существует большое количество эмпирических исследований, посвященных зависимости между ростом кредитования и инфляцией. На основе применения различных подходов было подтверждено наличие умеренного влияния роста кредитования на уровень макроэкономической стабильности в Узбекистане.

До применения BVAR моделей был задействован ряд статистических методов с использованием индексов, результаты которых также

косвенно подтвердили существование положительной зависимости уровня цен от роста кредитования.

На основе временных рядов по Республике Узбекистан были протестированы гипотезы о влиянии различных видов кредитования на рост базовой инфляции. Используя BVAR модели, было доказано существование положительной взаимосвязи между ростом кредитования и уровнем цен.

Результаты BVAR моделей показывают, что наибольшее влияние на уровень цен оказывает рост кредитов в национальной валюте.

Для дальнейшего развития исследований в этой области целесообразно рассмотреть использование более продвинутых моделей, а также включение в анализ дополнительных переменных, в том числе данных по инфляционным ожиданиям и росту потребительских расходов.


Диаграмма 5.

Реакция инфляции на рост кредитов в национальной и иностранной валютах

Аккумулятивный отклик базовой инфляции на 1% рост кредитов в национальной валюте



Аккумулятивный отклик базовой инфляции на 1% рост кредитов в иностранной валюте




Источник: расчеты автора.

Диаграмма 4.

Реакция инфляции на рост кредитования

Аккумулятивный отклик базовой инфляции на 1% рост кредитов



Источник: расчеты автора.

ABSTRACTS

LENDING GROWTH AND MACROECONOMIC STABILITY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN: CONCLUSIONS BASED ON BVAR MODELS

According to the authors of this article, the growth of lending and investment activity is one of the main conditions for the development of the economy. It is necessary to ensure the optimal level of lending to the economy in order to prevent negative consequences associated with the possibility of a "credit boom", macroeconomic and financial instability.

ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ Қўллаб-қувватлаш қамрови кенгаймоқда

Халқимиз азалдан рўзфорнинг ободлигини ҳалол меҳнатда деб билган. Ҳануз шу фикрда собит яшамоқда. Илгари оилада бир кишининг ишлаши қозон қайнашига, турмуш кечирishiга кифоя қилган бўлса, ҳаётимизга турфа янгиликларнинг кириб келиши, замонавий эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши оилавий меҳнат қилиш кўникмасини шакллантирмоқда. Уй бекалари ва фарзандлар ҳам оилабоши билан ёнма-ён ишлаб, мамлакат ривожига ҳисса қўшиш баробарида рўзфор кам-кўстини бутляпти. Халқимизнинг интилиш ва саъй-ҳаракатларига монанд равишда давлат ҳам фуқароларнинг бандлигини таъминлаш орқали фаровон турмуш кечирishiга замин яратмоқда.



Ориф Бутаев,

«Микрокредитбанк» АТБ
Бошқаруви раиси

Бироқ ҳолва деган билан оғиз чучимади. Давлат имконият қилиб берса-да, фуқаро ундан фойдаланиш малакасига ёки тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун етарли сармояга эга бўлмаса, саъй-ҳаракат самарасизлигича қолади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 октябрь куни жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида таъкидланганидек, эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 55 фоизи ўрта маълумотли. Ишсиз ёшларнинг кўпчилиги замонавий билим ва хунарларни эгалламаган. Демак, уларни доимий иш ўрни билан таъминлаш учун касб-хунар ўргатиш, ишбилармонлик учун зарур билим ва маблағ билан таъминлаш зарурати мавжуд. Йиғилишда бу масаланинг ҳам ечими кўрсатилди. Хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий қилиниб, нодавлат касб-хунар таълими марказлари орқали ёшлар ва аёлларда касбий кўникмаларни шакллантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлашга Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион АҚШ доллари миқдоригадаги маблағ йўналтирилиши таъкидланди. Шунинг 10 миллиони ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунарга ўқитишга, 90 миллиони эса ўқув курсларини тамомлаб, сертификат олганларга имтиёзли кре-



дитлар ажратиш учун сарфланади. «Ижтимоий шартнома» орқали нодавлат касб-хунар ўқув курсларини битирадиган ёшлар ва аёлларга таълим харажатлари учун 1 млн. сўмгача субсидия берилади.

Шу ўринда банкимиз томонидан аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, микромолиялаш тизимини такомиллаштириш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишларга қисқача тўхталиб ўтсак.

Маълумот учун: Давлат дастурлари ва инвестиция лойиҳалари ижроси бўйича жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига жами 3 трлн. 572 млрд. сўм кредит ажратилди.

Шундан:

– 659,2 млрд. сўми 16 910 нафар ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга йўналтирилди;

– 563,2 млрд. сўми эса 18 556 нафар аёл тадбиркорлар учун ажратилди.

Шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларига асосан 2020 йилда 1 138 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди ва 44 448та иш ўрни яратилди. Шундан, биргина «Ҳар бир оила – тадбиркор» давлат дастури доирасида ажратилган 879 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлардан 569 млрд. сўми 28 122 нафар ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашга йўналтирилди.

Хунарамандчилик соҳасида ҳам 4 081та мижозга ажратилган 126 млрд. сўм имтиёзли кре-

дитларнинг 112 млрд. сўми ёки қарийб 89 фоизи 3 772 нафар аёл ва ёш тадбиркорларга йўналтирилган. Бундан ташқари, «Ёшлар – келажагимиз» давлат дастури бўйича 928 нафар, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари йўналишларида 443 нафар хотин-қизлар ва ёшлар бандлиги таъминланди.

Масалан, Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги «Bonito Group» МЧЖ раҳбари Сайдилло Солиевнинг трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасини молиялаштириш учун 1,5 млрд. сўм кредит ажратилди. Ҳозирда корхонада 90 нафар иш ўрни яратилиб, улардан 61 нафари ёшлардан иборат.

Чуст тумани, Тепакўрғон МФЙда фаолият кўрсатувчи «Апекс Пласт Инвест Груп» МЧЖ раҳбари Юсупов Аўмаджон Ҳабибжон ўғлининг тухум флейкаси ишлаб чиқариш фаолияти учун 600 млн. сўм кредит ажратилди. Ушбу корхонада жами 20та янги ишчи ўрни яратилди, шундан 16 нафари ёшларни ташкил қилади.

Умуман олганда, банкимиз то-

монидан 2020 йилнинг якунига қадар қўшимча равишда ёшлар ва хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун яна 172 млрд. сўмга яқин кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Мазкур кредитлар самарадорлигини ошириш учун тайёр бизнес лойиҳаларни амалга ошириш, ўзини-ўзи банд қилиш борасидаги 67та йўналиш бўйича тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун керакли молиявий маслаҳатлар бериш тизими банкнинг ҳар бир ҳудудий бўлинмаларида жорий қилинмоқда.

Бундан ташқари, аҳолининг эҳтиёжманд қатламни молиявий қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш соҳасида «Темир дафтар»га киритилган фуқароларнинг 5 859тасига 59,9 млрд. сўм кредит ажратилди. Мазкур соҳада ҳам 2 686 нафар ёшга 28,7 млрд. сўм ва 3 040 нафар аёлга 27,2 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Албатта, банкимиз томонидан амалга оширилаётган юқоридаги ишлар билан чекланиб бўлмайди. Чунки бу борада ҳали қилиниши зарур бўлган ишларимиз жуда кўп. Президентимиз

томонидан 2020 йил 13 октябрда қабул қилинган «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эса ушбу йўналишдаги ишларимизни ривожлантириш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Ушбу қарор билан 2020 йил 15 ноябрдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби амалиётга жорий қилиниши белгиланди. Тегишли ўқув курсларининг якуний босқичида фуқароларга банк томонидан тасдиқланган ўқув дарслари ва машғулотлари ўтказиш вазифаси топширилди. Мазкур ўқув дарсларида фуқаролар банк маҳсулотларидан масофадан фойдаланиш, банкнинг мавжуд хизматлари ва маҳсулотлари тўғрисида тўлиқ маълумот олишади.

Ўқув курсларини яқунлаб, махсус сертификатга эга бўлган мижозларга эса ходимларимизнинг ўзи алоқага чиқади. Яъни мижоз банкка мурожаат қилмаган тақдирда ҳам банк ходими мижоз билан боғланиб, унга банк хизматларини таклиф этади. Қайси филиал ёки Банк хизматлари марказига (БХМ) учрашиши мумкинлиги ёки банкка ташриф буюрмаган тарзда электрон ариза тақдим этиш имконияти мавжудлиги тўғрисида маълумот берилади.

Касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари курсларини муваффақиятли тамом-

ҚИСҚАЧА:

**ИШСИЗ ЁШЛАРНИНГ КЎПЧИЛИГИ
ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ ВА ҲУНАРЛАРНИ ЭГАЛЛАМАГАН.
ДЕМАК, УЛАРНИ ДОИМИЙ ИШ ЎРНИ БИЛАН
ТАЪМИНЛАШ УЧУН КАСБ-ҲУНАР ЎРГАТИШ,
ИШБИЛАРМОНЛИК УЧУН ЗАРУР БИЛИМ ВА МАБЛАҒ
БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЗАРУРАТИ МАВЖУД.**

лаб, уларнинг сертификатини олган шахслар ўз бизнесини ташкил этиш учун ҳеч бир муаммога дуч келишмайди. Яъни тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан ёшлар ва хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 33 миллион сўмгача бўлган миқдордаги микрокредитлар таъминотсиз ажратилади.

Шунингдек, микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминот турлари асосида 225 млн. сўмгача микрокредитлар ажратилиши белгиланган. Ушбу микрокредитлар 3 йил муддатгача 6 ойгача имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида берилади.

Бунда банк инфратузилмасини кўпайтиришда асосан қулай ва замонавий БХМлар орқали онлайн масофавий хизматлар кўрсатиш назарда тутилган. Бугунги кунда банкнинг 71та филиали ва 100дан ортиқ Банк хизматлари марказлари ҳамда мини-банклари хизмат кўрсатиб келмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида талабдан келиб чиқиб, қўшимча БХМлар ташкил қилиб борилмоқда.

Албатта, мавжуд инфратузилмалар билан юртимизнинг барча ҳудудларини бирдек қамраб олишнинг имкони йўқ. Шундан келиб чиққан ҳолда галдаги вазифамиз 2021 йил давомида республиканинг

ҚИСҚАЧА:

КАСБ-ҲУНАР ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЎҚИТИШ БЎЙИЧА НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ КУРСЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТАМОМЛАБ, УЛАРНИНГ СЕРТИФИКАТИНИ ОЛГАН ШАХСЛАР ЎЗ БИЗНЕСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН ҲЕЧ БИР МУАММОГА ДУЧ КЕЛИШМАЙДИ. ЯЪНИ ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСИГА ЭГА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЎЗ БИЗНЕСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН 33 МИЛЛИОН СЎМГАЧА БЎЛГАН МИҚДОРДАГИ МИКРОКРЕДИТЛАР ТАЪМИНОТСИЗ АЖРАТИЛАДИ.



барча туман ва шаҳарларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали микроолиявий хизматлар кўрсатиш имкониятини яратувчи банк инфратузилмалари тармоқларини ташкил этиш режалаштирилган.

Шунингдек, ўзи операторлик вазифасини бажарувчи микроолиялаш миллий тизими яратилади ва унда бошқа кредит ташкилотларининг манфаатдорлик асосида иштирок этиши таъминланади. Банкнинг қуйи бўғин ходимларини тўлиқ қайта тайёрлаш ва мижозга йўналтирилган хизмат кўрсатиш тизими жорий қилинади. Бунда соҳада муваффақиятга эришган ва халқаро тан олинган хорижий молия институтларида ходимларнинг малака ошириши ва тажриба алмашиши ташкиллаштирилади.

Банк бошқаруви таркибига ижтимоий йўналтирилган микрокредитлаш соҳасида етарли тажрибага эга бўлган хорижий малакали мутахассислар жалб қилинади.

Юқоридаги тадбирлар натижасида фуқароларга ўз бизнесларни йўлга қўйишнинг барча босқичларини қамраб олган ҳолда банк хизмати кўрсатиш режалаштирилган. Бунинг натижасида кичик бизнес субъектларининг узоқ муддат яшовчанлиги таъминланади, миллий иқтисодиётимиз равақида кичик бизнеснинг улуши ошиб боради, аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш орқали уларнинг юқори даромадга эга бўлиши таъминланади.

Ушбу қарор талабига кўра, 2021 йил 1 январга қадар «Микрокредитбанк»нинг аҳоли-

ни, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича янги бизнес модели ишлаб чиқилади. Бу бўйича ҳам ишлар бошлаб юборилган.

Қисқасини айтганда, «Микрокредитбанк» жамоаси тадбиркорларнинг, хусусан, ишбилармон ёшлар ва хотин-қизларнинг орзу-умидларини рўёбга

чиқариш йўлида бор имкониятларни ишга солади. Муҳими, бунинг натижасида ишсизлик камайиб, рўзғорларга барака киради, одамларнинг ишбилармонлик қобилияти юзага чиқади. Президентимизнинг юқоридаги қарорлари эса бу борадаги ишларимизни янада ривожлантиришга муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.



ABSTRACTS

YOUTH AND WOMEN'S ENTREPRENEURSHIP SUPPORT EXPANDS

The author of the article briefed on the work carried out by JSCB "Microcreditbank" to attract the population, especially youth and women to entrepreneurship, improve the microfinance system and support entrepreneurship. In this regard, special attention was paid to the development of a new business model of JSCB "Microcreditbank" to attract more people to entrepreneurship.

Давлат дастурлари ва инвестиция лойиҳалари ижроси бўйича жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига жами

3 трлн.
572 млрд. сўм

кредит ажратилди.

Шундан:

• 659,2 млрд. сўми

16 910 нафар ёшнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга йўналтирилди:

• 563,2 млрд. сўми

эса 18 556 нафар аёл тадбиркорлар учун ажратилди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларига асосан 2020 йилда

1138 млрд. сўм

имтиёзли кредитлар ажратилди ва 44 448та иш ўрни яратилди.

Шундан, биргина «Ҳар бир оила – тадбиркор» давлат дастури доирасида ажратилган 879 млрд. сўмлик

имтиёзли кредитлардан 569 млрд. сўми

28 122 нафар ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашга йўналтирилди.

Хунармандчилик соҳасида 4 081та мижозга

126 млрд. сўм

имтиёзли кредитлар ажратилган.

Шундан, 112 млрд. сўми ёки қарийб 89 фоизи

3 772 нафар аёл ва ёш тадбиркорларга йўналтирилган. Бундан ташқари, «Ёшлар – келажагимиз» давлат дастури бўйича 928 нафар, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари йўналишларида 443 нафар хотин-қизлар ва ёшлар бандлиги таъминланди.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламини молиявий қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш соҳасида «Темир дафтар»га киритилган фуқароларнинг 5 859тасига

59,9 млрд. сўм

кредит ажратилди.

Мазкур соҳада ҳам 2 686 нафар ёшга

28,7 млрд. сўм ва 3 040 нафар аёлга

27,2 млрд. сўм

кредит маблағлари ажратилди.



MIKROKREDITBANK

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ФИЛИАЛЛАР ТАРМОҒИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШДА КРІ УСЛУБИЁТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Мансур Курбонов,

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси тингловчиси

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА БАНКЛАР ФАОЛИЯТИ ЯНГИЧА МАЗМУН КАСБ ЭТАДИ ВА ТОБОРА КЕНГАЙИБ, РИВОЖЛАНИБ БОРАДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ БАНКЛАР ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ, УЛАРНИ ИЛМИЙ ЖИҲАТДАН ҲАР ТОМОНЛАМА ЎРГАНИБ БОРИШ ДОИМО ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРДАН БИРИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ.



Кредит капитал бозори етакчилари бўлган йирик банклар учун энг муҳим вазифалардан бири – бу ҳудудий кенгайишдир. Ҳудудларда йирик банкларнинг мавжудлигини таъминлашнинг энг кенг тарқалган усули ҳудудий тармоқни яратишдир.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев¹ ўз нутқида «...банк тизимини ривожлантириш учун бу йил кескин чоралар кўришимиз лозим.

Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда.

2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўлланми трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади.

Банк тизимида тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган «лойиҳалар фабрикаси» фаолиятини йўлга қўйишимиз лозим», деб таъкидлаган эдилар. Барчамизга маълумки, банк филиаллари тармоғини ривожлантиришнинг энг асосий шартини улар фаоли-

яти самарадорлигини баҳолашнинг самарали услубиёти шаклланганлиги билан изоҳланади.

Рақобат кучайиб бораётган шароитда филиаллар тармоғини кенгайтириш энг муҳим масала бўлиши билан биргаликда уларни тўғри жойлаштириш ҳам катта аҳамият касб этади.

Филиаллар тармоғининг қурилиши ёки кенгайиши бир қатор вазифаларни ҳал қилиш билан боғлиқ:

1. Капитал харажатларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш.
2. Ҳар бир тармоқнинг стратегиясини ва фаолиятини режалаштиришни ишлаб чиқиш.
3. Филиаллар ва бош офиснинг ўзаро таъсири учун самарали тизимни яратиш, филиаллар тармоғини оптималлаштириш.
4. Филиаллар ишини мониторинг қилиш, фаолиятнинг асосий кўрсаткичларини (KPI – Key performance indicators) ишлаб чиқиш бўйича операцион тизимни жорий этиш.
5. Филиалларнинг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларнинг стратегиялари ва ривожланиш режаларини тузиш².

Филиал тармоғига эга бўлган ташкилот-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2018 йил 22 декабрь.

² Молвинский А. Как разработать систему ключевых показателей деятельности. Школа финансового директора, 2006, №10.



ни мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизим деб ҳисоблаш мумкин – «Интеграциялашган хусусиятларни ташкил этувчи ушбу тизим олдида турган аниқ мақсадга эришиш учун биргаликда ишлайдиган, макон ва замонда бир-бирига боғланган ва доимий равишда ўзаро бир-бирини тақозо этадиган тартибланган мажмуа».

Ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг асосий хусусиятлари – яхлитлик, иерархия, ўзини ўзи бошқариш. Улар ушбу тизимнинг асосий ва белгилувчи таркибий қисмини ташкил этадиган одамлар томонидан яратилади ва бошқарилади.

Мураккаб тузилган ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг барқарорлиги ўз-ўзини тартибга солиш даражасига, тизим ичида ҳам, ташқи муҳитда ҳам содир бўлаётган ўзгаришларга тезда жавоб бериш ва ушбу ўзгаришларга мослашиш қобилиятига боғлиқ. Тизим, агар у ривожланиш тенденциясининг мақсад ва вазифаларига мос келадиган бўлса, таркибини ўзгартирмасдан сифатли ҳолатини сақласа ёки кучли ўзгаришларга олиб келмаса, барқарор деб ҳисобланади.

Менежментнинг асосий вазифаси тизимни маълум бир ҳолатда сақлаш ёки уни янги режалаштирилган ҳолатга ўтказиш, ташқи ва ички муҳит омиллари мувозанатини сақлаш, молиявий мувозанатни таъминлаш, барқарор даромад олиш, узоқ вақт давомида рақобатдошлигини таъминлаш учун ташкилот фаолиятининг стратегик йўналишларини қидириш ва таъминлаш, бизнеснинг позициялари, барқарор ишлашини таъмин этиш.

Мураккаб тизимларда таркибий бўлинмаларнинг ўзини ўзи тартибга солиш механизми шакллантирилиши керак. Ушбу механизмнинг воситаларидан бири таркибий бўлинмаларнинг самарадорлигини баҳолашдир.

Кўриб чиқиладиган давр давомийлигига қараб филиалларнинг қисқа ва узоқ муддатли таҳлил усулларини ажратиш мумкин.

Филиалнинг узоқ муддатли самарадорлигини баҳолаш учун сиз инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилиш усулларидан фойдаланишингиз мумкин. Бу ҳолда баҳолашнинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- филиал томонидан ишлаб чиқарилган пул маблағлари оқимининг (фойда) жорий қиймати;
- бошқа лойиҳаларга нисбатан қайтарилиш муддати;
- капиталнинг қиймати билан таққослаш учун



қайтарилишнинг тахминий даврига мос келадиган ички даромадлилик даражаси.

Ушбу схема бўйича баҳолаш жараёни одатда янги бўлинмалар ва филиалларни очишни режалаштириш босқичида амалга оширилади.

Бироқ баъзида бундай баҳолаш, шунингдек, маълум бир филиал ишини давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун амалга оширилиши мумкин, айниқса у зарарга ишлаётган бўлса. Бирликларнинг жорий самарадорлигини баҳолаш учун уларнинг қисқа муддатли фаолияти (бир йилдан кўп бўлмаган) акс эттириладиган кўрсаткичлардан фойдаланиш керак. Ушбу кўрсаткичлар одатда самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари (KPI – Key performance indicators) деб номланади.

Кўпинча KPI мувозанатли кўрсаткичлар тизими (МКТ) концепциясига мувофиқ шакллантирилади, шунда кўрсаткичлар тўплами филиалнинг барча томонларини акс эттиради. Қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда филиалларнинг фаолиятини тўртта асосий йўналиш бўйича баҳолаш тавсия этилади:

- молиявий натижалар: савдо ҳажми, рентабеллик, даромадлилик, харажатлар даражаси;
- жараёнлар: маҳсулот сифати, жараёнларнинг сифати (иш, процедура), мувофиқлаштириш даражаси ва ўзаро таъсир сифати;
- Мижозлар: мижозларни сотиб олиш динамикаси, бозорга кириш даражаси, мижознинг

маҳсулот ва хизматдан қониқиш даражаси;

- ходимлар: ходимларнинг ишлаши; малака оширилиши ва малака оширган ходимлар сони; кадрлар алмашинуви.

Фаолиятнинг қайси асосий кўрсаткичларидан фойдаланиш кераклигини аниқлаш учун қуйидагилар зарур:

- кўрсаткичлар гуруҳларини аниқлаш ва ҳар бир гуруҳ учун турли даражадаги менежерларнинг жавобгарлигини тақсимлаш;
- раҳбарият томонидан ишлатиладиган кўрсаткичларнинг батафсил рўйхатини тузиш;
- стратегик мақсадларга эришишни тавсифловчи кўрсаткичларни танлаш;
- ҳар бир асосий кўрсаткич бўйича ҳисоблаш алгоритмларини расмийлаштириш.

KPI тизимида қўлланиладиган кўрсаткичларни умумий рўйхатдан танлаб олиш учун экспертлар гуруҳини тузиш мумкин. Қоидага кўра, унинг таркибига департамент директорлари ва бўлим бошлиқлари кирилади. Уларнинг вазифаси ҳар бир кўрсаткични бир қатор мезонлар бўйича тавсифлашдан иборатдир.

Пол Р. Нивен³ – менежмент бўйича европатик маслаҳатчи – KPIни танлаш учун қуйидаги мезонларни келтиради:

- 1) стратегия билан алоқа;

- 2) миқдорий ифода;
- 3) қулайлик;
- 4) равшанлик;
- 5) мувозанат;
- 6) релевантлик;
- 7) умумий таърифнинг мавжудлиги.

Кўпинча филиал фаолиятини ҳар томонлама баҳолаш учун барча кўрсаткичлар бўйича мезонлар белгиланади, натижада ҳар бир бирлик учун маълум бир интеграл самарадорлик кўрсаткичини олиш мумкин бўлади.

Ҳар бир филиал фаолияти мониторингини KPI қийматларини таққослаш орқали амалга ошириш мумкин:

- 1) компания раҳбарияти ўзининг стратегик мақсадларига асосланиб кўрсаткичларнинг режали ёки тартибга солувчи қийматлари билан;
- 2) умуман бозорда рақобатчиларнинг кўрсаткичлари қиймати билан;
- 3) ушбу компаниянинг бошқа филиаллари кўрсаткичлари билан.

Филиалларнинг KPIларини мониторинг қилиш бўлимларни (филиалларни) норматив, режали ёки ўртача кўрсаткичларга кўра гуруҳларга бўлиш имконини беради. Агар бундай тақсимлаш интеграл кўрсаткичга асосланган бўлса, унда бундай таҳлил усулини кластер деб аташ мумкин.

Кластер таҳлили сизга энг ўхшаш кўрсаткичлар тўпламларини ва шунга ўхшаш ишлаш натижаларига эга бўлган филиалларни аниқлаш имконини беради. Шу билан бирга, энг ёмон KPIга эга бўлган гуруҳга кирган филиаллар самарадорликни ошириш учун қайси бирига ўзгартириш киритилиши керак ва қайси бири ёпилиши кераклигини аниқлаш учун батафсил таҳлил қилишни талаб этади.

ABSTRACTS

WAYS OF INTRODUCING KPI METHODOLOGY IN ASSESSING THE EFFECTIVENESS OF BRANCH NETWORK IN COMMERCIAL BANKS

The author considers the methods of analysis of investment projects to assess the long-term efficiency of bank branches, as well as the effectiveness of the use of indicators that reflect their short-term performance of not more than one year, i.e. KPI - Key performance indicators.

³ Пол Р. Нивен. Диагностика сбалансированной системы показателей. «Баланс Бизнес Букс» – М.: 2006.

ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ ИНСТРУМЕНТЛАРИНИНГ БАНК ЛИКВИДЛИГИНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ТАЪСИРИ

Иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ва юқори суръатда ўсиш тенденцияси банк ликвидлигини таъминлаш ва тартибга солишдаги пул-кредит сиёсатининг аънавий инструментлари таъсири билан белгиланади. Банк ликвидлигини тартибга солиш банкнинг барча контрагентлар олдидаги молиявий ва қарз мажбуриятлари ўз вақтида тўлиқ бажарилишини таъминлаш, активлар ўсишини молиялаш, депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқариш, ўрта ва узоқ муддатли барқарор ресурс базасини мустаҳкамлаш, банк активлари сифатини ошириш, банк вакиллик ҳисобварақларини молиявий ресурслар билан таъминлаш, юқори ликвидли қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициялар улуши ҳажмини кўпайтиришга бўлган таъсирни англатади.

Алтинбек Абдуллаев,
Жиззах политехника
институти профессори,
и.ф.д. (DSc)

Глобал пандемия шароитида банк ликвидлигини тартибга солишнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун пул-кредит сиёсати инструментларининг яхлитланган тизимидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади, чунки банк ликвидлигини тартибга солиш механизми мамлакат банк секторининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун замин яратади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг камровли банк ислохотлари жараёнида банк ликвидлигини тартибга солиш усулларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида ёндашувлар талаб этилади. Хусусан, Б.А.Базыров [3] банклар фаолиятини тартиб-

га солиш ва назорат қилишнинг самарадорлик даражасига эришиш орқали банк ликвидлик даражасини ошириш йўлларини исботлаб берган бўлса, Johannes P.S. Sheefeni [1] Намибия мамлакатининг ялпи миллий маҳсулоти, валюта сиёсати ва инфляция кўрсаткичларининг банк ликвидлигига бўлган таъсирини баҳолаб берган. Pavla Vodová [2] эса банк ликвидлиги билан капиталнинг етарлилиги, ссудалар бўйича фоиз ставкасининг боғлиқлиги, ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиш суръати билан банкнинг ликвидлиги ўртасидаги алоқадорлик ҳолати бир хил мазмунда эмаслигини регрессион таҳлиллар асосида исботлаб берган.

Т.Рашидов [4] банк ликвидлигини нивелирланган рисклар шароитида бошқариш жиҳатлари борасида илмий ёндашувларга асослаган бўлса, Р.Тожиёв [5] банк ликвидлигини инновацион бошқариш орқали уларнинг ликвидлигини таъминлаш йўлларини исботлаб берган.

Банк ликвидлигини тартибга солиш механизмини такомиллаштиришда Халқаро Базель қўмитаси ва Марказий банк пул-кредит сиёсатининг аънавий инструментлари, иқтисодий меъёрларидан фойдаланилади. Ушбу воситалар банк ликвидлигини мустаҳкамлашга таъсир қилувчи омилларни ва уларнинг ўзаро алоқадорлик даражаларини аниқлаб беради. Иқтисодий меъёрлар ва инструментлар банк фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва ривожланиш истиқболларини белгилайди.

Ҳозирги кунда банк ликвидлигини тартибга солишда банклар фаолиятини тўлиқ акс эттирувчи маълумотлардан фойдаланган ҳолда иқтисодий кўрсаткичларни олдиндан режалаштириш ва прогноз қилиш учун бир қатор инструментлар ишлаб чиқилган. Дастлаб банк ликвидлигини тартибга солишнинг аънавий инструментлари устида тўхталиб ўтайлик:

Мажбурий захира талаблари банк ликвидлигини тартибга солишда

сиёсатининг аънавий инструментларидан бири бўлиб, у банк ресурслари таркибидаги асосий элементлардан бири сифатида намоён бўлади. Мазкур инструмент банк инқирозга учрашининг олдини олиш ва банкларни ҳимоя қилиш механизми сифатида таъсир кўрсатади. Чунончи, биринчидан, ушбу инструментни банк амалиётига жорий этиш ва назорат қилишда қулайликларнинг мавжудлиги (тартибга солиш параметрларини қайта кўриб чиқиш захира ҳажмига ва динамикасига таъсир этади); иккинчидан, банк ликвидлигига таъсир кўрсатишнинг универсаллигини (барча банк учун дахлдорлигини) ўзида акс эттиради.

Мажбурий захира талаблари банк билан Марказий банк ўртасидаги муносабатни шакллантиради, банк тизимида маблағларнинг марказлашган жамғармаси шаклланишига кўмаклашади, банк фаолиятида бевосита фойдаланилмаётган захиралар родини бажарувчи ликвидли маблағлар шаклида банк ресурсларининг муайян қисмини ўзида сақлаб туради. Мажбурий захиралар, банк фаолиятдан олинган фойда миқдорини камайтиришига қарамай, захирани мустаҳкамлайди ва бу орқали омонатчилар билан банк мижозларининг маблағларга бўлган эҳтиёжларини таъминлайди, нақд пул маблағлари қайтарилишининг ишончилигини кафолатлайди ва банклар ўртасидаги рақобатбардошликни оширади.

Мажбурий захира талаблари марказлашган маблағлар жамғармасини банк тизими доирасида шакллантиради. У, бир томондан, захираларни шакллантиришда муайян даражада ликвидликка риоя этишни таъминласа, иккинчи томондан, банк фаолияти тўхтатилганда шакллантирилган захираларнинг умумий миқдори билан аниқланади. Бундай ҳолатда Марказий банк мажбуриятлар бўйича ҳисоблашиши учун захиралар ҳисобварағига ўтказилган маблағларни банкка қайтариб беради. Мажбурий захира талаблари банк тизимининг манфаатига тўлиғича хизмат қилади, аммо унинг танқислиги юзага келганда тўлов тизими узлуксизлигининг бузилишига олиб келади. Шу билан бирга, мажбурий захира талаблари банк активларининг рисклик даражасини пасайтиради, банклар банкротликка юз тутишининг олдини олади, юзага келадиган зарарларни камайтиради, муаммоли кредитларнинг суғурталаш функциясини бажаради,




банк тизимининг барқарорлик кафолати сифатида хизмат кўрсатади.

Ҳозирда мажбурий захираларни шакллантириш тартиби жаҳоннинг аксарият мамлакатларида (Люксембург, Швейцария, Канада, Буюк Британиядан ташқари) жорий этилган. Уларнинг биринчи функцияси – банк тизимининг ликвидлик даражасини мажбурий тарзда сақлаб туради; иккинчиси функцияси – кредит ва депозит эмиссияларининг миқдорини ўзгартириш орқали мамлакатда пул массаси ҳажмини тартибга солиш воситаси сифатида хизмат кўрсатади. Ушбу функциянинг макроиқтисодий аҳамияти унинг мазмунидан келиб чиқса, биринчи функция банк ликвидлигини тартибга солишда юзага келадиган тизимли рисклар юзага келишининг олдини олади. Банкнинг ривожланиш босқичлари дастлабки даврида айнан биринчи функция устунлик қилган. Мажбурий захира меъёрларини табақалашган кўринишда амалиётга жорий этиш валюта курси динамикасига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Банк томонидан шакллантирилган мажбурий захиралар Марказий банкда депозитланади. Мажбурий захира меъёрларининг ортиши (камайиши) банкнинг кредитлаш имкониятини қисқартиради (оширади) ва натижада уларнинг актив операцияларни амалга ошириш имкониятини камайтиради. Депозит захираларининг мультипликатори миқдорига Марказий банк захираси меъёрининг таъсири капитал бозорининг истиқболини белгилашга олиб келади, мажбурий захиралар меъёридаги кичик ўзгаришлар ҳам кредит операцияларининг йирик ўзгаришини юзага келтиради. Шу сабабли тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётни узоқ муддатли даврда бошқаришда мазкур механизмдан фойдаланадилар.

Мажбурий захира меъёрларининг таъсир этиш механизми банк активлари бўйича ўртача фоиз миқдорини камайтиради. Бу ҳолат банк ресурсларининг шаклланиш жараёнини бузади, чунки ресурслар банкни четлаб ўтиб бошқа кредит ташкилотларига (траст, ипотека) йўналтирилади. Бундан ташқари, фоиз тўловлари мавжуд бўлмаган шароитда қимматли қоғозлар портфелини бошқаришдан олинадиган даромадлар ҳисобидан Марказий банк давлат бюджетини тўлдиришга замин яратади ва фоизли даромадлар келтирувчи қимматли қоғозларга мажбурий



ҚИСҚАЧА:

БАНК ТОМОНИДАН ШАКЛЛАНТИРИЛГАН МАЖБУРИЙ ЗАХИРАЛАР МАРКАЗИЙ БАНКДА ДЕПОЗИТЛанади. МАЖБУРИЙ ЗАХИРА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ОРТИШИ (КАМАЙИШИ) БАНКНИНГ КРЕДИТЛАШ ИМКОНИЯТИНИ ҚИСҚАРТИРАДИ (ОШИРАДИ) ВА НАТИЖАДА УЛАРНИНГ АКТИВ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ИМКОНИЯТИНИ КАМАЙТИРАДИ. ДЕПОЗИТ ЗАХИРАЛАРИНИНГ МУЛЬТИПЛИКАТОРИ МИҚДОРИГА МАРКАЗИЙ БАНК ЗАХИРАСИ МЕЪЁРИНИНГ ТАЪСИРИ КАПИТАЛ БОЗОРИНИНГ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШГА ОЛИБ КЕЛАДИ, МАЖБУРИЙ ЗАХИРАЛАР МЕЪЁРИДАГИ КИЧИК ЎЗГАРИШЛАР ҲАМ КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ЙИРИК ЎЗГАРИШИНИ ЮЗАГА КЕЛТИРАДИ.



захираларни жойлаштиради. Марказий банк мажбурий захира меъёрларининг камайишини банкнинг рақобатбардошлигини ошириш ва юкларни юмшатиш усули сифатида қарайди. Демак, мажбурий захиралар ҳажмини аниқлашда депозитларни табақалаш асосида иккита муҳим белги танланади: биринчиси – муддатли (талаб қилиб олингунча, жамғарма ва муддатли депозитлар); иккинчиси – миқдорли (миқдор ўлчамига боғлиқ гуруҳлар).

Жорий даврда захиралар учун ўрнатилган классик меъёрлар банк қарздорлигининг категорияларига хос ўзаро нисбатда Марказий банкда депозитларни жойлаштиришни назарда тутди. Мажбурий захира талабларини бажариш даври, одатда, бир ой муддатни ташкил этади. Бу талабларни бажариш банк амалиётида жорий даврдан бошлаб кейинги давргача мажбурий захира талабларининг ортиқчалигини ёки тақчиллигини ҳисобга олиш имкониятини яратади. Бу эса банк ликвидлигини тартибга солишнинг эгилувчанлигини оширади [6; 59-62 б.].

Мажбурий захиралар жамғармасидан фойдаланиш тартиби мамлакат банк тизими учун

алоҳида аҳамиятга эга. Банклар фаолиятини тугатиш пайтида қонуний тартибда тузилган тугатиш ҳайъати мажбурий захиралар воситасидан фойдаланиши мумкин. Мамлакатнинг банк тизими учун маблағлар барқарор омил саналади, қачонки банк банкрот деб эълон қилинган ҳолатда кредиторларнинг маблағлари йўқолишдан суғуртланади. Табиийки, мажбурий захиралар ҳисобидан барча мажбуриятларни қоплаш мумкин эмас, бироқ мажбуриятларнинг муайян қисмини эгаларига қайтариш мумкин. Мамлакатимизда банкротликка учраган банкни тугатишда биринчи навбатда жисмоний шахсларнинг омонатлари бўйича талаблар тўлиқ таъминланади. Бу эса мамлакат аҳолисининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва саросималар юзага келишининг олдини олишга ёрдам беради [8; 52-56 б.].

Маълумки, қайта молиялаш ставкаси пул-кредит сиёсатининг анъанавий инструментларидан бири бўлиб, у биринчидан, пулга бўлган таклифга таъсир кўрсатади, иккинчидан, банк ликвидлигини тартибга солувчи инструмент сифатида хизмат қилади. Бунда қайта молиялаш ставкаси унга таъсир қилувчи омилларнинг қарама-қаршилиги билан белгиланади. Қайта молиялаш ставкаси инструменти кредит ҳажмини кўпайтириш асосида банк тизимининг ноликвидлигини камайтиради, пулга бўлган таклиф ортади ва инфляциянинг ўсишига имкон яратади. Аксинча, кредит ҳажмининг камайиши пулга бўлган таклифни камайтиради, банкнинг ликвидлиги билан тўловга лаёқатлилик даражасини пасайтиради.

Марказий банк томонидан банкни қайта молиялаш бир кунлик, «овернайт» ва ломбард кредитларини бериш орқали амалга оширилади. Европада Марказий банклар қайта молиялаш ставкасининг ўрнига доимий фаолият кўрсатувчи инструментдан фойдаланади. Доимий фаолият кўрсатувчи инструмент ўз навбатида кредит механизми билан депозит механизмига ажратилади. Европа Марказий банки кредит институтларига вақтинча бўш турган маблағлар (ортиқча захиралар)ни банк амалиёт куни ичида квотасиз ва лимитсиз депозитларга жойлаштириш ҳуқуқини беради. Бу фаолиятнинг асосий мақсади пул бозорида ортиқча ликвидликни олиб қўйишга қаратилган. «Овернайт» депозитлари кредит институтларига пул маблағлари

билан таъминлаш ва бошқариш мақсадида жалб қилинади. Бугунги кунда ушбу инструмент бўйича фоиз ставкаси 3,25-3,75 фоизни ташкил этади ва унга пул бозорида кунлик банклараро кредитларнинг қуйи чегараси белгиланади. У Европа Марказий банки томонидан белгиланган фоиз ставкаси тизимида минимал базавий ставка саналади. Банк амалиёт кунда кредитларни беришнинг бошқа шакли TARGET умумевропа ҳисоб-китоб тизими банк амалиёт куни яқунлангунга қадар кредит институтларини қайта молиялаштиради. Ушбу маблағлардан банклараро бозорда ликвидлик танқислигини қоплашнинг иложи бўлмаганда мажбурий захира талабларини амалга ошириш учун фойдаланиш мумкин. Доимий фаолият кўрсатувчи кредит механизми ломбард кредитларини (Бундесбанк) ва бир кунлик РЕПО битимини бевосита тузиш орқали амалга оширилади.

Банк ликвидлик даражасини мустақамлаш мақсадида Марказий банк миллий валюта шаклида давлат қимматли қоғозларини гаровга олиш шarti асосида уч ой муддатгача ломбард кредити бериши мумкин. Аукционни ташкил этиш голландча ёки америкача тизимда амалга оширилади. Америкача тизимда аризалар ўрнатилган ставкалар бўйича қаноатлантирилади, бунда банк контрагентлар учун ставкалар белгилашни таклиф этади. Аризалар талаби белгиланган минимал ставкалар орқали сотилмаган маблағлар қолдиқларига мутаносиб равишда таъминланади. Голландча тизимда ариза юқори фоизли ставка бўйича қаноатлантирилади, у белгиланган ставка рўйхатининг таркибига киритилади.

Очиқ бозордаги операциялар банк фаолиятини тартибга солишдаги ўзгарувчан инструмент бўлиб, қисқа муддатли конъюнктура Марказий банкнинг ҳисоб сиёсатида тезкор таъсир кўрсатади. Қимматли қоғозларни сотиш (сотиб олиш) курси ҳисоб ставкасининг ўзгаришига нисбатан банкнинг кредит операцияларига таъсир кўрсатади. Марказий банкнинг очиқ бозордаги операциялари бўш турган ресурслар ҳажмига бевосита таъсир кўрсатади, бу кредит қўйилмалари миқдорининг кўпайиши (камайиши)ни рағбатлантиради.

Хориж банк амалиётида очиқ бозордаги операциялардан кенг миқёсда фаол фойдаланилади, масалан, Германияда очиқ бозордаги опера-

ҚИСҚАЧА:

**ОЧИҚ БОЗОРДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАР
БАНК ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА
СОЛИШДАГИ ЎЗГАРУВЧАН
ИНСТРУМЕНТ БЎЛИБ, ҚИСҚА
МУДДАТЛИ КОНЪЮНКТУРА
МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ҲИСОБ
СИЁСАТИГА ТЕЗКОР ТАЪСИР
КЎРСАТАДИ. ҚИММАТЛИ
ҚОҒОЗЛАРНИ СОТИШ (СОТИБ ОЛИШ)
КУРСИ ҲИСОБ СТАВКАСИНING
ЎЗГАРИШИГА НИСБАТАН БАНКНИНГ
КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИГА
ТАЪСИР КЎРСАТАДИ. МАРКАЗИЙ
БАНКНИНГ ОЧИҚ БОЗОРДАГИ
ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎШ ТУРГАН
РЕСУРСЛАР ҲАЖМИГА БЕВОСИТА
ТАЪСИР КЎРСАТАДИ, БУ КРЕДИТ
ҚЎЙИЛМАЛАРИ МИҚДОРИНИНГ
КЎПАЙИШИ (КАМАЙИШИ)НИ
РАҒБАТЛАНТИРАДИ.**


циялар бўйича қимматли қоғозлар келишувига мувофиқ пул бозори тартибга солинганда банклар юқори ликвидликка эга бўлади. Айтилганда банкнинг ликвидлигини тартибга солишни тубдан ислоҳ қилиш мақсадида халқаро Базель қўмитасининг меъёрлари банк амалиётида янгича ёндашув асосида қўлланилмоқда [9; 4-25 б.].

Иқтисодий меъёрлар банкни етарли даражада тартибга солувчи самарали инструментлардан бири саналади. Уларни назорат қилиш бўйича Марказий банк томонидан қўйилган талаблар, хусусан, ликвидли тўловларни амалга ошириш бир-икки ой ичида узук-юлуқ таъминланади, айрим меъёрлар эълондан сўнг расмиятчилик билан бажарилади. Иқтисодий меъёрлар банк рисклари юзага келишининг олдини олиш ва ҳимояланиш билан боғлиқ. Бевосита ўрнатилган иқтисодий меъёрлар барча банклар учун мажбурийдир.

Марказий банк улардан ўзининг асосий функцияларидан бири сифатида фойдаланади, улар асосида барча рисклар тизимли тарзда камаяди.

Капиталнинг етарлилик меъёри халқаро банк амалиётида банкнинг молиявий барқарорлигини таъминловчи, банк назорати бўйича Базель қўмитаси тавсияларининг бажарилиши устидан назорат қилувчи асосий кўрсаткичлардан бири саналади. Капиталнинг етарлилиги одатда ўз маблағларининг рискка тортилган банк активларига бўлган нисбат орқали аниқланади. Банклар ўз маблағлари ҳажмини сунъий равишда кўпайтириб кўрсатиши капиталнинг етарлилик меъёрини, мижозларнинг банкка бўлган ишончини ва банкларнинг молиявий фаолияти устидан назоратни йўққа чиқариши мумкин. Капитал етарлилигининг муайян қисми халқаро стандарт талабларига жавоб бериши амалиётда исботланди.





Кредит риси меъёрлари кредит миқдорини чегаралашни тақозо этади. Кредит портфели рискининг улуши кредит диверсификациясини пасайтиради. Буни амалга ошириш усулларидан бири битта қарз олувчи учун йирик кредитларни беришдан қочиш ва кўп сонли мижозлар ўртасида маблағларни тақсимлашдир. Банклар учун битта қарз олувчи рискининг кредит бўйича қарздорнинг жами мажбуриятлари суммасига бўлган нисбатини Марказий банк белгилайди.

Иқтисодий меъёрлар банклар фаолиятида амал қилинаётган чекловлардан энг камида биттасига мувофиқ келиши ва уларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатилиши лозим. Ушбу меъёрлар айрим ҳолатларда ортиқча саналади ва бошқа банклар фаолиятида мавжуд хусусиятлар ҳисобга олинмайди. Масалан, агар банк томонидан корхоналарга облигацияларни эмиссия қилиш йўли билан арзон пул маблағлари жалб этилса, балансдаги маблағлар битта кредиторнинг пул маблағи сифатида акс эттирилади, пассивлар диверсификацияланиб, барқарорликка эришилади.

Иқтисодий меъёрлар муайян сабабларга кўра самарасиз фойдаланилганда иқтисодиётнинг

реал секторини кредитлаши вақтинча тўхтаб туриши мумкин. Марказий банк томонидан банк учун мажбурий меъёрлардан, хусусан, капиталнинг етарлилиги ва ликвидлик бўйича иқтисодий меъёрлардан банк фаолиятини баҳолаш инструменти сифатида фойдаланилиши мақсадга мувофиқ. Ортиқча ликвидлик иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш учун зарур бўлади.

Мамлакат банк тизимининг ликвидлигини бошқариш инструменти сифатида депозитларни (омонатларни) кафолатлаш мақсадга мувофиқ, чунки уларнинг ижобий жиҳатлари банкларда кам миқдорли омонатлар кўпайишини рағбатлантириш, омонатчиларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, пул маблағларининг йўқолишини кафолатлаш орқали зарарларни қоплаш ҳисобига банкларнинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат.

Депозитларни кафолатлашнинг салбий жиҳатлари банкнинг ликвидлигига салбий таъсир кўрсатувчи рискларнинг ортишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли Ўзбекистонда фуқароларнинг депозитларини кафолатлаш, рискли операциялар учун кафолатланган депо-

зитлардан фойдаланишда чекловларни кузатиб бориш мақсадга мувофиқ.

Республикамизда банкнинг ликвидлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тартибга солинади ва у бошқариш жараёнида фаол иштирок этади. Банкнинг ликвидлигига доир меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги уларни ривожлантириш учун мустаҳкам таянч сифатида хизмат қилади. Улар фаолиятининг молиявий таҳлили бошқаришнинг етарли даражада самарасизлиги, активлар ва пассивлар таркибининг етарли даражада оптималлашмаганлиги, активлар таркиби диверсификациясининг суствлиги банк рисклари юзага келишига сабаб бўлишини кўрсатди. Пул-кредит сиёсатини тартибга солиш органлари томонидан ликвидлик билан боғлиқ чора-тадбирларнинг ўз вақтида мукамал амалга оширилмаслиги банкни инқироз ҳолатига олиб келади. Уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашда чора-тадбирлар мажмуидан фойдаланиш банкларнинг мўътадил ишини тиклайди ҳамда муаммоли банкларнинг молиявий аҳволини соғломлаштиради. Банкнинг депозит (омонат)ларини суғурталаш тизими ликвидликни тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш, инқироздан ҳимоялаш ва банкротликни қисқартириш, ижтимоий тушкунликни камайтириш, юзага келадиган ваҳима муаммосини ҳал этиш, рақобатда устунлик қилиш ҳамда банкларнинг молиявий аҳволи соғломлашувига кўмак беради.

¹ Johannes P.S. Sheeffeni, Jacob M. Nyambe (2016). Macroeconomic determinants of commercial bank's liquidity in Namibia. *European Journal of Business, Economics and Accountancy*, Vol. 4, No. 5, 2016. P.19 – 30.

² Vodova P. (2011) Determinants of Commercial Banks' Liquidity in Hungary. *Financial Internet Quarterly «e-Finanse»*, 9, 64-71.

³ Базыров Б.Б. Повышение ликвидности банков: автореферат ... к.э.н. – Иркутск, 2000. – 18 с.

⁴ Рашидов Т.М. Управление ликвидностью коммерческого банка на основе нивелирования рисков: автореферат ... к.э.н. – Ростов-на-Дону, РИНХ. 2016. – 25 с.

⁵ Тожиев Р.Р. Банк ликвидлигини бошқаришнинг инновацион стратегияси: и.ф.н. ... автореферати. – Т.: ТДИУ, 2011. – 20 б.

⁶ Абдуллаев А.Я. Банк ликвидлигини тартибга солишнинг долзарб масалалари // *Бозор, пул ва кредит*. – Т., 2012. №10. – Б. 59-62.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Банк томонидан Марказий банкда мажбурий захираларни депонентлаш тартиби тўғрисида»ги 2004 йил 31 декабрдаги 597-сонли қарори. – Т., 2004. – 4 б.

⁸ Абдуллаев А.Я. Банкнинг минимал захира талаблари//*Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси*. – Т., 2014. №6. – Б. 52-56.

⁹ Basel Committee on Banking Supervision. *International framework for liquidity risk measurement, standards and monitoring*, December 2009, p. 1 – 25.



ҚИСҚАЧА:

РЕСПУБЛИКАМИЗДА БАНКНИНГ ЛИКВИДЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИ ВА У БОШҚАРИШ ЖАРАЁНИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАДИ. БАНКНИНГ ЛИКВИДЛИГИГА ДОИР МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРНИНГ ЯРАТИЛГАНЛИГИ УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ СИФАТИДА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛИ БОШҚАРИШНИНГ ЕТАРЛИ ДАРАЖАДА САМАРАСИЗЛИГИ, АКТИВЛАР ВА ПССИВЛАР ТАРКИБИНИНГ ЕТАРЛИ ДАРАЖАДА ОПТИМАЛЛАШМАГАНЛИГИ, АКТИВЛАР ТАРКИБИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИНИНГ СУСТЛИГИ БАНК РИСКЛАРИ ЮЗАГА КЕЛИШИГА САБАБ БЎЛИШНИ КЎРСАТДИ.

ABSTRACTS

THE IMPACT OF MONETARY POLICY INSTRUMENTS ON BANK LIQUIDITY REGULATION

The steady and high rate of growth trend of economic sectors is determined by the effect of traditional instruments of monetary policy in ensuring and regulating bank liquidity. The article focuses on the importance of regulating the liquidity of the bank, ensuring the fulfillment of all its obligations, effective management of assets and liabilities, strengthening a stable resource base, improving the quality of bank assets, increasing the share of highly liquid investments etc.

ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ

КАК СТРАТЕГИЧЕСКОЕ НАПРАВЛЕНИЕ В БОРЬБЕ С БЕДНОСТЬЮ В УЗБЕКИСТАНЕ



**Нарзуллаева Умидахон
Нодир кизи,**
Институт Бюджетно-
налоговых исследований при
Министерстве финансов
Республики Узбекистан

Для ускоренного развития любой страны, достижения ею успехов на мировом рынке большое значение имеет сокращение уровня бедности, повышение уровня занятости и благосостояния граждан, способствующие улучшению качества жизни населения. Этих целей можно добиться путем повышения качества человеческого капитала, в частности, инвестируя в подрастающее поколение, в молодежь, ее воспитание, просвещение и образование. Эта цель является одной из приоритетных в нашей Республике.

Нет единого определения слова «бедность». По данным Всемирного Банка, под «бедностью» понимают проживание на менее чем 1,9 доллара в день¹. В общепринятом смысле бедность – это неспособность человека или семьи при помощи текущих доходов удовлетворить основные потребности в пище, одежде, жилище. В настоящее время для измерения уровня малообеспеченности населения в Узбекистане по рекомендациям Всемирного банка используется методология, основанная на определении душевого потребления на основе критерия оценки стоимости корзины продуктов, энергетическая ценность кото-

рых составляет 2100 калорий в день (уровень крайней малообеспеченности составляет 1500 калорий в день)².

Бедность той или иной страны, в первую очередь, препятствует оказанию доступного бесплатного и качественного здравоохранения и образования. Это приводит к тому, что менее образованные и менее здоровые бедные люди не могут выбиться из бедности из-за низкого качества человеческого потенциала. Более того, бедность сдерживает развитие экономики, сокращает доходы бюджета, приводит к проблемам безработицы и невозможности обеспечения пенсионеров и инвалидов средствами,

соответствующими прожиточному минимуму.

Долгие годы бедность в нашей стране была закрытой темой. Глава государства Шавкат Мирзиёев 24 января текущего года в своем Послании Олий Мажлису открыто высказался на эту тему и впервые определил приоритетной задачей сокращение бедности. По предварительным расчетам, 12-15 процентов или 4-5 миллионов населения нашей страны находится в состоянии бедности. Это означает, что их ежедневный доход не превышает 10-13 тысяч сумов³. В региональном разрезе бедность в Республике Каракалпакстан (25,1%), Кашкарарьинской (20,0%), Сурхан-

¹ Бедность – обзор <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/topic/poverty/overview>.

² Совершенствование подходов к измерению малообеспеченности и неравенства доходов населения в Узбекистане [https://www.undp.org/content/dam/uzbekistan/docs/Publications/economicgovernance/Improving_approaches_to_measuring_poverty_and_income_inequality_in_Uzbekistan/un_uzb_Improving%20approaches%20to%20measuring%20poverty%20and%20income%20inequality%20in%20Uzbekistan%20\(RUS\).docx](https://www.undp.org/content/dam/uzbekistan/docs/Publications/economicgovernance/Improving_approaches_to_measuring_poverty_and_income_inequality_in_Uzbekistan/un_uzb_Improving%20approaches%20to%20measuring%20poverty%20and%20income%20inequality%20in%20Uzbekistan%20(RUS).docx).

³ Определены меры по сокращению бедности через развитие предпринимательства и профессиональное обучение <https://president.uz/ru/lists/view/3408>.





ВКРАТЦЕ:

**В ТО ВРЕМЯ, КАК
МЕЖДУНАРОДНОЕ
СООБЩЕСТВО ПРОДВИ-
ГАЕТСЯ К ЦЕЛЯМ
УСТОЙЧИВОГО
РАЗВИТИЯ, СЛИШКОМ
МНОГО МОЛОДЫХ
ЛЮДЕЙ ОСТАЮТСЯ
ОТОРВАННЫМИ ОТ
НЕОБХОДИМЫХ
НАВЫКОВ, ЭКОНОМИ-
ЧЕСКИХ ВОЗМОЖНО-
СТЕЙ. В ТЕКУЩИЙ
ИСТОРИЧЕСКИЙ
МОМЕНТ СУЩЕСТВУЕТ
ОСТРАЯ ПОТРЕБНОСТЬ
В ИНВЕСТИЦИЯХ
В МОЛОДЕЖЬ.**

дарьинской (18,5%), Сырдарьинской (14,8%) областях почти в 2 раза выше, чем в среднем по стране (11,1%)⁴. Результаты международных критериев показывают, что уровень бедности в нашей стране составляет 9,6%, если учесть черту 3,2 долл. в день, и 36,6%, если учесть черту 5,5 долл. в день⁵.

Как отметил Президент Шавкат Мирзиёев, сокращение бедности не означает повышение размеров заработной платы или пособий, массовую выдачу кредитов⁶. Прежде всего необходимо обучать население профессиям, повышать финансовую грамотность, побуждать

людей заниматься предпринимательством, улучшать инфраструктуру, качество обучения и лечения, внедрить систему адресной выдачи пособий. Совокупность всех вышеперечисленных действий является повышением человеческого капитала. Только посредством этого можно сократить уровень бедности в стране и повысить качество жизни населения.

В то время как международное сообщество продвигается к целям устойчивого развития, слишком много молодых людей остаются оторванными от необходимых навыков, экономических возможностей. В текущий исторический момент, когда половина мирового населения находится в возрасте моложе 30 лет, существует острая потребность в инвестициях в молодежь⁷. Повышение человеческого капитала путем инвестирования в молодежь зарекомендовала себя как наиболее эффективная стратегия развития государства.

Так, по мнению экспертов Всемирного Банка, экономический рост и развитие зависят как от человеческого капитала, так и от материальных активов, а также от факторов, влияющих на производительность. Инвестиции в эти сферы дополняют и усиливают друг друга. Производительность людских ресурсов зависит от наличия материальных активов, таких как объекты инфраструкту-

ры, оборудование и стабильная, эффективно управляемая экономика. В свою очередь, физически здоровые и образованные люди могут больше зарабатывать и больше инвестировать в материальные активы экономики⁸.

Важнейшим шагом является сокращение бедности через обучение населения предпринимательству и формирование профессиональных навыков.

В настоящее время в Узбекистане насчитывается около 1,4 миллиона официально незанятых женщин и молодежи. Среди женщин уровень безработицы составляет 13%, среди молодежи – 15%. Эти показатели выше всего в Ферганской, Самаркандской, Андижанской, Кашкадарьинской и Ташкентской областях⁹.

Вместе с тем ощущается нехватка кадров в строительной сфере – 104 тысяч, коммунальной – 71 тысячи, сфере оказания услуг – 68 тысяч, легкой промышленности – 46 тысяч специалистов.

Для обеспечения потребности в квалифицированных кадрах и трудоустройства населения планируется организовать в каждом регионе курсы предпринимательства для безработного населения. По завершении обучения Агентство по развитию малого бизнеса путем конкурса выделит лучшему проекту грант в размере 20 млн. сумов. Хокимы также

⁴ Добровольный национальный обзор 2020 https://sustainabledevelopment.un.org/content/documents/26381VNR_2020_Uzbekistan_Report_Russian.pdf

⁵ Профиль бедности и как с ней бороться <https://review.uz/ru/post/bednost-v-uzbekistane>.

⁶ Определены меры по сокращению бедности через развитие предпринимательства и профессиональное обучение <https://president.uz/ru/lists/view/3408>.

⁷ Глобальный индекс благополучия молодежи <https://www.iyfnet.org/sites/default/files/library/Index2017-ExSumm-FINAL-RU-web.pdf>.

⁸ Проект развития человеческого капитала <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/publication/human-capital/brief/the-human-capital-project-frequently-asked-questions#1>

⁹ Шавкат Мирзиёев – о бедности в Узбекистане <https://www.gazeta.uz/ru/2020/02/27/poverty/>

будут предоставлять перспективным предпринимательским проектам гранты за счет средств местного бюджета.

Для одиноких и многодетных женщин, а также безработных, изъявивших желание обрести профессии, будут организованы курсы профессионального обучения по необходимым в повседневной жизни ремеслам – швейное, кулинарное, парикмахерское дело. Для этого будут выделены помещения в зданиях сходов махаллей или других сооружениях, они будут обеспечены необходимым оснащением.

Министерству по поддержке махалли и семьи дано указание разработать Программу профессионального обучения в махаллинских гузарах и сформировать списки желающих.

Шавкат Мирзиёев подверг критике работу по организации центров обучения профессиям. По озвученным данным, в 11 районах Каракалпакстана, 9 районах Бухарской и Ташкентской областей, 7 районах Сурхандарьи и 5 районах Джизакской области нет ни одного подобного учреждения¹¹.

Перед Министерством занятости и трудовых отношений поставлена задача организовать в каждом регионе моноцентры «Ишга мархамат» и центры профессиональной подготовки, обучать безработ-

ных не только знаниям и навыкам по профессии, но и иностранным языкам¹².

Принято решение, что 70% средств по программам семейного предпринимательства будут направляться на проекты малого и среднего бизнеса, предусматривающие создание рабочих мест для малоимущих. Вместе с тем, предприятиям, принимающим на работу людей с низким уровнем достатка, будут предоставляться преференции по банковским кредитам¹³.

Благодаря продолжению инвестиций в здоровье и образование в детском и подростковом возрасте, молодые люди в регионе Европы и Центральной Азии получают возможности, необходимые для того, чтобы вырасти людьми,

имеющими высокую производительность труда¹⁴.

Однако пандемия COVID-19 угрожает подорвать прогресс, достигнутый на сегодняшний день, поскольку правительства сталкиваются с большими трудностями, стремясь поддерживать оказание медицинских и образовательных услуг в условиях ограничений, введенных для защиты здоровья населения, включая закрытие школ.

Согласно оценкам, из-за пандемии COVID-19 в этом году ряды крайне бедных могут пополнить ещё от 88 до 115 миллионов человек в зависимости от степени тяжести экономического спада, а к 2021 году их общая численность вырастет до 150 миллионов человек¹⁵.

Помимо международной

ВКРАТЦЕ:

БЕДНОСТЬ ТОЙ ИЛИ ИНОЙ СТРАНЫ, В ПЕРВУЮ ОЧЕРЕДЬ, ПРЕПЯТСТВУЕТ ОКАЗАНИЮ ДОСТУПНОГО БЕСПЛАТНОГО И КАЧЕСТВЕННОГО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ И ОБРАЗОВАНИЯ. ЭТО ПРИВОДИТ К ТОМУ, ЧТО МЕНЕЕ ОБРАЗОВАННЫЕ И МЕНЕЕ ЗДОРОВЫЕ БЕДНЫЕ ЛЮДИ НЕ МОГУТ ВЫБИТЬСЯ ИЗ БЕДНОСТИ ИЗ-ЗА НИЗКОГО КАЧЕСТВА ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА. БОЛЕЕ ТОГО, БЕДНОСТЬ СДЕРЖИВАЕТ РАЗВИТИЕ ЭКОНОМИКИ, СОКРАЩАЕТ ДОХОДЫ БЮДЖЕТА, ПРИВОДИТ К ПРОБЛЕМАМ БЕЗРАБОТИЦЫ И НЕВОЗМОЖНОСТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПЕНСИОНЕРОВ И ИНВАЛИДОВ СРЕДСТВАМИ, СООТВЕТСТВУЮЩИМИ ПРОЖИТОЧНОМУ МИНИМУМУ.

¹⁰ Шавкат Мирзиёев – о бедности в Узбекистане <https://www.gazeta.uz/ru/2020/02/27/poverty/>

¹¹ "15% населения Узбекистана живет в бедности" – Шавкат Мирзиёев <https://uzreport.news/politics/15-naseleniya-uzbekistana-jivet-v-bednosti-shavkat-mirziyoev>

¹² О дополнительных мерах, направленных на привлечение к предпринимательству, повышение трудовой активности и профессиональное обучение бедных и безработных граждан, а также обеспечение занятости населения <https://yuz.uz/ru/news/kambagal-va-ishsiz-fuqarolarni-tadbirkorlikka-jalb-qilish-ularning-mehnat-faolligini-oshirish>

¹³ "15% населения Узбекистана живет в бедности" – Шавкат Мирзиёев <https://uzreport.news/politics/15-naseleniya-uzbekistana-jivet-v-bednosti-shavkat-mirziyoev>

¹⁴ Страны Европы и Центральной Азии продолжают добиваться успехов в здравоохранении и образовании, но сталкиваются с препятствиями из-за пандемии COVID-19, говорится в докладе Всемирного банка <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2020/09/16/eca-hci-2020>



черты бедности, за которую принимают доход в 1,90 доллара США в день, Всемирный банк рассматривает показатели бедности при уровне ежедневного дохода в 3,20 и 5,50 долларов США, что соответствует национальным значениям черты бедности, принятым в странах с низким-средним и высоким-средним уровнем доходов. Бедность в докладе также измеряется по различным критериям, включая доступ к образованию и базовой инфраструктуре. Доход менее 1,90 доллара США в день имеет меньше одной десятой части населения планеты; при

этом доход менее 3,20 долларов США в день характерен для почти четверти, а ежедневный доход менее 5,50 долларов США – для более чем 40 процентов мирового населения, или 3,3 миллиарда человек¹⁶.

Инвестициям в человеческий капитал (знания, навыки и здоровье, которые накапливаются на протяжении всей жизни человека) принадлежит ключевая роль в раскрытии потенциала ребёнка, и в ускорении темпов экономического роста в каждой стране. Из-за пандемии большинство детей (свыше 1 миллиарда) не посещали школу и могут в среднем потерять полгода обучения с поправкой на усвоение материала, что приводит к существенным потерям в денежном выражении. Данные также демонстрируют значительные

перерывы в предоставлении базовых медицинских услуг женщинам и детям, – многие дети пропускают важные прививки¹⁷.

В Узбекистане закрытие образовательных учреждений означало, что около 8,4 млн. учащихся, большую часть которых (около 6 млн. человек) составляют ученики из общеобразовательных школ, будут находиться дома во время карантина. В этих условиях основной задачей правительства в области образования стало непрерывное обеспечение образовательного процесса. В связи с этим, по всей республике были организованы различные виды дистанционного обучения. В частности, Министерство народного образования подготовило телевещание уроков для всех классов в соответствии с учебной программой¹⁸.

На сегодняшний день, после смягчения карантина школы возобновили свою деятельность. Согласно опросу, проведенному Министерством народного образования, 76% из 5,5 млн. родителей проголосовали за продолжение учебного процесса традиционным способом, а 24% предпочли продолжить его дистанционно – через телевизионные уроки¹⁹.

Благодаря данным мерам можно вернуть утраченные позиции из-за коронавирусной пандемии и позволить сегодняшним детям достичь еще бо-

¹⁵ COVID-19 to Add as Many as 150 Million Extreme Poor by 2021 <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2020/10/07/covid-19-to-add-as-many-as-150-million-extreme-poor-by-2021>

¹⁶ COVID-19 to Add as Many as 150 Million Extreme Poor by 2021 <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2020/10/07/covid-19-to-add-as-many-as-150-million-extreme-poor-by-2021>

¹⁷ Страны Европы и Центральной Азии продолжают добиваться успехов в здравоохранении и образовании, но сталкиваются с препятствиями из-за пандемии COVID-19, говорится в докладе Всемирного банка <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2020/09/16/eca-hci-2020>

¹⁸ Глобальное влияние COVID-19 на систему образования <https://review.uz/ru/post/globalnoe-vliyanie-covid19-na-sistemu-obrazovaniya>

¹⁹ ПОСЛЕ 6-МЕСЯЧНОГО ПЕРЕРЫВА СЕГОДНЯ 329 ШКОЛЫ ПРИНЯЛИ СВОИХ УЧЕНИКОВ <https://www.uzedu.uz/ru/tanaffusdan-song-bugun-329-ta-maktab-eshiklarini-ochdi>

лее высокого уровня человеческого капитала и качества жизни.

Преодоление бедности выдвигается в число приоритетных задач политики Республики Узбекистан. При содействии Всемирного Банка разработаны комплексные программы сокращения бедности в стране, в которых намечены базовые меры в этом направлении с учетом опыта развитых стран. Исходя из вышеперечисленного, можно сделать вывод, что проблемы бедности должны решаться комплексно, а именно:

- обеспечение устойчивого экономического роста;
- диверсификация экономики на основе создания благоприятного инвестиционного климата и повышение ее открытости;
- мониторинг бедности и эффективности государственной политики;
- государству необходимо создать условия, позволяющие работающему населению зарабатывать достаточно для того, чтобы семья не пребывала в состоянии бедности;
- необходимо создание эффективной системы поддержки социально уязвимых групп населения и строгий контроль действий данной системы (инвалидов, престарелых, малообеспеченных семей и т.д.);
- необходимо обеспечить условия для самостоятельного выхода населения из бедности: обеспечить достойную оплату труда (необходимо ликвидировать класс работающих бедных, что возможно как за счет экономического роста, так и за счет распределительных отношений), снизить реальную налоговую нагрузку на

заработную плату, обеспечить содействие занятости (в том числе за счет общественных работ и создания временных рабочих мест) и помощь в случае безработицы;

- рекомендуется увеличение инвестиций в человеческий и физический капитал;
 - всеобщий доступ к качественному образованию, формирование знаний и навыков, а также повышение квалификации учителей;
 - обеспечение безопасных условий обучения в образовательных учреждениях в соответствии с санитарно-эпидемиологическими нормами, в частности в период пандемии;
 - поощрение труда преподавателей, создание приемлемого режима и условий работы, а также достойная оплата труда;
 - денежные трансферты беднейшим семьям: опыт показывает, что такие переводы дечег помогают существенно сократить бедность и создавать возможности как для детей, так и для их родителей;
 - включение в социальные реестры бедного населения семей, временно потерявших доходы в период пандемии;
 - создание бесплатных кружков, почемучек и подготовительных центров для детей, школьников и абитуриентов.
- Из приведенного анализа можно делать очевидный вывод, что бедность сдерживает развитие человеческого потенциала, производительных сил в стране и экономическую активность населения. Более того, для сокращения бедности и повышения уровня жизни населения, создание благоотво-

рительных фондов или фондов помощи для бедных граждан является неверным решением и будет иметь кратковременный эффект, напротив, большинство необходимых мер для сокращения бедности требует наличия критической массы высококачественных образованных людей на разных уровнях для всестороннего развития граждан. Исходя из этого, инвестирование в подрастающее поколение, путем создания необходимых условий для получения ими качественного образования, медицинской помощи и поддержки со стороны государства в развитии инновационных идей и предпринимательства является правильным и наиболее оптимальным решением проблемы искоренения бедности в стране.

ABSTRACTS

HUMAN CAPITAL AS A STRATEGIC DIRECTION IN THE FIGHT AGAINST POVERTY IN UZBEKISTAN

This article examines such a pressing issue as reducing the level of poverty in our country, increasing the level of employment and the welfare of citizens, contributing to the improvement of the quality of life of the population. In this regard, the author of the article believes that these goals can be achieved by increasing human capital, in particular, by investing in the younger generation, on young people, their upbringing, enlightenment and education.

МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ БЎЙИЧА ИШ ЎРИНЛАРИ АТТЕСТАЦИЯСИ – МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ГАРОВИ

МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ БЎЙИЧА ИШ ЎРИНЛАРИ АТТЕСТАЦИЯСИНИ ЎТКАЗИШ – БУ ИШ БЕРУВЧИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК БИЛАН МУҲРЛАНГАН ШУНЧАКИ РАСМИЙ МАЖБУРИЯТИ БЎЛИБГИНА ҚОЛМАЙ, БАЛКИ МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ ИККАЛА ТОМОНИ – ТАШКИЛОТ ВА ЁЛЛАНГАН ХОДИМНИНГ ТЎЛАҚОНЛИ ФАОЛИЯТИ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ТАРТИБ-ТАОМИЛ ҲАМДИР. ШУ САБАБЛИ МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИНИНГ АСОСИ АЙНАН ИШ ЎРИНЛАРИ АТТЕСТАЦИЯСИДАН БОШЛАНАДИ.



Бегзод Бегматов,

*Республика аҳоли бандлиги
ва меҳнатни муҳофаза
қилиш илмий маркази
меҳнатни муҳофаза қилиш
ва меҳнат жараёни омиллари
лабораторияси мудири*

Жахонгир Мирзахмедов,

Илмий ходим

Иш ўринлари аттестацияси рискларни баҳолашда дастлабки қадам ҳисобланиб, бугунги кунда унинг натижалари иш берувчи учун ҳам, ходим учун ҳам жуда муҳимдир.

Кўпчилик учун оддий расмийлик деб қараладиган ушбу тартиб-таомил кўп нарса: хусусан, зарарли ёки хавфли меҳнат шароитида, оғир меҳнат билан банд ходимларга йиллик қўшимча ҳақ тўланадиган таътиллари, қисқартирилган иш вақти, қўшимча яқка тартибдаги ҳимоя воситалари, профилактика озик-овқат маҳсулотлари берилиши ёки берилмаслиги, тиббий кўриклар ташкил қилиниши, имтиёзли шартларда пенсия таъминотига бўлган ҳуқуқни аниқлаш кабилар билан боғлиқдир.

Зеро, бугунги кунда юқоридики келтирилган имтиёзлар ва компенсациялар меҳнат шароитига боғлиқ равишда ҳар бир ходим учун белгиланганини ёдда тутиш керак ва бунинг учун меҳнат шароити қай даражада зарарли ёки оғирлиги айнан аттестация вақтида аниқланади.

НИМА УЧУН ИШ БЕРУВЧИ АТТЕСТАЦИЯДАН МАНФААТДОР?

Иш ўринлари аттестациядан ўтказилмаган тақдирда уларда

меҳнат қилаётганлар меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари бузилганлиги оқибатида бажараётган ишлари ўзларининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солаёпти, деб ҳисоблаб, турли хил компенсацияларни талаб қилишга ва ҳатто ишни бажаришни рад этишга ҳақли. Бунинг натижасида корхонанинг иқтисодий самарадорлигига, маҳсулот ишлаб чиқарилиши камайишига ва корхона иқтисодига таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа оқибатлар келиб чиқиши эҳтимоли бор. Чунки аттестациядан ўтказилмаган иш ўринларида меҳнат шароитлари хавфсиз деб ҳисобланиши мумкин эмас. Бугунги кунда эса айнан иш берувчи меҳнат шароитлари норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини исботлаши керак. Шундан кейин ходим унинг иш ўрнига қайси зарарли омиллар таъсир қилиши ва зарарли меҳнат шароити аниқланган тақдирда унга қандай имтиёз ва компенсациялар берилиши лозимлиги ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлади.

Шунингдек, иш ўринлари аттестациядан ўтказилган ташкилотларда низолар эҳтимоли пасаяди, касб касалликлари, жароҳатлар сони камаяди, компенсация тўловларига сарф-харажатлар мақбуллаштирилиб, келгусида улар ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархига киритилиши мумкин.

Иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестацияси меҳнат шароитларининг, иш ўринларидаги меҳнат жараёни оғирлиги ва тифизлигининг ҳамда уларнинг жароҳатланиш жиҳатидан

хавфлигининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш, зарарли ишлаб чиқариш омиллини ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омиллини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган тадбирлар мажмуидир.

ҚИСҚАЧА:

**ИШ ЎРИНЛАРИ
АТТЕСТАЦИЯДАН
ЎТКАЗИЛМАГАН
ТАҚДИРДА УЛАРДА
МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАНЛАР
МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ТАЛАБЛАРИ
БУЗИЛГАНЛИГИ
ОҚИБАТИДА
БАЖАРАЁТГАН ИШЛАРИ
ЎЗЛАРИНИНГ ҲАЁТИ
ВА СОҒЛИҒИГА ТАҲДИД
СОЛАЯПТИ, ДЕБ
ҲИСОБЛАБ, ТУРЛИ ХИЛ
КОМПЕНСАЦИЯЛАРНИ
ТАЛАБ ҚИЛИШГА
ВА ҲАТТО ИШНИ
БАЖАРИШНИ РАД
ЭТИШГА ҲАҚЛИ.
БУНИНГ НАТИЖАСИДА
КОРХОНАНИНГ
ИҚТИСОДИЙ
САМАРАДОРЛИГИГА,
МАҲСУЛОТ ИШЛАБ
ЧИҚАРИЛИШИ
КАМАЙИШИГА ВА
КОРХОНА ИҚТИСОДИГА
ТАЪСИР ҚИЛИШИ
МУМКИН БЎЛГАН БОШҚА
ОҚИБАТЛАР КЕЛИБ
ЧИҚИШИ ЭҲТИМОЛИ
БОР.**

ҚУЙИДАГИ ИШ ЎРИНЛАРИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИЛИШИ КЕРАК:

- меҳнат шароитлари бўйича ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзлар ва компенсациялар назарда тутилган иш ўринлари;

- ногиронлар банд бўлган иш ўринлари;

- имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларида кўрсатилган иш ўринлари;

- хавfli ишлаб чиқариш объектларидаги иш ўринлари.

Қонун ҳужжатларида, шунингдек жамоа шартномалари ва келишувларида бошқа иш ўринларининг ҳам меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилиши назарда тутилиши мумкин.

Иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестацияси белгиланган тартибда иш берувчининг ўзи томонидан ўтказилади. Иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациясини ўтказиш даврийлиги қонун ҳужжатларида белгиланади, бироқ беш йилда камида бир марта ўтказилади.

АТТЕСТАЦИЯ НАТИЖАЛАРИДАН ҚУЙИДАГИ МАҚСАДЛАРДА ФЙДАЛАНИЛАДИ:

- меҳнат шароитларини меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига

мувофиқлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

- оғир ишларда, ноқулай, зарарли ва (ёки) хавfli ишларда ва меҳнатнинг бошқа алоҳида шарт-шароитларида банд бўлган ходимларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва компенсацияларни белгилаш;

- ходимларни иш жойларидаги меҳнат шароитлари, соғлиққа шикаст етказишнинг мавжуд хавфи, зарарли ва (ёки) хавfli ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари ҳамда оғир ишларда, ноқулай, зарарли ва (ёки) хавfli ишларда ҳамда бошқа алоҳида меҳнат шароитларида ишловчи ходимларга берилиши керак бўлган компенсациялардан хабардор қилиш;

- иш жойларида меҳнат шароитларини назорат қилиш;

- касбий хавfli баҳолаш;

- ходимларни яқка тартибдаги ва жамоавий ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

- меҳнат шароитларининг ҳолати тўғрисида статистика ҳисоботини тайёрлаш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этишнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш;

- касб касаллигига шубҳа туғилганда касалликнинг касб билан боғлиқлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш, шунингдек касб касаллиги ташхисини аниқлаш;

- ходимлар меҳнатининг хавфсиз шарт-шароитларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқ ходимларни санитария-маиший ва тиббий таъминлаш;

- ходимларнинг айрим тоифалари учун меҳнатни чеклашларни асослаш, ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларни имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берувчиларга тегишли деб топиш;

- шу жумладан меҳнатни муҳофаза қилиш фонди маблағлари ҳисобига корхонада меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш тадбирларини режалаштириш ва молиялаштириш;

- хизматчилар ва ишчи касблари лавозимлари номларини Хизматчилар ва ишчи касблари асосий лавозимлари классификаторида ҳамда хизматчилар лавозимлари ва ишчи касбларининг тармоқ тариф-малака маълумотномаларида кўрсатилган номларга мувофиқлаштириш;

- корхонада меҳнат шароитлари ва муҳофазасининг ҳолати тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш.

Иш ўринларида меҳнат шароитлари бўйича аттестация Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сон қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган «Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавfliлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома

асосида иш берувчи томонидан жалб этиладиган меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари билан биргаликда иш берувчи томонидан ўтказилади.

Шунингдек, ўтказилган аттестация ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 апрелдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида»ги 246-сонли қарори билан тасдиқланган «Меҳнат шароитларини давлат экспертизасидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига мувофиқ Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меҳнат шароитлари бўйича давлат экспертлари томонидан давлат экспертизасидан ўтказилади.

Аттестация ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш жараёнида иш ўринларининг аттестацияси натижаларига кўра белгиланган зарарли ва (ёки) хавфли шароитларда ишлаш учун имтиёз ва компенсациялар, имтиёзли пенсия таъминотини олиш ҳуқуқининг, шунингдек тиббий кўриқдан ўтказиш заруратининг тўғрилиги, иш ўринларида меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича тавсия этилган тадбирлар режасининг тўғри тўлдирилганлиги текширилади ва белгиланган намунадаги давлат экспертизасидан ўтганлиги тўғрисида хулоса берилади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 49-моддасида иш ўринларида меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилмаслик ман-

сабдор шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқариш соҳаси, қурилиш-бунёдкорлик ишлари жадал ривожланмоқда ва кўплаб фаолият турлари пайдо бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнига янги технологиялар кириб келмоқда. Бу эса, албатта, ҳар бир иш берувчи учун ишчи-ҳодимларга иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш орқали соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиб бериш, зарарли ва хавфли меҳнат шароитларида банд бўлган ишчиларга белгиланган имтиёз ва компенсацияларни бериб бериш ҳамда турли хил бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича бирламчи вазифалардан бири бўлиши лозимдир.

ABSTRACTS

ATTESTATION OF WORKPLACES ON WORKING CONDITIONS AS A GUARANTEE OF LABOR SAFETY AND SOCIAL PROTECTION

The author of the article considers that the certification of workplaces on working conditions is not only the responsibility of the employer, but also very important point in the relationship between the employee and the employer in terms of labor protection. The article shows what kind of workplaces should be certified, and what are the goals and the benefits of the parties from attestation.

ҚИСҚАЧА:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
МАЪМУРИЙ
ЖАВОБГАРЛИК
ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ
49-МОДДАСИДА ИШ
ЎРИНЛАРИДА МЕҲНАТ
ШАРОИТЛАРИ БЎЙИЧА
АТТЕСТАЦИЯДАН
ЎТКАЗИЛМАСЛИК
МАНСАБДОР
ШАХСЛАРГА НИСБАТАН
ЭНГ КАМ ИШ ҲАҚИНИНГ
БЕШ БАРАВАРИДАН
ЎН БАРАВАРИГАЧА
МИҚДОРДА
ЖАРИМА СОЛИШГА
САБАБ БЎЛАДИ,
ХУДДИ ШУНДАЙ
ҲУҚУҚБУЗАРЛИК
МАЪМУРИЙ
ЖАЗО ЧОРАСИ
ҚЎЛЛАНИЛГАНИДАН
КЕЙИН БИР ЙИЛ
ДАВОМИДА ТАКРОРАН
СОДИР ЭТИЛГАН БЎЛСА,
ЭНГ КАМ ИШ ҲАҚИНИНГ
ЎН БАРАВАРИДАН ЎН
БЕШ БАРАВАРИГАЧА
МИҚДОРДА ЖАРИМА
СОЛИШГА САБАБ
БЎЛАДИ.

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2020 ЙИЛ 24 ЯНВАРДАГИ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИДА ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ. УШБУ ТАДБИРДА 2020 ЙИЛНИНГ «ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ» ДЕБ НОМЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТОМОНИДАН РЕСПУБЛИКАМИЗ УЧУН РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА МУҲИМ АФЗАЛЛИКЛАРИ БАТАФСИЛ ОЧИБ БЕРИЛДИ.

Мираъло Бекбаев,

*Республика аҳоли бандлиги
ва меҳнатни муҳофаза қилиш
илмий маркази илмий ходими*

Кўз ўнгимизда жаҳон иқтисодий саҳнаси ўзгариб, кишилик жамияти учун янгидан-янги қулайликлар туғдирувчи ҳамда иқтисодиётни жадал суръатлар билан тараққиётга бошловчи замонавий инновацион технологиялар кириб келмоқда. Замонавий билим ва рақамли тафаккурнинг дунё миқёсидаги шиддатли оқими мамлакатимиз тараққиёти учун кенг қўламли ислохотларни, жумладан хорижий тажрибаларни ўрганиш

ва уни амалда қўллаш ҳамда иқтисодиётимизни жадал суръатларда ривожлантириш бўйича дастурилмал йўналишларни ишлаб чиқиш талабини қўймоқда ва бизнинг олдимизда турган энг асосий вазифалар сирасига кириб бормоқда.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва қулай иш шароитларини яратишда замонавий технологиялардан янада кўпроқ фойдаланишга талаб ошиб бормоқда. Мамлакатимизда меҳнатни муҳофаза қилишнинг айрим ечимлари ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Ривожланган давлатлар тажрибасини (АҚШ, Шарқий Европа, Россия) ўрганиб чиқиб, шу ҳулосага келиндики, тадбиркорлар учун норматив ҳужжатларда қўйилган талабларга интернетдан фойдаланган ҳолда ечим намуналари жамламасини ишлаб

чиқиш ҳар томонлама қулайликлар яратади.

Ҳозирда ҳаётимизга кириб келаётган «Ақлли уй», «Онлайн поликлиника» сингари атамалар бизларни меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам янгиликлар қилишга ундамоқда.

Йирик ишлаб чиқаришларда меҳнат муҳофазаси бўйича муаммолар унчалик катта эмас, чунки бундай ишлаб чиқаришларда махсус бўлимлар ва шунга ўхшаш тизимлар мавжуд. Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари, шунингдек ижтимоий соҳаларда меҳнат муҳофазаси бўйича масъул шахс тайинланмай, бу вазифалар раҳбар ходимлардан бирига бириктирилиши сир эмас.



Меҳнат муносабатларида рақамли технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда шундай интернет тизимини яратиш керакки, ундан фойдаланиш ҳар қандай соҳа вакиллари учун энгилликлар яратсин. Бунда ушбу тизимга кирган инсон меҳнат муҳофазаси соҳасида ўзига керакли барча саволларга жавоб олиш билан бирга ушбу маълумотларни ҳаётда қўллаш бўйича қадам-бақадам йўриқномаларга ҳам эга бўлсин.

Масалан, лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш керак бўлганда, норматив ҳужжатлар билан танишиш, шунингдек, йўриқномани қандай кетма-кетликда ишлаб чиқиш ҳам кўрсатилиши, Йўриқномадан ўтказиш муддатлари ва турлари бўйича кўрсатмалар берилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бундан кўзланган мақсад, жумладан, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳужжатларни текширишгина эмас, балки ташкилотдаги ишчи-ҳодимларнинг хавфсиз меҳнат шароитларида ишлашнинг таъминлаш учун керакли ҳажмдаги ишларни амалга оширишдан иборат. Шунингдек, кам вақт сарфлаб кўпроқ натижага эришиш ва тежалган вақтни бизнесни



ривожлантиришга, мутахассислар ўз устида ишлашлари орқали малакаларини оширишга сарфлашлари мумкин.

Мазкур сайтнинг яратилиши келажакда ҳисоботларнинг қоғоз шаклидан воз кечиби, электрон ҳисобот тизимига тўлиқ ўтилишига ва меҳнат муносабатларидаги ягона электрон реестр яратилишига, шунингдек статистика ҳисоботларининг юритилишига замин бўлади.

Қачонлардир сенсор технологиялар Голливуд фильмларида махфий технология сифатида кўрсатилган, ҳозирда бу технологиялар ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, рақамли

технологиялар ҳаётимизга кириб келишини кузатибгина қолмай, балки ўз фикрларимиз, таклифларимиз орқали бу жаъраёнда фаол иштирок этишимиз замон талабидир.

ABSTRACTS

DIGITAL TECHNOLOGIES IN THE SPHERE OF LABOR PROTECTION

According to the author of this article, with the widespread use of digital technologies in labor relations, it is necessary to create such an Internet system, so that its use will create opportunities for representatives of any sphere. Entering this system, a person would be able to get answers to all the necessary questions in the field of labor protection, as well as step-by-step instructions on the application of this information in life.



«ОИЛА ХЎЖАЛИГИ»НИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ, УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Гулнора Шадиева,
и.ф.д., Тошкент давлат
транспорт университети
«Иқтисодиёт» кафедраси
профессори

Оиланинг ҳуқуқий, фалсафий, руҳий жиҳатлари бўйича маълум даражада қонунлар яратилди, китоб ва рисола-лар чоп этилди. Аммо унинг иқтисодий жиҳати, ундаги муаммоларни ҳал қилиш масалалари кам ўрганилган.

Шуни эътироф этиш керакки, оиланинг шаклланиши билан ундаги иқтисодий таъминот масаласига бошқа жиҳатлар билан тенг, айрим ҳолларда эса ҳаммасидан устун тарзда қараб келинди. Шу жиҳатдан, оиланинг иқтисодий таъминоти ҳақида гап кетганда унинг функциялари, одатда, ҳар бир аъзосига етарли даражада тақсим қилинади. Бунда оила бошлиғига асосий вазифа юклатилади.

Мамлакатимизда оила муқаддас ҳисобланиб, унинг ўтмиши ва аънналари сақлаб келинади. Оила сулолалари, бирор касбни авлоддан-авлодга ўтказиш масаласи, оиланинг ўтмишини сақлаб қолиш мақсадида

ОИЛА ДЕГАН ТУШУНЧА ИНСОНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИЛК ДАВРЛАРИДАЁҚ ВУЖУДГА КЕЛГАН ЭДИ. УШБУ ТУШУНЧА ЖАМИЯТНИНГ ИЛК БОСҚИЧИ СИФАТИДА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ БАРЧА ЗАМОНЛАРИДА АРДОҚЛАНИБ, ЭЪЗОЗЛАНИБ КЕЛИНМОҚДА. ШУ ЖИХАТДАН ОИЛА, УНИНГ ТУРЛИ МУАММОЛАРИ МАЪЛУМ ДАРАЖАДА ЎРГАНИЛГАН ВА ЎРГАНИЛМОҚДА.



оила шажарасини юритиш масалалари кўпгина оилаларимизда қадрият сифатида ардоқланиб келинмоқда. Булар оила бошлиғига маълум даражада ижтимоий-маънавий масъулият билан бирга, иқтисодий вазифа ҳам юклайди.

Аммо оила иқтисодиёти, унинг барча қирралари олдин ҳам, ҳозир ҳам кам ўрганилган. Масалан, Маршаллнинг «Иқтисодиёт тамойиллари», Миллнинг «Соийсий иқтисод тамойиллари», Смитнинг «Халқлар бойлиги» каби мумтоз иқтисодий адабиётларида¹ ҳам оила иқтисодиётига етарли аҳамият берилмаган.

Буларни инобатга олиб оила ва унинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини, мазкур бўғиннинг

иқтисодий муносабатларини, шундан келиб чиққан ҳолда оила ва у билан боғлиқ хўжаликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини очиб бериш, ушбу муаммони назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш масалаларини ҳал этиш бугунги кунда иқтисодчи олимлар олдидаги устувор вазифалардан бирига айланмоқда, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, унинг иқтисодий тузилмасида бир қанча янги, шу жумладан, оила, хонадон ва уй хўжалиги тушунчалари ҳам вужудга келди ва улар микроиқтисодиётнинг субъекти сифатида тан олина бошланди. Иқтисодий адабиётларга «Оила», «Оила хўжалиги», «Уй хўжалиги», «Хонадон хўжалиги», «Оила тадбиркорлиги» каби тушунчалар кириб келди. Аммо уларнинг мазмуни бир-биридан фарқли равишда ҳар бирининг хусусиятини инобатга олган ҳолда, иқтисодий жиҳатдан тўлиқ ёритилган эмас. Бу тушунчалар бўйича турли адабиётларда турлича фикрлар мавжуд.

Оила тушунчасига «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да² «Эрхотин, уларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи» деган таъриф берилган. Умуман олганда, ушбу таърифга қўшилиш мумкин, чунки унда оиланинг таркиби асосан ўз ифодасини топган. Лекин бу ерда оилага фақат кишиларнинг бирга яшайдиган гуруҳи сифатида қаралган.

Аммо бу таърифда оиланинг иқтисодий-ижтимоий функцияси ўз аксини топмаган.

А.Ўлмасов: «Оила – кишиларнинг қон-қариндошлик, мулк ва манфаат умумийлиги ва талаб эҳтиёжларини биргаликда қондиришга асосланган, мақсади ягона бўлган мажмуа, яъни микроиқтимоий тузилмадир³», деган таърифни беради. Унинг таъбири билан айтганда, ижтимоий ҳаёт оиладан бошланади.

«Оила – шахс, оила ва бутун жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжини қондиришга қаратилган фаолиятини амалга ошириш учун бир-бири билан қариндош-уруғчилик алоқалари асосида ташкил топган кишиларнинг кичик гуруҳи⁴» деган таъриф ҳам мавжуд. Ушбу таъриф бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги даврга мос келади, чунки оила фақат олдингидек истеъмол қилувчи субъект эмас, балки хўжалик юритувчи субъектга айланиб бормоқда. Шу жиҳатдан мазкур таърифда оилага оддий бирга яшовчи кишилар мажмуи сифатида эмас, балки ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжни қондириш мақсадида бирлашган жамиятнинг бир кичик гуруҳи сифатида қаралади.

Бироқ бу таърифда ҳам оила хўжалиги тушунчасига микроиқтисодиётнинг субъекти сифатида етарли даражада таъриф берилмаган. Кўп ҳолларда «оила хўжалиги» ва «уй хўжалиги» тушунча-

¹ Общая экономическая теория (политэкономия): Учебник. Под общей ред. акад. В.И.Видяпина, акад. Г.П.Журавлевой. – М.: ПРОМО-Медиа, 1995. – 274 бет.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: Изд. «Русский язык», 1981, 1-том. – 526-бет.

³ Ўлмасов А. Оила иқтисоди. – Т.: Меҳнат, 1998. – 4-бет.

⁴ Экономическая теория. Учебник для студентов ВУЗ, обучающихся по экономическим специальностям. – Т.: Шарк, 1999. – 188-бет.

лари ишлатилади. Аммо улар кўпгина адабиётларда бир-бирига синоним сифатида қўлланилади. Аммо охири пайтларда бу борада баъзи аниқ таклифлар ҳам пайдо бўлмоқда. Булар жумласига Д.Каримованинг қарашларини мисол келтириш мумкин. Олиманинг фикрича: «Уй хўжалиги деганда, даромадлари ва мулкани тўлиқ ёки қисман бир жойга тўплайдиган, маълум маҳсулот ва хизматни, асосан яшаш учун уй хизмати ва озиқ-овқат маҳсулотларини бирга истеъмол қиладиган бир хонадонда яшовчи кишилар гуруҳи тушунилади»⁵.

Худди шу мақолада уй хўжалигини оила хўжалигидан фарқламоқ лозим, деб кўрсатилган ва оила хўжалигида таъкидланган «бир хонадонда яшовчи кишилар гуруҳи» «фақат оила аъзоларидан иборат бўлади»⁶ деб кўрсатилган.

Мазкур муаллиф фикрида айрим ноаниқликлар ҳам йўқ эмас. Аввал уй хўжалигига таъриф берилганда «бир хонадонда яшовчи кишилар», деб эътироф этилган бўлса, сўнгра уй хўжалигининг оила хўжалигидан фарқини кўрсатишда уй хўжалигида бир оила аъзолари бўлиши шарт эмас, деган фикрни ҳам айтади. Агар уй хўжалигида уюшган кишилар бирга яшамаса ҳам бўлаверадиган бўлса, унда «бир хонадонда яшайдиган кишилар» деган эътироф ортиқча.

Фикримизча, ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектга, хусусан оила хўжалигига ҳам таъриф беришда, энг аввало, унинг иқтисодий мақсадидан

ҚИСҚАЧА:

ОИЛА ХЎЖАЛИГИДА МУЛК БЕВОСИТА ОИЛАНИКИ, УНДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВОСИТАЛАРИ БЕВОСИТА ОИЛАГА ҚАРАШЛИ, УНДА МЕХНАТ ҚИЛУВЧИЛАР ҲАМ, МЕХНАТ НАТИЖАСИДАН БАХРАМАНД БЎЛУВЧИ МАНФААТДОРЛАР ҲАМ ШУ ОИЛАГА МАНСУБ КИШИЛАР БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ.

келиб чиқмоқ лозим. Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз мулкига, хўжалик фаолиятига ва ундан оладиган даромадига ва уларга эгалик қилиш ҳуқуқларига эга бўлиши лозим. Оила хўжалигига таъриф беришда эса, энг аввало, оила таърифидан келиб чиқмоқ мақсадга мувофиқ. Бироқ оила хўжалиги, деб қараладиган бўлса, бунда ҳам у маълум даражада оила мулкига, шунга асосланган хўжалик фаолиятига ва ундан оладиган оила даромадига эга бўлиши керак. Шу назарий хулосадан келиб чиқадиган бўлсак, оила хўжалигига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Оила хўжалиги, деганда оила аъзоларининг ва бутун жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжини қондириш ҳамда маълум даражада даромад (фойда) олиш учун ўз мулкига эга бўлган ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш каби фаолиятни амалга ошириш мақсадида бир-бири билан эр-хотинлик, бола-чақалик ва туғишганлик асосида бирга яшовчи кишилар гуруҳи тушунилади.



Оила хўжалигида мулк бевосита оиланики, ундаги ишлаб чиқариш воситалари бевосита оилага қарашли, унда меҳнат қилувчилар ҳам, меҳнат натижасидан баҳраманд бўлувчи манфаатдорлар ҳам шу оилага мансуб кишилар бўлмоғи лозим.

«Уй хўжалиги» тушунчаси «Оила хўжалиги» тушунчасига нисбатан бироз фарқ қилади.

Бу борада бир қанча қарашлар мавжуд. В.И.Видяпин ва Г.П.Журавлёва раҳбарлигида ёзилган «Общая экономическая теория» дарслигида оила билан уй хўжалиги синоним сифатида олинган. Улар «Замонавий иқтисодий фикрлар оилани ёки кенгроқ маънода уй хўжалигини нафақат асосий истеъмолчи, балки



ноним сифатида қаралишидир. Бу фикрга қўшилиш қийин. Чунки оила билан уй хўжалиги нафақат номланиши, балки иқтисодий мазмуни жиҳатидан ҳам бир-бирдан фарқ қилади.

А.С.Булатов таъкидлашича: «Уй хўжалиги – уй хўжалигини юритиш билан боғлиқ, яъни истеъмол қилишга қаратилган иқтисодий агент»⁷. Бироқ мазкур китобнинг II бўлимида «Микроиқтисодиёт объекти уй хўжалиги, фирмалар, тармоқлар, товар ва хизматлар бозори, ресурслар бозори»⁸, деб қаралади. Бундан кўри-ниб турибдики, мазкур дарслик муаллифлари уй хўжалиги ва унинг иқтисодиётдаги ўрни бўйича қарама-қарши фикрдалар. Агарда уй хўжалиги фақат истеъмол қилувчи субъект бўлганида эди, у микроиқтисодиётнинг субъекти бўла олмас эди. Агар унга микроиқтисодиётнинг субъекти сифатида қараладиган бўлса, у ҳолда уй хўжалиги фақат истеъ-

мол қилувчи субъект сифатида ўрганилмаслиги лозим эди.

А.И.Попов уй хўжалигига микроиқтисодиётнинг субъекти сифатида жуда тўғри ёндашган. Унинг фикрича, «Уй хўжалиги – маълум мақсадларга эришиш учун харажатларни минималлаштиришга ҳаракат қилишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятининг бошланғич шаклидир»¹⁰.

Уй хўжалигига тадбиркорликнинг бир шакли сифатида қаралиши жуда ўринли. Аммо ушбу таърифда ҳам айрим камчиликлар мавжуд. Унда уй хўжалигида кимлар ва нима мақсадда иштирок этиши кўрсатилмаган.

Олимларимиздан А.Ўлмасов оилани бевосита уй хўжалигига тенглаштиради. Унинг таъкидлашича: «Иқтисодий жиҳатдан қараганда, оила уй хўжалиги бўлиб, микроиқтисодий тизимнинг асосий бўлаги ҳисобланади. Унинг бошқа қисмини эса фирма, корхона

⁷ *Общая экономическая теория (политэкономия): Учебник / Под общей ред. акад. В.И.Видяпина, акад. Г.П.Журавлевой, М.: ПРОМО-Медиа, 1995. – 275-бет.*

⁸ *Экономика: учебник / под ред. д-ра экон. наук, проф. А.С.Булатова. – М.: Экономистъ, 2005. – 801-бет.*

⁹ *Экономика: учебник / под ред. д-ра экон. наук, проф. А.С.Булатова. – М.: Экономистъ, 2005. – 147-бет.*

¹⁰ *Попов А.И. Экономическая теория: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2006. – 97-бет.*

⁵ Сектор «Домашнее хозяйство» в системе национальных счетов // *Экономика и статистика*, № 2, 1997. – 66-67 бетлар.

⁶ *Уша жойда.*



ва иқтисодий сектор ташкил этади¹¹. Фикримизча, оилани уй хўжалиги билан бир хилда қараб бўлмайди. Агар оиланинг ва уй хўжалигининг таърифларидан келиб чиқадиган бўлсак, булар алоҳида ижтимоий-иқтисодий тушунчалар эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Худди шундай фикрларни айрим мумтоз адабиётларда ҳам учратиш мумкин. Умуман олганда, уй хўжалиги тушунчаси, фикримизча, айрим талабларга жавоб бермоғи лозим. Масалан, уй хўжалигида мулк оиланики, ишлаб чиқариш воситалари оилага мансубдир. Аммо унда ишловчилар фақат оила аъзолари билан чекланиб қолмасдан, балки бошқа ёлланган кишилар ҳам жалб қилинади. Меҳнат натижасидан баҳрамандлик ҳам, шунга мос равишда, фақат оила аъзоларидан иборат бўлмасдан, балки меҳнатда иштирок этган бошқа кишилардан ҳам иборат бўлади. Бозор муносабатлари шароитида, ким бўлишдан қатъи назар, меҳнатдан манфаатдорлик бор-

лигини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Ушбу назарий хулосадан келиб чиқиладиган бўлса, уй хўжалигига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Уй хўжалиги деганда оила мулкига асосланган, шу уй хўжалиги ва бутун жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжини қондириш ҳамда маълум даражада даромад (фойда) олиш мақсадида ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш каби фаолият билан шуғулланиш учун бир оила аъзолари атрофида уюшган кишилар (ёлланган кишилар ҳам шунга киради) гуруҳи тушунилади. Ҳақиқатда уй хўжалигида ишловчилар таркибида оила аъзоларидан ташқари яна бошқа ёлланган кишилар ҳам бўлиши мумкин.

Охирги пайтларда оила хўжалиги, уй хўжалиги тушунчалари қаторига хонадон хўжалиги тушунчаси ҳам кириб келди. Бунда муаллифлар¹² хонадонда бир қанча оилалар яшаши мумкинлигидан

келиб чиқиб, хонадон хўжалиги тушунчасини киритишни тавсия қилмоқда. Хусусан, Х.И.Аҳмаджонов хонадонга қуйидагича таъриф беради: «... хонадон уй-жой шароити умумий, бир қатор товар ва хизматларни биргаликда истеъмол қилувчи, ўзининг пул ва моддий маблағларини бирлаштирувчи кишиларнинг кичик гуруҳи»¹³. Мазкур таърифда хонадоннинг табиати микроиқтисодиёт субъекти сифатида тўлиқ очиб берилмаган. Чунки бунда хонадонга «ўзининг пул ва моддий маблағларини бирлаштирувчи кишиларнинг кичик гуруҳи» сифатида қаралади. Хонадонда ҳар қандай кишилар эмас, балки «бир хонадонда яшавчи бир қанча оилаларининг биргаликда» яшаши тушунилади. Улар маълум даражада даромад (фойда) олиш учун ўз мулкани ишлатадиган бир-бири билан яқин бўлган оилалар ёки кишилардан иборат бўладилар. Биз ушбу назарий тушунчаларни умумлаштириб хонадон хўжалигига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Хонадон хўжалиги деганда бир хонадонда яшовчи бир ва ундан кўп оилаларнинг биргаликда ўзларининг ва бутун жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжини қондириш ҳамда маълум даражада даромад (фойда) олиш учун ўз мулкига эга бўлган ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш каби фаолиятини амалга ошириш мақсадида бир хона-**

¹¹ Ўлмасов А. Оила иқтисоди. – Т.: Меҳнат 1998. – 4-бет.

¹² Аҳмаджонов Х.И. Ўзбекистон хонадонларида молия ресурсларининг шаклланиши ва ишлатилиши. – Т.: Банк-молия академияси. Иқтис. фан. номз... диссертацияси, 2006.

¹³ Уша жойда. – 8-бет.

донда бирга яшовчи кишилар тушунилади.

Умун олганда, уй хўжалиги, оила хўжалиги дейилади-ми ёки хонадон хўжалигими, барибир, булар оила билан боғлиқ субъектлардир. Бу бўғин иқтисодиётнинг дастлабки шаклланиш даврида бошланган ва яна ривож топмоқда. Оила хўжалиги микроиқтисодиётнинг бир субъекти сифатида ўзининг ривожланиш эволюциясига эга. Иқтисодиётнинг бўғинлари оила хўжалигидан бошланган. У турли шароитларни бошдан кечирди. Ниҳоят, иқтисодиётнинг асосий бўғини шаклланди.

Ҳозирги пайтда оила хўжалиги ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий субъект сифатида намоён бўлмоқда. Шу туфайли унинг назарий ва амалий таҳлили шу нуқтаи назардан амалга оширилмоғи лозим. Оила хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини ифода этадиган категория – бу унинг фаровонлигидир. Мамлакатимизда оила фаровонлигини оширишга қаратилган кўплаб концептуал тадбирлар амалга оширилмоқда. Энг муҳимларидан бири, уларнинг эркин тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари орқали фаровонликни ошириш учун тегишли шароит яратиб берилганлигидир.

Оила хўжалиги фаровонлигини оширишнинг бир қанча йўллари билан бири оила хўжалигида ташкил қилинган тадбиркорликдир. Оилавий

тадбиркорлик хусусида ҳам иқтисодий адабиётларда¹⁴ айрим фикрлар билдирилмоқда. Умун олганда, оила аъзолари даромад (фойда) олиш мақсадида ўзларининг мулкига асосланиб бирорта фаолият билан шуғулланса, бу оила тадбиркорлигига кирди. Бу борада айрим олимларимиз томонидан ҳам тегишли фикрлар айтилган. Жумладан, М.Қ.Пардаев ва З.Н.Қурбоновлар оила тадбиркорлигига «Оилавий мулкка асосланган, оила аъзолари иштирок этадиган тадбиркорлик оила тадбиркорлиги деб аталади»¹⁵ деган таърифни берган. Ушбу таъриф оилавий тадбиркорликнинг мазмунини очиб беради. Аммо унда оила аъзоларининг шу тадбиркорликдан кўзланган мақсади ўз ифодасини топмоғи лозим эди. Шуларни инобатга олиб, юқоридаги муаллифларнинг фикрларини кенгайтирган ва ризолаштирган ҳолда, унга

оила аъзоларининг тадбиркорликдан асосий мақсади фойда олиш эканлигидан келиб чиқиб, оила хўжалиги тадбиркорлигига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Оила хўжалиги тадбиркорлиги деб оилавий мулкка асосланган, оила аъзолари иштирок этадиган ва маълум даражада оилага даромад (фойда) ва ижтимоий наф келтирилишини кўзлаб қилинадиган эркин танланган фаолиятга айтилади.

Ушбу таърифда оила хўжалигида тадбиркорлик бўлиши учун унда мулк, фаолият, мақсад ва шуғулланадиган фаолияти ўз ихтиёри ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда эркин танланган бўлиши лозимлиги аниқ ифода этилган. Шундай қилиб, оила хўжалиги иқтисоди ва унда тадбиркорликни такомиллаштириш тўғрисидаги назарий хулосаларни кенгайтириш мумкин.



¹⁴ Пардаев М.Қ., Қурбонов З.Н. Оила бизнеси ва тадбиркорлиги. – Самарқанд, СамКИ, 1999. – 18-бет; Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим специальностям. – Т.: Шарк, 1999. – 198-223-бетлар; Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Меҳнат, 1995. – 137-147-бетлар; Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. – Т.: 2000. – 84-87, 245-254-бетлар; Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 58-71-бетлар; Шишкин А.Ф. Экономическая теория. Учебник. – М.: Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС, 1996., – Т. 2. – 34-54-бетлар ва ҳ.к.

¹⁵ Пардаев М.Қ., Қурбонов З.Н. Оила бизнеси ва тадбиркорлиги. – Самарқанд, СамКИ, 1999. – 18-бет.

Ушбу келтирилган назарий далиллар куйидагича хулоса қилишга асос бўлади.

Биринчидан, оила хўжалиги бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида микроиқтисодиётнинг субъектига айланди.

Иккинчидан, оила хўжалигида хўжалик юритувчи субъект сифатида ўз мулкига, ишлаб чиқариш воситаларига, иш кучига ва фаолият натижасида оладиган даромадига (фойдасига) эгалик қилиш ҳуқуқи пайдо бўлди. Шунингдек, оилавий тадбиркорлик асосида ижтимоий наф ҳам келтирилиши мумкин. Масалан, тадбиркор ўқитувчи ёки тадбиркор шифокорни олайлик. Улар ўз касбларини малака ошириш ва тажриба орттириш билан узлуксиз ривожлантириб, такомиллаштириб борадилар. Булар касбий маҳоратини оширишдан кўра инсонларга кўпроқ нафи тегишини ўйлаб иш кўрадилар. Бундай фаолият жамият аъзолари томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилаверади.

Учинчидан, уй хўжалиги тушунчаси оила хўжалиги ва хонадон хўжаликлари тушунчаларига нисбатан кенгроқ эканлиги асосланди. Унда ёлланган меҳнат жалб қилиниши ва шу туфайли фойда ҳам ёлланган кишига ўз меҳнатига қараб тақсимланиши мумкинлиги кўрсатиб берилди.

Тўртинчидан, оила тадбиркорлиги ҳам ўзига хос тадбиркорлик бўлиб, оила мулки ва оила аъзоларининг иш кучига таянади.

Ниҳоят, оила фаровонлигини оширишнинг муҳим концептуал йўналишлари эндиликда фақат

меҳнат ҳақини кўпайтириш йўли бўлиб қолмасдан, балки оила аъзоларининг тадбиркорликни ривожлантириш, мулкни ишлатиш ва хўжалик юритишнинг самарадорлигини ошириш эвазига ўз даромадларини (фойдасини) кўпайтириш қабилардан иборат бўлиб қолмоқда.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Оила хўжалиги фаровонлигини оширишнинг муҳим жиҳатларидан бири унинг назарий масалаларини ҳал қилишдан иборатдир. Аммо иқтисодий адабиётларда ҳали оила фаровонлиги тушунчасининг бугунги кун талабига тўлиқ жавоб берадиган таърифи ишлаб чиқилмаган. Шу туфайли ушбу муаммо ҳам ўз ечимини кутаётган муаммолардандир.

Тадқиқотлар кўрсатдики, оила хўжалиги тадбиркорлигининг қарор топиши мамлакатимизда жуда кўп ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилади. Энг аввало, у бозор муносабатларининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар синфини барпо қилади, мамлакатимизнинг бозорини истеъмол товарлари ва турли хизматлар билан бойитиш имкониятини яратади, шунингдек ҳозирги кунда муҳим бўлган муаммони, яъни янги иш ўринларини яратиш эвазига ишсизлик муаммосини бартараф қилиш масаласини ҳал қилади. Аммо оила хўжалиги тадбиркорлиги ўз-ўзидан ривожланиб кетавермайди. Уни ҳозирги замон даражасида ривожлантириш, юксак савияда рақобатбардош маҳсулотлар (ишлар, хизмат-



лар) ишлаб чиқариш ҳолатига келтиришга эришиш лозим. Бунинг учун ушбу муаммонинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ қилиб, уларни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Ҳозир Ўзбекистонда оила хўжалиги тадбиркорлиги вужудга келиб, ривож топмоқда. Уларнинг ривожланишини таъминлаш ва жадаллаштириш учун тегишли оила хўжалиги тадбиркорлари уюшмаларининг ташкил бўлиши тайин. Бундай бирлашмалар орқали оила хўжалигини ривожлантириш ва фаровонлигини ошириш бўйича йирик ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилса бўлади. Келажакда мамлакатимизда оила хўжалиги тадбиркорлари уюшмаларини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳам ҳал қилиш лозим бўлади. Бундай нодавлат ташкилотларининг фаолият кўрсатишини ривожлантириш концепциясини ҳам ишлаб чиқиш бугунги кунда ўта долзарб масалалардан биридир.

Шуни алоҳида таъкидлаш

лозимки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви, унинг эркинлашиши оила хўжалиги даромадининг мазмун ва моҳиятини ўзгартириб, уларни такомиллаштириб бормоқда. Зеро, Ўзбекистонда жамиятнинг барча аъзолари, аҳолининг барча қатламлари манфаатларини кўзлайдиган ижтимоий сиёсат олиб борилмоқда. Бу ўз навбатида аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали дастакларни ишлаб чиқиш заруратини туғдирди. Бу эса оила хўжалигида даромадларни, уларнинг таркибий тузилишини чуқур ўрганишни, уни ҳисобга олишни тақозо қилмоқда, чунки аҳолининг юқори ва кам таъминланган қатламларини аниқлаш айнан уларнинг даромадларини ҳисоблаш орқали амалга оширилади. Аммо бу бўйича ҳали йирик, барча талабларга жавоб берадиган илмий тадқиқотлар олиб борилган эмас. Шу туфайли, оила фаровонлигини оширишга кам таъминланган ои-

лаларни камайитириш орқали эришиш йўллари ишлаб чиқиш ҳам бугунги кунда долзарб муаммолардан биридир.

Бозор муносабатларининг шаклланиши ҳар бир оила хўжалигида даромадлар, унинг таркибий ўзгариши ҳисобга олиб борилишини тақозо қилади. Чунки оила хўжалиги мулки ва даромади, энг аввало, давлатимиз миллий бойлигининг бир қисми бўлса, иккинчидан, солиқ объектидир. Бундан ташқари, оила фаровонлигини, унинг кам таъминланганлик ва бойлик даражасини ўлчаш мезонлари ҳам шу кўрсаткичларга асосланади.

Оила хўжалиги фаровонлигига унинг даромад ва харажатлари таркибий ўзгаришлари таъсир қилишини инобатга олиб, уларнинг даромадлари ва харажатлари табақаланишини ўрганиш лозимлигини назарий жиҳатдан асослаш лозим. Бу муаммони куйидаги йўналишда ўрганиш лозим, деган хулосага келинди: шаҳар ва шаҳар типидagi кўрғонларда яшовчилар билан қишлоқда яшовчилар ўртаси-

даги тафовут; турли соҳаларда банд бўлган оилалар даромадлари ўртасидаги тафовут; оила хўжалигида оила аъзоларининг сони бўйича тафовут қабилар. Ушбу муаммоларнинг ечими ҳам атрофлича кўриб чиқиши лозим.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви, бозор муносабатларининг шаклланиши оила хўжалиги даромади мазмуни ва бу билан боғлиқ ҳолатларнинг тубдан ўзгаришига олиб келди. Бу ўзгаришлар куйидагиларда намоён бўлмоқда: иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга янги иқтисодий категория – иш кучининг қиймати категорияси кириб келди; иш кучининг талаб ва таклиф асосида сотиладиган жойи – меҳнат бозори пайдо бўлди; иш кучига талаб ва таклифнинг ўзгариб туриши оқибатида мутлоқ ва нисбий ишсизлик пайдо бўлмоқда; аста-секинлик билан оила аъзолари, аҳоли тадбиркорликни ривожлантириш асосида ўзларини иш билан таъминлаш тамойилига ўтмоқда; оила даромади таркибида янги манбалар – мулкни ишлатиш ва тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар пайдо бўлди; мулкни ишлатишдан олинадиган даромадлар олдин фақат ижара ҳақидан иборат бўлган бўлса, эндиликда дивидендлар, фоизлар, инвестиция даромади каби даромад турлари кириб келди.

Мазкур ҳолатлар жамиятнинг маълум даражада барқарорлигини таъминлаш билан бирга айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Бу муаммолар замирида оила хўжалиги даромадларининг табақаланиши, ишсизлик ва

шунинг натижасида вужудга келадиган кам таъминланган оилаларнинг пайдо бўлиши муаммоси ётади. Ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўли, фикримизча, биринчи галда аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, кишиларга ўзини-ўзи иш ва бошқа зарур неъматлар билан таъминлаш тамойилига ўтишнинг зарурлигини сингдириш бўлса, иккинчидан кишиларнинг ҳар қандай фаолиятини моддий жиҳатдан қизиқтириш механизмини жорий қилиш, рағбатлантиришнинг янги-янги усуллари ишлаб чиқишдан иборатдир. Бироқ ушбу тадбирлар ҳам мамлакатимиз миқёсида ҳукумат ва Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси даражасида ҳал этишни тақозо қилади.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, оила хўжалиги мулки ва даромадини кўпайтиришнинг асосий йўллари билан бири мулкни ишлатишдан олинган даромаддир. Буни инобатга олиб, оила хўжалигидаги мавжуд ортиқча мулкни инвестиция қилиш йўли билан унинг даромади ва мулкни кўпайтириш йўллари, инвестициянинг жорий ва соф қийматларини аниқлаш ҳамда дисконтлаштириш коэффициентларидан фойдаланиш усуллари яратилмоғи лозимлигидан келиб чиқиб, ушбу усулларнинг умумий методологиясидан фойдаланган ҳолда уни оила хўжалигига татбиқ қилиш йўллари ишлаб чиқиш талаб этилади. Чунки ушбу масала ҳамон муаммолигича қолиб кетмоқда эди.

Ҳозирги пайтда оила хўжалигининг инвестицияга қўйилган маблағлари самара-



ҚИСҚАЧА:

НИҲОЯТ, ОИЛА ФАРОВОНЛИгини ОШИРИШНИНГ МУҲИМ КОНЦЕПТУАЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ ЭНДИЛИКДА ФАҚАТ МЕҲНАТ ҲАҚИНИ КЎПАЙТИРИШ ЙЎЛИ БЎЛИБ ҚОЛМАСДАН, БАЛКИ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, МУЛКИНИ ИШЛАТИШ ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШНИНГ САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШ ЭВАЗИГА ЎЗ ДАРОМАДЛАРИНИ (ФОЙДАСИНИ) КЎПАЙТИРИШ КАБИЛАРДАН ИБОРАТ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА.

дорлигини ошириш йўллари ҳам ишлаб чиқилмоғи лозим. Буларга лойиҳанинг муддатини узайтириш; лойиҳанинг дивиденд ставкасини кўпайтириш (камайтириш); пул тушумини (оқимини) кўпайтириш кабиларни киритиш мумкин. Аммо бу масалалар ҳам, оила хўжалигига мос ҳолда, етарли даражада ўрганилган эмас.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида инфляция жараёнлари ҳамон сақланиб қолмоқда. Буни инобатга олиб, оила хўжалиги мулки ва даромадини инфляция шароитида баҳолаш ва таҳлил қилишнинг методологик жиҳатлари ишлаб чиқилиши лозим. Оила хўжалиги даромадининг номинал ва реал ставкаларидан фойдаланиб, унинг инвестициядан оладиган даромади умумий ставкаси аниқланади. Бу эса оила хўжалиги инвестициясининг бир йилдан кейинги инфляцияни инобатга олган ҳолдаги қийматини аниқлаш ва бунинг оила хўжалиги фаровонлигига таъсирини белгилаш имконини беради.

Бозор муносабатларининг шаклланиши оила хўжалиги тадбиркоридан нафақат тадбир-

корлик бўйича, балки иқтисодий ишларни юритиш бўйича ҳам ўта билимдонликни, зийракликни талаб қилади. Тадбиркорнинг иқтисодий билими кенг қамровли бўлиши оила хўжалиги даромадига янада кўпроқ даромад келтиради, энг муҳими, мулкни янада кўпайтиради. Ундан ҳам муҳими, мулкнинг ҳажми мулкни ишлатиш орқали ошади. Бу эса оила хўжалигининг, бутун аҳолининг, давлатнинг ҳам бойиши, иқтисодий қудратининг мустақамланиши учун асос бўлади.

Шундай қилиб, турли йўллар ва усуллар билан оила хўжалиги фаровонлиги ошади. Бу Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос тараққиёт йўлининг пировард мақсадига – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек эзгу ишни амалга оширишда яна бир иқтисодий дастакнинг пайдо бўлганлигидан далолат беради.

Шу ўринда оила хўжалиги бизнеси тўғрисида ҳам айрим фикрларни айтиб ўтиш лозим. Чунки оила хўжалиги фаровонлиги ва оила хўжалигида бизнес тушунчаларига аксарият ҳолларда бир хил тушун-

чалар сифатида қаралади. Бу борада иқтисодий адабиётлардаги фикрларнинг назарий таҳлилига тўхталиб ўтирмасдан, ўз қарашларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз. Оила хўжалиги бизнесини, бизнес тушунчасидан келиб чиқиб, фойда (даромад) келтирувчи фаолият сифатида баҳолаш лозим. Агар шу назарияга асослангандиган бўлса, унга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ. **Оила хўжалиги бизнеси деганда маълум бир мулкка эгалик қилган ҳолда оилага даромад (фойда) келтирувчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш билан боғлиқ барча фаолиятлар тушунилади.** Бунда кимнинг мулкига асосланганиши унча аҳамиятли эмас, бунга фақат оилага даромад (фойда) келтириши нуқтаи назаридан қаралади.

Бу жараённинг аҳамияти фақат кўриб чиқилган масалалар билан чекланиб қолмайди. Оила ёки уй хўжалигини юритиш, оила тадбиркорлиги билан шуғулланиш фақат оила фаровонлигини таъминлабгина қолмасдан, янги иш ўринларини очиш эвазига аҳолини иш билан таъминлайди, давлатни эса улардан олинадиган солиқлар эвазига бойитади, жамиятимизда тўкин-сочинликка эришилади. Оила хўжалигида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нафақат ўзларининг эҳтиёжини қондиради, балки мамлакат бозорини ҳам маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) билан тўлдиради. Энг муҳими, унинг маънавий аҳамияти ҳам беқиёсдир, чунки оммани боқимандалик руҳиятидан холи қилади, ташаббускорлик, интилувчанликни синдиради ва таъминлайди. Бу

пировардида жамиятнинг, омманинг фаоллигини оширади, бозор муносабатлари демократик тамойилларининг шаклланиш жараёнини тезлаштиради.

Ҳозир Ўзбекистонда 2020 йил 1 январь ҳолатига 33,9 млн. нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Мамлакатимизда ўртача оила аъзолари сони 5,1 кишини ташкил қилади. У ҳолда, бизнинг ҳисоб-китоблар бўйича, оилалар сони республикада 6,4 миллиондан зиёд қилади. Агар ҳар бир оиладан камид биттадан тадбиркор етишиб чиқадиган бўлса, мамлакатимиз бўйича яна 6,4 млн. қўшимча иш ўрни яратилади. Бу мамлакатимиз истеъмол бозорининг тўкин-сочинлигини таъминлайдиган муҳим омиллардан биридир. Агар ҳар бир тадбиркор ўз оиласига бир йилда ўрта ҳисобда 50 000 000,0 сўмдан фойда келтирса, бу оила фаровонлиги учун Республика бўйича 320 млн. сўм қўшимча фойда келтиради. Уларнинг ўрта ҳисобда 30 фоизи давлат (маҳаллий) бюджетга солиқ ва бошқа тўловлар сифатида тушадиган бўлса, бюджетга яна 96 млн. сўм қўшимча даромадни вужудга келтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади – одамларимизга, ҳар бир оилага муносиб турмуш шароитини яратиб беришдан иборатдир. Бу, албатта, жуда мураккаб ва масъулиятли вазифа. Бундай мақсадга эришиш учун фақат амалий тадбирларни амалга оширишнинг ўзигина етарли эмас. Ушбу соҳани чуқур тадқиқ қилиб, ҳар бир оиланинг фаровонли-

гини таъминлаш учун илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш ҳам тақозо қилинади.

Шундай қилиб, оила хўжалигининг микроиқтисодиёт субъектига айланиши нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий ва маънавий аҳамиятга эга эканлиги, унинг мамлакатда бозор муносабатлари шаклланиши, иқтисодиётни эркинлаштириш ва жамиятни модернизациялашни тезлаштира олиши мумкинлиги ҳам ойдинлашади.

ABSTRACTS

THE SOCIO-ECONOMIC CONTENT OF "FAMILY ECONOMY", AND CONCEPTUAL DIRECTIONS OF ITS DEVELOPMENT AND WELL-BEING

In this article, special attention is paid to the legal, philosophical, spiritual aspects of the family, which is considered the beginning and the smallest branch of society. The author believes that the role of the Family Institute in the social life of our country is incomparable, and it is based on historical traditions. At present, the role and importance of the family has increased and attention is paid to the family economy and family entrepreneurship at the state level. The author particularly emphasizes the economic aspect of the family, the need to study the issues of solving the problems in it.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ И ЦИФРОВИЗАЦИЯ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА

На современном этапе происходят коренные изменения в общественной, экономической и социальной сферах. С развитием научно-технического прогресса появляются новые экономические модели. Примером модели, возникшей на стыке дискурса и реальности, является цифровая экономика. Она рассматривается как движущая сила экономического роста, способная привести к значительным экономическим сдвигам и оказать влияние на целые области бизнеса, рынок труда и образ жизни людей. Цифровая экономика имеет значительный потенциал для развивающихся стран, для которых подобные экономические сдвиги могут означать экономический рост.

*Дурдона Нарзуллаева,
ст. преп. Ташкентского
филиала ФГБОУ ВО
«Российский Экономический
Университет
им. Г.В. Плеханова»*

Цифровизация экономики приводит к увеличению производительности и конкурентоспособности не меньше, чем

создание технологических инноваций как таковых. Это значит, что у развивающихся стран, в том числе у Узбекистана, имеется возможность для скачкообразного рывка в росте производительности труда благодаря информатизации общества и эффективному внедрению в бизнес-процессы существующих информационно-

коммуникационных технологий, а также созданию собственных прорывных технологий на отдельных направлениях.

Цифровые технологии создают новые возможности в цифровой сфере: предприниматель или компания при желании может задействовать цифровую систему в сфере своей деятельности.

Этот процесс может включать датафикацию (внедрение технологий хранения больших массивов данных), цифровизацию (конверсию всех частей информационных цепочек стоимости из аналогового формата в цифровой), виртуализацию (физическое разложение процессов), а также генеративность (использование данных и технологий по-новому, отличному от исходного, назначению путем перепрограммирования и рекомбинации). Степень воздействия любой технологии может рассматриваться как результат ее распространения и глубины внедрения. При значительных темпах распространения, включая распространение в развивающихся странах, и

растущем эффекте внедрения, открывающих доселе недоступные возможности, воздействие цифровых технологий на развитие экономики также возрастает.

Воздействие технологий может рассматриваться как дезорганизация работающих экономических процессов, систем и секторов, изменение текущей модели потребления, делового взаимодействия и моделей бизнеса. Кроме того, данный процесс может привести к возникновению существенно новых экономических отношений, бизнес-систем и секторов производства и потребления.

В отдельных секторах мы можем наблюдать воздействие технологий, которое уже проявляется в доминировании компаний нового типа: Facebook (наиболее популярная в мире медиакомпания), Alibaba (крупнейший в мире ретейлер, обладающий наибольшей оценочной стоимостью) и Airbnb (крупнейший в мире «отельер»).

Новые бизнес-модели доминируют в дискурсе, даже еще не воплотившись в экономике: яркий пример – «Индустрия 4.0»¹.

Что же такое «Индустрия 4.0»? Это переход от третьей промышленной революции к четвертой промышленной революции. Третья промышленная революция, иногда называемая цифровой революцией, относится к изменениям, произошедшим в конце XX века с переходом от аналоговых электронных и механических устройств к цифровым техно-



логиям. Четвертая индустриальная революция базируется на цифровой революции.

В целях дальнейшего совершенствования системы государственного управления в Узбекистане, создания условий для внедрения и развития цифровой экономики, улучшения инвестиционной среды, а также реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах ставится задача внедрения в области оборота крипто-активов, включая майнинг (деятельность по поддержанию распределительной платформы и созданию новых блоков с возможностью получать вознаграждение в формате новых единиц и комиссионных сборов в различных криптовалютах), смарт-контрактов (договор в электронной форме, исполнение прав и обязанностей по которому осуществляется путем соверше-

ния в автоматическом порядке цифровых транзакций), краудфандинг (коллективное финансирование), а также технологий «блокчейн» для диверсификации различных форм инвестиционной и предпринимательской деятельности².

Программой развития цифровой экономики Узбекистана предусмотрено развитие пяти базовых направлений цифровой экономики на период до 2024 г.: нормативное регулирование, кадры и образование, формирование исследовательских компетенций и технических нововведений, информационная инфраструктура и информационная безопасность.

В Узбекистане уже созданы информационные системы по предоставлению интерактивных услуг в сфере государственных закупок.

В течение ближайших пяти лет в рамках Инновационного центра предусмотрено увеличение объема экспорта программ-

¹ Бухт Р., Хикс Р. (2018) Определение, концепция и измерение цифровой экономики // Вестник международных организаций. Т. 13. №2. – С. 143–172 (на русском и английском языках). DOI: 10.17323/1996-7845-2018-02-07.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах».

ных продуктов в 10 раз с доведением доли сектора информационно-коммуникационных технологий в ВВП страны до 4%. В настоящее время статус резидента Инновационного центра получили более 140 предприятий, в которых работает более тысячи программистов.

В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 3 июля 2018 года³ запущена Единая система межведомственного электронного взаимодействия по вопросам взыскания задолженностей по исполнительным документам в Бюро принудительного исполнения при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан, которая обеспечивает электронный обмен информацией между Бюро и государственными органами, банковскими учреждениями, и своевременное применение с использованием информационно-коммуникационных технологий ограничительных мер в отношении должников.

Уже имеется опыт совершенствования системы «Электронное правительство» в области здравоохранения, предусматривающей создание электронных медицинских карт, переход деятельности медицинских учреждений в электронный формат, онлайн-консультирование пациентов.

Можно выделить следующие аспекты цифровой экономики для системы государственного регулирования Узбекистана:

- минимизация коррупционной составляющей за счёт минимизации человеческого фактора в административной системе и создания «безлюдной» схемы взаимодействия;
- «наделение субъективностью» интеллектуальных агентов – их налогообложение, ответственность, идентификация и т.п.;
- оптимизация налогообложения за счёт использования интеллектуальных агентов, работающих по принципу «умных контрактов» с индивиду-

альным расчетом налоговой нагрузки;

- внедрение адаптационной модели автоматизированной приоритизации части бюджетных расходов;
- использование моделей партисипаторного бюджета, в том числе, как способа влияния на политические решения;
- предоставление государственных услуг через единую цифровую платформу, имеющую открытые интерфейсы межмашинного взаимодействия.

Наряду с этим, банковская система Узбекистана активно внедряет инновационные информационные технологии. В частности, доля банковских услуг в структуре финансовых услуг составила 88% и выросла в более чем 1,2 раза по сравнению с 2018 г.

Основная роль в развитии цифровой экономики Узбекистана отводится частному бизнесу с сильным предпринимательским и инновационным подходом, а государству

³ Постановление Президента Республики Узбекистан 03.07.2018 г. №ПП-3832 «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан», Собрание законодательства Республики Узбекистан, 9 июля 2018 г., №27, ст. 547.



Официальный сайт Государственного Комитета по статистике

<https://stat.uz/ru/433-analiticheskie-materialy-ru/4858-zdravookhranenie-2020-g>.

– создание инфраструктуры и условий для частной инициативы. Развитие в Узбекистане ИКТ идет в ногу с заинтересованностью бизнес-структур внедрять цифровые технологии, так как владение цифровыми активами создает для них конкурентные преимущества. Поэтому необходимо резко увеличить скорость подключения минимум в четыре раза, доведя ее к 2020 году до уровня стран СНГ.

В настоящее время скорость интернет-подключения в странах СНГ в 10 раз выше, чем в Узбекистане, однако при этом количество пользователей интернета в Узбекистане достигло 20 миллионов человек, в 2019 году количество пользователей мобильной связи увеличилось на 7% и достигло 22,8 млн. человек. В индексе информационно-коммуникационного развития среди 176 стран Узбекистан занимает 95-е место и доля информационных технологий в ВВП страны составляет всего 2,2%.

В ближайшее время уровень конкурентоспособности компаний Узбекистана будет определяться уровнем их цифровизации. Благодаря цифровым технологиям, растет специализация предпринимательских структур.

Доля клиентов, регулярно пользующихся дистанционным банковским обслуживанием, в республике стремительно растет (Диаграмма). В частности, доля SMS-банкинга и мобильного банкинга растёт значительными темпами, опережая интернет-

банкинг и услуги «Банк – клиент» более чем на порядок.

В Узбекистане смартфоны играют доминирующую роль в обеспечении доступа к Интернету. На сегодняшний день среди операционных систем Узнета почти 60% приходится на мобильные⁴. При таких темпах можно ожидать, что к 2020 году доля смартфонов достигнет 93% от всех подключений в республике.

Но надо заметить, что цифровая экономика не только открывает возможности, но и создает угрозы. Существуют трудности с использованием новых возможностей, например, из-за низкого уровня цифровых навыков и недостаточного уровня проникновения технологий как внутри, так и между странами-партнерами.

Включение в цифровую экономику может оказать негативное влияние в силу явлений переходного периода (недостаток ресурсов, возможностей, институтов, взаимосвязей).

Рост цифровой экономики может обернуться определенными потерями для развивающихся стран: например, вероятен рост уязвимости из-за необходимости балансировать между цифровой безопасностью и соблюдением приватности⁵.

При сохранении текущих тенденций прогнозируется увеличение числа интернет-пользователей до 26 млн. к 2020 году, что к тому периоду может составить около 78%. В этом случае пропускная способность международного ка-

нала в расчете на одного пользователя, вероятно, увеличится с текущих 2,4 кб/с до 2,9 кб/с (при условии, что темпы расширения канала останутся на текущем уровне).

В сфере электронизации государственного сектора Узбекистана происходит перенос все большего числа бизнес-процессов государственных организаций в онлайн-формат, который повысит эффективность управления экономикой.

ABSTRACTS

IMPROVEMENT OF THE STATE GOVERNANCE SYSTEM AND DIGITALIZATION OF THE ECONOMY OF UZBEKISTAN

The article discusses measures for the development of the digital economy, the phased implementation of the electronic document management system in government bodies, and e-commerce to serve individuals and legal entities. The author views the digital economy as a driving force of economic growth that can lead to significant economic shifts and affect entire areas of business, the labor market and people's lifestyles. The digital economy holds significant potential for developing countries, for which such economic shifts could mean economic growth.

⁴ Операционные системы Узнета, Официальный сайт Министерства экономики и промышленности Республики Узбекистан <http://minesopotmu.uz>

⁵ Бухт Р., Хикс Р. (2018) Определение, концепция и измерение цифровой экономики // Вестник международных организаций. Т. 13. №2. – С. 143–172 (на русском и английском языках). DOI: 10.17323/1996-7845-2018-02-07.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ УЧУН ТАРКИБИЙ ИСЛОҲОТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА АҲАМИЯТИ



Ёшлар – бизнинг келагимиз, биз уларга имконият бериш учун қўлимиздан келганича ҳаракат қилишимиз зарур. Айниқса, жаҳон иқтисодиёти инқирозларни бошидан кечираётган, ёш авлоднинг орзуларини рўёбга чиқариш қийин бўлган дақиқаларда бу жуда муҳимдир.

Баҳодир Тўраев,
Иқтисодий тараққиёт
ва камбағалликни
қисқартириш вазирлиги,
Хорижий инвестициялар ва
бошқа манбалар ҳисобидан
лойиҳаларни шакллантиришни
ва амалга оширишни таҳлил
қилиш бошқармаси
бошлиғи ўринбосари

Бугунгикундаги глобаллашув жараёнида иқтисодиётнинг турли бўғинларида таркибий ислохотларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Нафақат ривожланган давлатлар, балки ривожланаётган давлатлар учун ҳам самарали таркибий ислохотларни амалга ошириш инқироздан чиқиш, кучли ва адолатли глобал иқтисодиётни барпо этишнинг ягона йўли ҳисобланади.

Халқаро валюта жамғармасининг прогнозига кўра, 2020 йилда глобал ўсиш 4,9 фоизни ташкил этади, бу 2020 йил апрелдаги Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари (WEO) прогнозидан 1,9 фоизга пастдир. COVID-19 пандемияси 2020 йил биринчи ярмида иқтисодиётга кутилганидан кўра кўпроқ салбий таъсир кўрсатди, тикланишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. 2021 йилда глобал ўсиш 5,4 фоизни ташкил этади. Умуман олганда, бу 2021 йилда ялпи ички маҳсулот Covid-19га қадар бўлган 2020 йил январь ойидаги прогнозларга қараганда 6½ фоиз даражага паст бўлишига олиб келади. Бу айниқса кам даромадли уй хўжалиқларига салбий таъсир кўрсатади ҳамда 1990 йилдан буён дунёда камбағалликни

қисқартириш борасида эришилган ютуқларга таҳдид солади (Манба: IMF, *World Economic Outlook*).

Давлатлар томонидан иқтисодий ўсиш ва бандликни тиклаш бўйича янги сиёсатни амалга ошириш борасида кўплаб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Аммо глобал иқтисодиётда бир қатор номутаносибликлар ва беқарорлаштирувчи омиллар, қийинчиликлар мавжуд. Коронавирус пандемияси натижасида карантин чекловларининг жорий этилиши кўплаб соҳалар, айниқса хизмат кўрсатиш соҳалари (авиация, темир йўл, туризм, меҳмонхоналар тармоғи, умумий овқатланиш ва ҳ.к.) фаолияти тўхтаб қолиши оқибатида дунёда миллионлаб иш ўринлари қисқаришига

таъсир қилди. Иқтисодий фаолликнинг (ишлаб чиқаришнинг) тўхтаб қолиши талабнинг таклифга нисбатан ошишига, бу эса ўз навбатида нархлар беқарорлигига олиб келади. Иқтисодий турғунлик ишсизлик даражасини ошириб, аҳолининг тўлов қобилияти тушиб кетишига таъсир қилади. Бундай вазиятларда давлат бюджетига солиқ тўловлари ва бошқа тушумларнинг камайиши юз беради. Давлатлар олдида турган вазифаларни бажариши учун бошқа молиявий ресурсларга, жумладан ташқи қарзларга бўлган талаб ортиб боради.

ТАРКИБИЙ ИСЛОҲОТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон сўнги йилларда ишбилармонлик муҳитини ях-

шилашга қаратилган, тартибга солувчи ислохотлар орқали бизнес фаолиятини такомиллаштириш бўйича яхши натижаларга эришган давлатлардан биридир.

Ҳужжатлар ҳажми ва уларни расмийлаштириш харажат ва муддатларини қисқартириш, валюта бозорини либераллаштириш ва давлат органларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига Ўзбекистон сўнги 5 йилда Бизнес юритиш (Doing Business) рейтингда 72 поғонага кўтарилиб, 2020 йилда 69-ўринни эгаллади.

Хусусан, корхоналарни таснифлашнинг янги мезонлари жорий этилиши, ягона ижтимоий тўлов ва қўшилган қиймат солиғи ставкалари пасайтирилиши ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларнинг бекор қилиниши орқали бизнесни рўйхатдан ўтказиш (12-ўрин) ва солиққа тортиш индикаторларида (64-ўрин) яхши натижаларга эришилди.

Солиқ юкини доимий равишда пасайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини оширишнинг энг муҳим шarti ҳисобланади. Жаҳон банки ҳисоботида (Paying Taxes 2019) кўра, Ўзбекистонда солиқ юки 32 фоизни ташкил этади, яъни жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан (40 фоиз) паст.

2020 йилда солиқ юкининг пасайиши ва солиқ-бюджет сиёсатининг яхшиланиши ҳисобига Ўзбекистон Иқтисодий эркинлик индекси-



да (Index of economic freedom) 38 поғонага кўтарилиб, 114-ўринни эгаллади.

Экспорт ва импорт операциялари бўйича турли рухсатномалар, шу жумладан мувофиқлик ва фитосанитария сертификатлари учун тўловларни электрон тўлаш имкони яратилди. Янги механизмларнинг жорий этилиши натижаси ўлароқ экспорт ҳужжатларини расмийлаштириш вақти 174 соатдан 96 соатга қисқарди.

Ўзбекистон 2018 йилда Логистика самарадорлиги индексида (Logistics performance index) 99-ўринни, хусусан, инфратузилма индикаторида 77-ўринни, логистика сифати индикаторида 88-ўринни, товарларни кузатиш индикаторида 90-ўринни ва муддатларга амал қилиш индикаторида 91-ўринни эгаллади.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ УЧУН ТАРКИБИЙ ИСЛОҲОТНИНГ АҲАМИЯТИ

Хорижий инвесторлар мамлакатга инвестиция киритиш бўйича қарор қабул қилишда етакчи жаҳон рейтинг агентликлари – «Moody's», «Standard and Poor's» ва «Fitch Ratings» томонидан давлат, тармоқ ва корхонанинг кредит рискинни баҳолашга берилган мезонга катта эътибор қаратишади.

2019 йилда Ўзбекистон ушбу агентликлар томонидан эълон қилинган кредит рейтингларида биринчи марта ўзининг суверен рейтинг баҳоларини олишга муваффақ бўлди. Мазкур рейтингларга кучли суверен баланс, давлат қарзининг паст даражаси, шунингдек



ҚИСҚАЧА:

ЎЗБЕКИСТОН 2018 ЙИЛДА ЛОГИСТИКА САМАРАДОРЛИГИ ИНДЕКСИДА (LOGISTICS PERFORMANCE INDEX) 99-ЎРИННИ, ХУСУСАН, ИНФРАТУЗИЛМА ИНДИКАТОРИДА 77-ЎРИННИ, ЛОГИСТИКА СИФАТИ ИНДИКАТОРИДА 88-ЎРИННИ, ТОВАРЛАРНИ КУЗАТИШ ИНДИКАТОРИДА 90-ЎРИННИ ВА МУДДАТЛАРГА АМАЛ ҚИЛИШ ИНДИКАТОРИДА 91-ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ.

ABSTRACTS

ANALYSIS AND IMPORTANCE OF STRUCTURAL REFORM INDICATORS FOR THE ECONOMY OF UZBEKISTAN

This article analyzes the indicators of structural reforms, their role in the development of the economy of Uzbekistan, the results of the work done to simplify business procedures and reduce the tax burden and provides practical recommendations.

мамлакат иқтисодиётида давлат иштирокининг пасайиши каби омиллар ижобий таъсир кўрсатди.

Юқоридаги рейтинглар мамлакатнинг инвестицион жозибдорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари бўлиб, улар инвестиция муҳитига таъсир кўрсатаётган омилларнинг заиф ва кучли томонларини аниқлаб олишга хизмат қилади.

Мамлакатнинг инвестицион жозибдорлигини ошириш, иқтисодиётни барқарор ривожланиш босқичига олиб

чиқиш учун қулай муҳитни таъминлайдиган институционал ислохотларни амалга ошириш муҳим бўлиб, давлат бошқаруви сифатини яхшилашга, иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторларига бериладиган молиявий ресурслар манбаларини кўпайтиришга, инсон капитали сифатини кўтаришга, молия бозорини ривожлантиришга қаратилган қатор таркибий ислохотларни амалга оширишнинг аҳамияти бугунги кунда айниқса долзарб ҳисобланади.

ХАЛҚАРО АМАЛИЁТДА ИЧКИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИ



Абдурахим Тўраев,
и.ф.д., Тошкент молия
институтини «Бухгалтерия
ҳисоби»
кафедраси профессори в.б.



Хуршиджон Абдуллаев,
Тошкент молия институтини
мустақил изланувчиси

Халқаро амалиётда ички аудиторлик текширувларини ўтказиш услубиётини ва ички аудитнинг халқаро стандартларини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотларда хўжалик юритувчи субъектларнинг ички аудит хизмати фаолиятида ички аудитнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш хусусиятлари, белгиланган талабларга риоя қилиш ҳамда республикада амалиётга жорий этишнинг афзалликлари ўрганилган. Иқтисодий ривожланган давлатлар тажрибаси ва соҳадаги илмий ютуқларни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит фаолиятини мувофиқлаштирувчи меъёрий ҳужжатларни халқаро талабларга уйғунлаштириш, ички аудит институтининг фаолият самарадорлигини ошириш, самарали бошқарув тизимини шакллантириш ва инвесторларни жалб этишда ички аудит хизматининг бизнес рискларини пасайтиришга қаратилган мавқеини ошириш муҳим омил ҳисобланади.

Республикада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ички аудитнинг назарий ва ҳуқуқий асослари, ички аудит хизматини ташкил этиш механизмларини халқаро стандартлар талаблари асосида такомиллаштириш ҳамда ички аудит самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида «халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда корпоратив ҳуқуқни ривожлантириш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий принципларини жорий этиш» [1] муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган.

Ички аудит масаласида қуйидаги изланишлар олиб борилганини кўришимиз мумкин:

Б.А.Хасанов ўз илмий изланишларида ички аудит хизматини компьютерлаштириш тизимига алоҳида тўхталиб ўтган [2].

Н.Ф.Каримовнинг илмий ишларида тижорат банкларида ички аудитни ташкил этиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш жиҳатлари ўрганилган [3].

Ички аудиторлар институтини (The institute of internal auditors) томонидан берилган таърифга кўра, «Ички аудит – бу ташкилот фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган мустақил, холис кафолатлар ва маслаҳатлар бериш фаолиятидир. Ички аудит ташкилотга ўз фаолиятини ундаги рискларни бошқариш, назорат ҳамда корпоратив бошқарув жараёнларининг самарадорлигини баҳолаш ва яхшилашга тизимли ва изчил ёндашиш орқали амалга оширишда кўмаклашади» [4].

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида 1-илова. (ҚХММБ, 22.09.2018 й., 06/18/5544/1951-сон; 08.03.2019 й., 06/19/5687/2723-сон).

2. Хасанов Б.А., Алибоев Э.А., Зокирова М.Ш. Ички аудитни автоматлаштириш асослари. – Т.: Фан, 2003. – 160 б.

3. Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш муаммолари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т., 2007. – 36 б.

4. <https://global.theiia.org> – Ички аудиторлар институтининг расмий веб-сайти маълумотлари.

1-жадвал.

Ички аудит ҳисоботи таркибий қисмлари бўйича таклиф этилаётган намунавий шакл

Т/р	Таркиби	Бўлимлар	Маълумотларни очиб бериш
1.	Кириш қисми	Ички аудит режаси асосида текшириладиган бўлинма	Ички аудит режаси ва дастурини тузиш, текширишдан олдин амалга ошириладиган таҳлилий тадбирлар ишлаб чиқиш, фаолият билан дастлабки танишув, текширишда эътибор бериладиган муҳим жиҳатларни аниқлаш.
2.	Таҳлилий қисм	Тасдиқланган бизнес-режанинг бажарилиш ҳолатини баҳолаш:	а) режа ва унинг амалда бажарилиши ўртасидаги фарқларни сабабларини ўрганиш, фарқларнинг оқибатларини ҳаққоний акс эттириш, уни ўзгартириш бўйича ички аудитор фикрини билдириш, режа кўрсаткичлари ўзгаришини йиллар кесимида таҳлил қилиш ва ҳоказо; б) маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ишлар бажариш, уларни сотиш юзасидан белгиланган кўрсаткичлар истиқбол режасини, унинг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш; в) корхона олаётган даромад кўрсаткичларининг бажарилиши, прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш; г) харажатлар таркибининг таҳлили, бунда ортиқча харажатларни қисқартириш чоралари натижасида даромадларни ошириш йўлларини кўрсатиш; д) соф фойдадан ажратилаётган резервлар режасининг бажарилиши ва ундан фойдаланиш имкониятларини кўрсатиш.
		Корпоратив бошқарув принципларига риоя қилиниши ҳолатига баҳо бериш:	а) дивиденд тўғри ҳисобланганлиги, тақсмоти, акциялар пакетига ўзгаришлар таҳлили; б) резерв (жамғарма), ишлаб чиқаришни ривожлантириш, реконструкция ва модернизация, моддий ёрдам, Кузатув Кенгаши, ички аудит хизматига бериладиган рағбатлантириш фондлари маблағларининг мақсадли ишлатилиши ҳолатини танқидий таҳлил қилиш.
		Бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ва юритиш ҳолатини ҳамда молиявий ҳисоботдаги кўрсаткичларнинг ишончилигини баҳолаш:	а) бухгалтерия ҳисоби қайси дастурий таъминот асосида ташкил этилганлиги, юритилиши, моддий жавобгар шахслар билан тузилган шартномалар юзасидан улар ҳисоботини тинглаш, бухгалтерия ҳисобига оид норматив ҳужжатлардаги янгиланган доимий хабардорлик ҳолатига баҳо бериш; б) молиявий ҳисоботнинг ҳар бир шакли юзасидан бирламчи ва йиғма ҳужжатларнинг юритилиши ҳолатига эътибор бериш, ундаги камчиликларни бартараф этиш масъул шахслар бўйича юкланиши, ундаги кўрсаткичларнинг ўзгариши сабабларига ойдинлик киритиш, бухгалтерия ҳисоби усулларининг ўринли қўлланилиши ва ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш ҳолатига баҳо бериш; в) бухгалтерия ҳисобининг барча объектилари бўйича тегишли счётларда акс эттирилаётган суммаларнинг такрорланмаётганлигини аниқлаш баробарида фирибгарлик ҳолатларини фош қилиш, улардаги дебет ва кредит оборот қолдиқларига аҳамият қаратиш; г) юқоридагилар юзасидан аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан ички аудиторнинг таклиф ва тавсиялари тақдим этилиши.
		Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида, тўғри ҳисобда акс эттирилиши ва ҳисоботда қайд этилиши ҳолатига баҳо бериш:	а) жамият қандай турдаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўловчиси эканлигига аниқлик киритиш, улар бўйича ҳисоб-китобларнинг тақдим этилиши тартибига риоя этилаётганлигига эътибор қаратиш; б) жамият тўлайдиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича белгиланган имтиёз ва преференцияларни ўрганиш; в) жамиятнинг давлат бюджети олдидаги мажбуриятларини таҳлил қилиш, бундай мажбурият мавжудлиги аниқланганда уни бажариш чораларини кўриш.
		Амалга оширилган молия-ҳўжалик операциялари қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида бажарилганлиги ҳолатига баҳо бериш:	а) жамиятда молия-ҳўжалик фаолиятига тегишли амалдаги қонунчиликдаги нормативларга қанчалик риоя этилишини ўрганиш; б) аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари сабабларига ойдинлик киритиш, айбдорларни аниқлаш ва қоидабузарликларни бартараф этиш ҳамда уларнинг қайта такрорланмаслиги юзасидан чоралар ишлаб чиқиш.
		Активлар бутлиги ва сақланиши ҳолатига баҳо бериш:	а) барча турдаги активлар юзасидан инвентаризациянинг ўз вақтида ўтказилаётганлигини таҳлил қилиш; б) моддий активларнинг яроқлилиқ ҳолатига баҳо бериш, улар бўйича таъмирлаш ишлари амалга оширилаётганлигини ўрганиш; в) активлар бўйича эскириш ҳисобланаётганлигига аҳамият қаратиш, бунда эскириш меъёрлари бузилмаганлиги ва уларнинг ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатларида ўз вақтида қайд этилаётганлигини текшириш; г) эскирган активлар бўйича ҳисобдан чиқариш ишлари амалга оширилганлигини таҳлил қилиш, уларни янгилаш юзасидан чоралар кўриш.
Ички назорат ҳолатига баҳо бериш:	а) барча жавобгарлик юклатилган бўлимлар фаолияти юзасидан тузилган шартномалар, уларнинг бажарилиши, ҳисоботларнинг тингланиши, ички буйруқ ва кўрсатмаларнинг ўз вақтида бажарилаётганлигини юрист-маслаҳатчи кўригидан ўтказиш; б) юқоридагилар бўйича бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбарининг лавозим йўриқномасидаги мажбуриятлар бажарилишини таҳлил қилиш.		
3.	Яқуний қисм	«Қорхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида»ги Низомда келтирилган ички аудит хизмати ҳисоботи таркибига қўйилган бандлар юзасидан ички аудит натижалари, аниқланган хато ва камчиликлар, уларни тўғрилаш бўйича ички аудиторнинг молиявий ҳолатни яхшилашга доир кўрсатмалари, таклиф ва тавсиялари келтирилиши шарт.	

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

К.Б.Аҳмаджонов томонидан хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштиришнинг айрим масалалари очиб берилган. Соҳага оид кўплаб адабиётлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ички аудит тушунчасига таърифлар ва изоҳлар берилган. К.Б.Аҳмаджонов ички аудитга шундай таъриф беради: «Ички аудит – хўжалик юритувчи субъектларда молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган объектив кафолат ва маслаҳатлар берувчи мустақил тизим ҳисобланади, ички аудит бухгалтерия маълумотларининг тўғрилигини таъминлаш ва корхонада самарали ички назорат тизимини ташкил этишга йўналтирилган фаолиятдир» [5].

Илмий изланишлар жараёнида А.Тураев «ички аудит» тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи берган ва унга кўра ички аудит рискларни бошқариш, ички назорат тизимларининг ишончилиги ва самарадорлигини, жумладан корпоратив бошқарув амалиётини ички назорат соҳасидаги умумқабул қилинган халқаро ва миллий стандартлар асосида мунтазам ва мустақил равишда баҳолаш учун ташкил этилган фаолиятдир [6].

С.У.Мехмонов ишларида бюджет ташкилотларида ички аудит методологиясини такомиллаштириш масаласига бюджет тизими нуқтаи назардан ёндашилганлигини кўриш мумкин [7].

Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган илмий изланишларда айнан ички аудитнинг ҳозирги кундаги ўрни, унинг режасини тузиш,

ишчи ҳужжатларини тайёрлаш, йиғма ҳисоботни тузиш, ички аудит услубиётини такомиллаштириш масалалари, ички аудиторларни халқаро даражада сертификатлаш тизими тўлиқ ўрганмаган.

Корхона ишлаб чиқариш фаолиятини бошқариш жараёнида бошқарув қарорларининг бажарилишини таъминлаган ҳолда қўйилган мақсадга эришиш учун хўжалик юритувчи субъектлар ички аудит хизмати ҳисоботининг бир хиллиги (унификациялаштирилиши)ни таъминлаш мақсадида муаллиф томонидан ички аудит натижаларини расмийлаштиришга оид намунавий йиғма ҳисобот шаклини жорий этиш бўйича таклиф ишлаб чиқилди (1-жадвал).

Фикримизча, халқаро амалиётда кенг фойдаланилаётган халқаро ички аудит стандартларини республикамизда ҳам қабул қилиш лозим. Ўзбекистон жамоат ташкилотлари орқали Ички аудиторлар институтига аъзо бўлиш, мамлакатимизда халқаро ички аудит стандартларидан фойдаланиш имконияти яратилади. Ушбу стандартларнинг тузилиши ва қўлланилиши бўйича қуйидагилар таклиф этилди (1-чизма).

Халқаро амалиётда ички аудит институти томонидан ишлаб чиқилган ички аудитнинг стандартлари қуйидаги мезонларни ўзида акс эттиради:

- сифат тавсифи стандартлари;
- фаолият стандартлари;
- амалий қўллаш стандартлари.

5. Аҳмаджонов К.Б. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ички аудит методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т., 2016. – 76 б.

6. Тураев А.Н. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматининг назарий ва амалий масалалари. Монография. – Т.: LESSON PRESS, 2017. – 213 б.

7. Мехмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т., 2018. – 76 б.

ҚИСҚАЧА:

ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ, ИЧКИ АУДИТ ВАЗИФАЛАРИНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШДА БИР ҚАНЧА КАМЧИЛИК ВА НУҚСОНЛАР ЮЗАГА КЕЛАЁТГАНИНИ КЎРСАТМОҚДА. УШБУ ҲОЛАТ АУДИТ СОҲАСИДАГИ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРГА ТАШҚИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШДА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ МАЪЛУМОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲАҚИДАГИ ТЕГИШЛИ ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛИШINI ТАҚОЗО ЭТАДИ.

2-жадвал.

Акциядорлик жамиятларининг бюджет билан ҳисоб-китоблари таҳлили

Кўрсаткичлар	2018 йил			2019 йил		
	ҳисобланган	тўланган	Фарқ (+, -)	ҳисобланган	тўланган	Фарқ (+, -)
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	0	5550	5550			
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	712148	615494	-96654	1292852	1169216	-123636
Шу жумладан: шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ажратмалар	35611	31107	-4504	61876	48218	-13658
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	-	6960	6960			
Қўшилган қиймат солиғи	10130	0	-10130	1059815	70597	-989218
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	41175	48020	6845	170027	72000	-98027
Бошқа солиқлар	45161	6272	-38889	145216	145216	0
Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар	386	0	-386	68251	609	-67642
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар	288414	260161	-28253	600303	464424	-135879
Бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар	-	-	-	24376	217	-24159
Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари	959932	865015	-94917	1632190	1445561	-186629
Бюджетга тўловларнинг кечиктирилганлиги учун молиявий жазолар	359	359	0	38	38	-
Жами бюджетга тўловлар суммаси (280 дан 470 сатрча, 291 сатрдан ташқари)	2057843	1807831	-250012	4993068	3367878	-1625190

Манба: Муаллифлар томонидан «Ўзавтотранс» акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Илмий тадқиқотларимиз натижасида Ўзбекистонда хорижий давлатлар амалиётида мавжуд бўлган Ички аудиторлар институти филиалини очиш орқали халқаро ички аудит стандартларидан кенг фойдаланиш имконияти яратилади ҳамда ички аудит хизмати ходимларини халқаро даражада сертификатлаш тизими ва ички аудит хизмати ходимларининг малакасини хорижда ошириш имконияти кенгайди.

Биз таклиф этаётган ички аудит стандартларининг амалиётда қўлланилиши ички аудит хизмати самарадорлигини янада оширади ва оптимал бошқарув қарорларини қабул қилишга ёрдам беради, ички аудиторларнинг иши ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди ва хорижий инвесторларнинг ички аудит хизмати иши самарасига қараб, ижобий инвестиция қарорлари қабул қилишига замин яратади.

Акциядорлик жамиятида солиқ тўловлари бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларнинг ички аудити услубиётини такомиллаштиришни кўриб

чиқамиз. Бу муаммони ўрганиш жараёнида хўжалик юритувчи субъектнинг бюджетга солиқ ва бошқа мажбурий ажратмалари ҳисоб-китоби таҳлили келтириб ўтилган (2-жадвал).

2-жадвал таҳлили маълумотларидан кўриниб турибдики, «Ўзавтотранс» акциядорлик жамияти бюджет билан ҳисоб-китоблар бўйича умумбелгиланган тартибда солиқ тўлайди. 2018 йилда жами 2 057 843 минг сўм солиқ ва бошқа мажбурий ажратмалар ҳисобланган бўлса, шундан бюджетга 1 807 831 минг сўм тўланган ва 250 012 минг сўмлик солиқ суммалари тўланмасдан қолган, бунинг натижасида корхонага 359 минг сўм миқдорида пеня ҳисобланган ва бюджетга ундирилган.

2019 йилда эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда 4 993 068, 3 367 878, 1 625 190 минг сўмни ташкил қилган ва ўз вақтида тўланмаганлиги учун 38 минг сўм миқдорида пеня ҳисобланган. Ички аудит текширувини ўтказишда аудитор томонидан пеня суммаларининг вужудга кели-

ши сабаблари ўрганилиши ва жавобгар шахслар аниқланиши зарур. Ички аудит, энг аввало, солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланишини текшириши лозим.

Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг фаолиятини ўрганиш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқариш, ички аудит вазифаларини самарали амалга оширишда бир қанча камчилик ва нуқсонлар юзага келаётганини кўрсатмоқда. Ушбу ҳолат аудит соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ташқи аудитни ўтказишда ички аудит хизмати маълумотларидан фойдаланиш ҳақидаги тегишли ўзгартишлар киритилишини тақозо этади.

Ички аудит хизмати натижаларидан ташқи аудиторларнинг фойдаланиши аудиторлик текшируви учун сарфланадиган вақтни камайтириш орқали аудиторлик ташкилотида меҳнат ресурсларига бўлган харажатларни қисқартириш, шунингдек, аудиторлик далилларининг етарлилиги тамойили асосида қўшимча далиллар олиш имконини беради.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ички аудит хизматининг ташкил этилиши ва уларнинг фаолиятини ўрганиш натижасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқариш, ички аудит вазифаларини амалга оширишда айрим камчилик ва нуқсонлар юзага келаётганлиги аниқланди. Ушбу камчиликларни баратараф этиш ҳамда мамлакатимиз ички аудиторлик фаолияти амалиётида уларнинг такрорланмаслиги учун, фикримизча, «Ички аудит хизмати ишидан фойдаланиш» номли халқаро стандартни амалиётга жорий этиш, ички аудитни фаолият шакли сифатида қонунда мустақамлаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати ҳисоботини тайёрлашда уни ўтказиш жараёнининг кетма-кетлик босқичлари тўғри тузилиши муҳим ҳисобланади. Ички аудит хизматини ташкил этишда муаллиф томонидан таклиф қилинган ички аудитни ўтказиш босқичларини қўллаш натижасида уни ҳужжатлаштириш жараёнида ички аудитнинг режа ва дастурини ўз вақтида тузиш, ички аудит харажатлари сметасини тайёрлаш, ички аудит хизмати ходимлари лавозим йўриқномасини ишлаб чиқиш, кундалик иш

ҚИСҚАЧА:


**ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ
НАТИЖАЛАРИДАН ТАШҚИ
АУДИТОРЛАРНИНГ ФОЙДАЛАНИШИ
АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИ
УЧУН САРФЛАНАДИГАН
ВАҚТНИ КАМАЙТИРИШ ОРҚАЛИ
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИДА
МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИГА БЎЛГАН
ХАРАЖАТЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ,
ШУНИНГДЕК, АУДИТОРЛИК
ДАЛИЛЛАРИНИНГ ЕТАРЛИЛИГИ
ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ҚЎШИМЧА
ДАЛИЛЛАР ОЛИШ ИМКОНИНИ
БЕРАДИ.**

жараёнларини амалга ошириш, ички аудит хизмати ҳисоботини тузиш ҳамда кузатув кенгашига тақдим этишнинг кетма-кетлик асосида бажарилиши таъминланади.

Мамлакатимизда ички аудит фаолиятини тартибга солиш мақсадида халқаро тажриба



Ички аудит стандартларининг тuzилиши ва қўлланилиши



Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



асосида АҚШдаги ички аудит институти филиалини ташкил этиш ички аудит хизмати сифатини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистонда ички аудит институти филиали очилиши туфайли ички аудит хизмати ходимлари халқаро даражада 3 та босқичли «Дипломли ички аудитор» (Certified Internal Auditor, CIA) сертификатини олиши ҳамда ички аудиторларнинг жамоат ташкилотлари орқали ички аудиторларни сертификатлаш тизимининг такомиллашувига эришилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати иш натижаларини расмийлаштириш учун таклиф этилган «Ички аудит хизмати ҳисоботи»нинг намунавий шакли йиғма ҳисоботнинг бир хиллигини таъминлаш имконини беради ва «Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида»ги Низомнинг такомиллашувига эришилади.

Ички аудит хизматининг хўжалик юритувчи субъектлар учун самарадорлик кўрсаткичлари тизими ва уни аниқлаш услубиёти яратилди ҳамда амалиётга қўллаш учун тавсия этилди. Бунинг натижасида кузатув кенгаши томонидан ички аудиторлар иш натижаларини баҳолаш ва назорат қилиш имконияти янада ошади.

Ички аудит стандартлари республикамизда ички аудит соҳасини ривожлантириш учун асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқишга имконият яратади. Бунинг натижасида ички аудиторлар томонидан ички аудит стандартларининг кенг қўлланилиши амалиётдаги муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилиши имкониятини яратади.

Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни такомиллаштириш ҳамда 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишга хизмат қилади.



ABSTRACTS

EXPERIENCE OF CONDUCTING INTERNAL AUDIT IN INTERNATIONAL PRACTICE AND ITS APPLICATION IN OUR COUNTRY

This article discusses the features of the use of international standards of internal audit in the activities of the internal audit service of business entities, compliance with the established requirements and the advantages of their implementation in the country. A brief analysis of the experience and scientific achievements of economically developed countries in this area, as well as proposals on harmonization of normative documents coordinating internal audit activities in economic entities with international requirements were made.

КАК ПОВЛИЯЛА «ТОРГОВАЯ ВОЙНА» МЕЖДУ США И КИТАЕМ НА МИРОВУЮ ТОРГОВЛЮ И ГЛОБАЛЬНУЮ ЭКОНОМИКУ?

Новейшая история развития мировой экономики характеризуется уточнением теоретических концепций, нарастанием противоречий, появлением новых глобальных проблем, усилением взаимозависимости всех участников мировой экономической системы. Этому способствуют такие ключевые процессы, как глобализация мировой экономики, интернационализация хозяйственной жизни и деятельности предприятий, рост числа интеграционных объединений, появление новых типов международного разделения труда в новой конструкции мира.

Азизбек Рустамов,
преподаватель кафедры
«Экономические дисциплины»
Таможенного института
Государственного таможенного
комитета

Наряду с вышеуказанными явлениями имеется ряд факторов, которые приводят к замедлению темпов роста мировой экономики, частому повторению кризисов и другим негативным процессам в ней. Одним из таких факторов являются часто возникающие между странами торговые конфликты, которые приводят к спаду производства, нарушению мирового обращения товаров и услуг, обрушению рынков и т.д., особенно если речь идет о торговом противостоянии между двумя крупнейшими экономиками мира – США и КНР.

Влияние «торговой войны» США и Китая на мировую экономику будет весьма заметным, поскольку США являются главным потребителем, а Китай – производителем товаров. На их общую долю приходится одна пятая часть мировой торговли и около 40% мирового ВВП.



Общеизвестно, что торгово-экономические противостояния между государствами мира будут иметь весьма отрицательные последствия как для самих этих стран, так и для глобальной экономики. Особенно если речь идет о «торговой войне» между такими «драйверами» мировой экономики, как США и Китай.

Несмотря на заявления некоторых экономистов о том, что последствия нынешнего торгового конфликта между США и КНР сильно преувеличены, реальные результаты данного противостояния начали отражаться на глобальных темпах роста уже с момента применения сторонами протекционистских мер.

Так, в 2017 году показатель роста мировой экономики составил 4%, и по прогнозам экспертов Международного валютного фонда (МВФ) должен был составить 3,9% в 2018 и 2019 годах. Однако в последующие годы темпы мирового роста замедлились до 3,6% в 2018 году, а в 2019 году тенденция замедления роста мировой экономики продолжилась и составила 2,9%.

Основными причинами этого стали макроэкономические трудности в некоторых странах Южной Америки и Азии, перебои в автомобильной отрасли в Германии, более жесткая политика кредитования в Китае, ужесточение финансовых условий наряду с нормализацией денежно-кредитной политики в крупных странах с развитой экономикой, которые способствовали существенному ослаблению глобального экономического подъема за последние годы. Однако, по

мнению большинства аналитиков, главной причиной снижения темпов роста мировой экономики является нарастание напряженности в торговле между США и Китаем.

Исходя из этого, специалисты МВФ делают более осторожные прогнозы относительно роста мировой экономики на 2020 и 2021 годы (Диаграмма 1).

В январском докладе «Мировая экономическая ситуация и перспективы», опубликованном Конференцией ООН по торговле и развитию (ЮНКТАД), сообщается, что в 2019 году темпы роста ВВП замедлились до 2,3%, что является самым низким показателем со времени глобального финансового кризиса 2008-2009 годов. По мнению специалистов ЮНКТАД, ухудшению состояния мировой экономики послужили затянувшиеся торговые споры, а также широкомасштабная неопределенность в мировой политике.

Следует отметить, что в результате роста напряженности в торгово-экономических отношениях между США и Китаем больше всего страдает мировая торговая система, которую назвали драйвером сложившейся модели всемирной экономической глобализации.

Устойчивый рост мировой торговли в период с 1991 года по 2007 год более чем в два раза превышал темпы роста мирового ВВП. Этому способствовало появление новых рынков стран, ранее входящих в состав СССР, а также Восточной Европы, в результате чего товары из стран Азии и Европы массово начали заполнять эти рынки.

Затем в 2008 году наступил мировой финансовый кризис, позже переросший в мировой финансово-экономический кризис, который не только раскрыл и обострил дисбалансы и диспропорции, но и выявил несовершенство механизма глобального роста.

Согласно данным Всемирного банка и МВФ, если до кризиса 2008–2009 годов отношение оборота мировой торговли товарами и услугами к мировому ВВП постоянно возрастало, то затем данная тенденция развивалась в обратном направлении. Отмеченное в 2008 году отношение мировой торговли к глобальному ВВП до сих пор так и не восстановлено. Это свидетельствует о том, что мировая торговая система, по сути, перестала выступать в качестве безусловного двигателя мировой экономики. Ситуация также усложнилась тем, что мировая экономика вошла в период торговых войн и растущего уровня прямого и скрытого протекционизма.


Анализ последних тенденций в международной торговле показывает сначала минимальный рост в период между 2012 и 2014 годами, затем спад в 2015 и 2016 годах и, наконец, подъем в 2017 году. В 2017 году рост мировой торговли составил 4,6%. Однако обострение торгово-экономических отношений между США и Китаем привело к снижению объема мировой торговли до 3% в 2018 году¹.

Темпы роста мировой торговли в конце 2019 года также оставались ниже линии тренда, о чем свидетельствует индикатор «Торговый барометр» Всемир-

1. Доклад Генерального секретаря ООН «Международная торговля и развитие» на 74-сессии Генассамблеи от 27.05.2019 г. https://unctad.org/meetings/en/SessionalDocuments/a74d221_ru.pdf (Дата обращения: 08.03.2020 г.).

Диаграмма 1.

Показатели роста мировой экономики



Источник: Составлено автором на основе Бюллетеня МВФ «Перспективы развития мировой экономики», январь 2020 года.

ной торговой организации (ВТО). При этом, в сравнении с предыдущим измерением значение индикатора улучшилось, составив 96,6 против 95,7 пункта. Для сведения: показатель менее 100 пунктов указывает на снижение оборотов, более 100 пунктов – на рост (Диаграмма 2).

В сложившихся условиях больше всего пострадал Китай, который в последнее время превратился в крупнейшую торговую державу. Вследствие ухудшения торговых отношений с США, в Китае наблюдается замедление роста промышленного производства, недостаток инвестиций и рост долговых обязательств. В результате этого темпы роста экономики КНР в 2018 году показали минимальную отметку с начала XXI века. Данная тенденция также продолжилась в течение всего 2019 года и по итогам года составила 6,1%, что также является одним из самых низких показателей в современной истории Китая.

Специалисты МВФ в своем январском докладе «Перспективы развития мировой экономики» прогнозировали, что подписа-

ние в январе 2020 года «первой фазы» торговых соглашений, где предусматривалось частичное сворачивание прошлых тарифных мер и приостановка дополнительных повышений тарифов, приведет к снятию циклического ослабления в ближайшей перспективе, следствием чего является повышение прогноза роста в Китае на 2020 год на 0,2 процентного пункта. Однако наличие нерешенных споров по широкому спектру вопросов, касающихся торгово-экономических отношений между США и КНР, а также необходимость укрепления внутреннего финансового регулирования в Китае ставят под сомнение эти прогнозы.

Ситуация также усугубляется из-за вспышки в Китае нового типа коронавируса (COVID-19) в начале января 2020 года. В результате эпидемии многие страны приостановили транспортное сообщение с Китаем, что негативно повлияло не только на объем пассажиропотока, но и на грузовые перевозки, что отрицательно отразилось на мировой торговле.

Уже в начале 2020 года по-

требительская инфляция в Китае оказалась выше ожиданий и составила 5,4% в годовом выражении против 4,5% в декабре 2019 года. Удорожание товаров на китайском рынке может разогреть продовольственную инфляцию, особенно в дефицитный осенне-зимний период.

Специалисты отмечают, что нынешняя кризисная ситуация в Китае в ближайшей перспективе будет оказывать негативное влияние на развитие мировой экономики. Вынужденные каникулы и приостановка ряда производств в Китае будет ставить под угрозу оптимистические прогнозы относительно роста мировой торговли. В связи с этим Организация экономического сотрудничества и развития (ОЭСР) пересмотрела свои прогнозы по росту мировой экономики на 2020 год, снизив их на 0,5 процентных пункта с 2,9% до 2,4%.

В сложившихся условиях считается целесообразным разработать несколько вариантов сценариев развития событий для того, чтобы прояснить ситуацию. В связи с этим автором разработаны оптимистический, пессимистический и реалистичный виды сценариев.

1. СЦЕНАРИЙ ОПТИМИСТИЧЕСКИЙ

Суть данного сценария заключается в том что, несмотря на сохраняющиеся разногласия, Китай и США, осознав всевозможные отрицательные результаты продолжения торговой конфронтации и в целях смягчения последствий всемирной пандемии, все же придут к согласию и выполнят взятые на себя обязательства в рамках «первой фазы» торговой сделки.

В этом случае Китаю придется первым сделать шаг навстречу и ликвидировать ранее установленные барьеры для американского импорта. Китаю также придется отказаться от политики интервенционизма, валютной манипуляции и практики принуждения «передачи технологий». Более того, Китай протянет руку помощи США в борьбе с эпидемией коронавируса.

Данный сценарий также может быть благоприятным для Соединенных Штатов, поскольку у них появляется возможность нарастить объем экспорта в Китай и постепенно уменьшить размер торгового дефицита. При этом США придется отказаться от ранее установленных тарифов на китайский импорт и заново выстраивать торговые отношения в соответствии с правилами и принципами ВТО.

При таких обстоятельствах высока вероятность того, что широкомасштабная торговая война постепенно, по мере ликвидации последствий пандемии коронавируса, превратится в незначительное торговое «трение» и не будет представлять угрозу для нормального функционирования мировой торговой системы.

В случае торгового соглашения мировую экономику ожидают положительные тренды, и уже к середине 2021 года, справившись с последствиями пандемии, она будет показывать оживление с последующим устойчивым ростом. Поскольку обе стороны конфликта являются «драйверами» мировой экономики, им будет легче справиться с последствиями пандемии вместе и вывести мировую экономику на прежний уровень.

Настоящий сценарий представляется выгодным для Китая, поскольку он, являясь основным экспортером в мире, не будет страдать от перепроизводства и образования большого количества безработных.

США также могут извлечь выгоду из реальной торговой сделки, поскольку они впредь будут диктовать условия торговых соглашений, а также перед ними открывается возможность впервые за долгие годы уравнивать (или хотя бы уменьшить) отрицательный торговый баланс.

2. СЦЕНАРИЙ ПЕССИМИСТИЧЕСКИЙ

Сущность данного сценария заключается в том, что, несмотря на достигнутые в январе 2020 года договоренности между сторонами, нынешнее торговое противостояние будет продолжаться из-за невозможности выполнить сторонами взятых на себя обязательств в условиях пандемии коронавируса и спада мировой экономики. Вероятнее всего, торговое противостояние между США и КНР превратится в полномасштабную торговую войну. Вполне возможно, что какая-либо из сторон будет недовольна условиями «первой фазы» торговых соглашений и откажется в полной мере выполнять свои обязательства, тем самым спровоцирует не только дальнейшую эскалацию торговой войны, но и поспособствует углублению кризиса мировой экономики. Учитывая нынешние реалии, когда Китай взял на себя больше обязательств, чем США, а также с учетом непростого нынешнего положения сторон, такой вариант развития событий, хоть и маловероятен, но все же существует.

В данном случае США могут применить высокие тарифы в отношении всего китайского импорта, а КНР может дать адекватный ответ и ввести спекуляции на фондовых и валютных биржах.

Этот ход событий нежелателен для обеих сторон. Китай в случае торговой войны рискует потерять американских производителей, которые имеют свои заводы на территории КНР и вносят огромный вклад в производство ВВП. Торговая война для США может обернуться высокой инфляцией, поскольку дешевый китайский импорт позволял сдерживать резкий рост цен на внутреннем потребительском рынке, а также повышением уровня безработицы, поскольку американский экспорт в Китай позволял ежегодно обеспечивать работой около 2,5 миллионов американцев. Больше всего может пострадать аграрный и финансовый секторы США.

В таком случае мировая экономика может пережить очередной кризис, последствия которого будут более разрушительными, чем мировой финансово-экономический кризис 2008 и 2009 годов. При таком варианте показатели роста мировой экономики могут опуститься на 2 и более процентов от прогнозных величин.

3. СЦЕНАРИЙ РЕАЛИСТИЧНЫЙ

Согласно данному сценарию, дальнейшему продвижению торговой сделки будет препятствовать затяжная пандемия коронавируса и заметный спад мировой экономики, поскольку в этих условиях приоритетом для сторон будет скорейшее оздоровление собственной эконо-

мики и ликвидация последствий пандемии собственными силами.

Договоренности, достигнутые в начале 2020 года, будут рассматриваться как «хорошее начало» или «тактический прорыв», но не решение проблемы усиливающейся конкуренции между двумя крупнейшими державами за глобальное лидерство. Таким образом, суть данного сценария заключается в том, что стороны из-за невозможности продвигаться дальше, остановятся на данной стадии отношений.

США и Китай, возможно, ослабят ранее введенные тарифы, но полностью не откажутся от протекционистских мер. В таком случае мировую экономику ждет «застой», что в конечном итоге может привести к разрушитель-

ному циклическому кризису или рецессии из-за снижения объемов производства, катастрофического обрушения фондовых рынков и ослабления валютных курсов ведущих стран мира.

«Торговая война» между США и КНР может открыть новые возможности перед нашей республикой. В частности, воспользовавшись потенциалом проекта «Один пояс – один путь», Узбекистан может привлечь китайские инвестиции для улучшения логистики, что снизило бы транспортные и торговые издержки. Кроме того, Узбекистану следует воспользоваться возможностями крупномасштабного проекта Нового Шелкового пути и заключить выгодную сделку, а затем использовать производственные

мощности для развития национальной экономики.

В сложившихся условиях Узбекистану следовало бы нарастить объем уже имеющегося экспорта. Наиболее привлекательным в этом плане является китайский рынок сельхозпродукции. Имея население около 1,4 млрд. человек, Китай представляет особый интерес для нашей страны. Благоприятные природно-климатические условия и наличие значительных природных запасов и трудовых ресурсов в нашей стране открывают перед нами серьезные возможности для реализации вышеперечисленных задач.

Диаграмма 2.

Динамика мировой торговли товарами

**ДИНАМИКА ТОРГОВЛИ ТОВАРАМИ В МИРЕ
(ПУНКТЫ; 100=БЕЗ ИЗМЕНЕНИЙ)**



Источник: Газета «Коммерсантъ» №212 от 19.11.2019 г. – Стр. 2.

ABSTRACTS

HOW HAS THE "TRADE WAR" BETWEEN THE US AND CHINA AFFECTED WORLD TRADE AND THE GLOBAL ECONOMY?

The recent history of the development of the world economy is characterized by the clarification of theoretical concepts, the growth of contradictions, the emergence of new global problems, the strengthening of the interdependence of all participants in the world economic system. In the article, the author examines various forecasts for the development of events in the field of political and economic confrontation between the United States and China, and puts forward proposals that are beneficial for Uzbekistan.

Ойлик илмий-амалий иқтисодий журнал

БПК

БОЗОР, ПУЛ ва КРЕДИТ

РЫНОК, ДЕНЬГИ и КРЕДИТ

Ежемесячный экономический научно-практический журнал



ОБУНА УШБУ ТАШКИЛОТЛАР ОРҚАЛИ
РАСМИЙЛАШТИРИЛСА, ТАҲРИРИЯТ ЖУРНАЛНИ
ЎЗ ВАҚТИДА ЕТКАЗИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИ:

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

АЖ «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»
ХУДУДИЙ ФИЛИЛИАЛЛАРИДА
АЖ «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»
ХУДУДИЙ ФИЛИЛИАЛЛАРИДА

БУХОРО ВИЛОЯТИ

«INFORM ROSHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

«MATBUOT TONGI» МЧЖ – 91-599-58-98

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

«INFORM ROSHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

«INFORM ROSHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

«СИРДАРЁ МАТБУОТ ХИЗМАТИ» – 97-277-27-72

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

«SURXON MATBUOT NASHRLARI» МЧЖ – 91-586-70-00

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

«KALEON INFORM» МЧЖ – 71-267-18-94

«ТОШКЕНТ МАТБУОТ МЕДИА» – 97-156-22-77

«INFORM ROSHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

«INFORM ROSHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

«ТОШКЕНТ ЖАҲОН ЗИЁ» – 97-922-02-33

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ,

НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ,

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

«INFORM ROSHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

«САЙЁР – 2017» МЧЖ – 99-990-61-01

Обуна индекси: **853**

Сизни қизиқтирган барча
саволларга таҳририятнинг
куйдаги телефон рақамлари
орқали батафсил маълумот
олишингиз мумкин:

(+998)71-234-91-13;

(+998)94-677-78-04

**«БПК» журнаliga 2021 йил учун обунани бугуноқ
расмийлаштиринг. Ўзбекистон Республикасида
иқтисодиёт ва молия, уларнинг ривожланиши ва
истиқболлари борасида бир қадам олдинда юринг!**




42.622
Таараккур.





VISA




СИЛА В ДОВЕРИИ

 @milliyapp

 @milliy.app

 @milliy_nbu

 www.nbu.uz

Услуги лицензированы